

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.
М.Улуғбек номидаги
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ИҚТИСОДИЁТ ФАКУЛЬТЕТИ

**МУМИНОВ Н.Г.
РАХМАТОВА Н.А.**

МАКРОИҚТИСОДИЁТ

практикум

Тошкент - 2005

Ушбу Практикумда Макроиқтисодиёт фани бўйича ишлаб чиқилган дастурда назарда тутилган барча мавзулар бўйича савол-жавоблар, масалалар ва тест топшириқлари берилган.

Тузувчилар: доц.Муминов Н.Г.
ўқ.Рахматова Н.А.

Маъсул муҳаррир: и.ф.д.,проф. Ваҳобов А.В.

1 БОБ. МАКРОИҚТИСОДИЁТ КУРСИНИНГ ПРЕДМЕТИ, МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

ТЎҒРИ / НОТЎҒРИ

1. Макроиқтисодиётни ўрганишдан асосий мақсад - тадбиркорлик фаолиятида мувоффақиятга эришмоқдир.	Н
2. Агар иқтисодчилар иқтисодиётнинг асосий тамойилларини бир хил талқин этишса, унда уларнинг сиёсий қарашлари ҳам бир хилдир.	Н
3. Иқтисодиёт аниқ фан эмас, лекин у кўпгина аниқ муаммоларни ечишда статистик методлардан фойдаланиши мумкин.	Т
4. Назарий билимларнинг чуқур ва мукаммал ўрганган талабалар бизнесда назарий билимга эга бўлмаган талабаларга нисбатан катта муваффақиятга эришадилар.	Н
5. Иқтисодиёт аниқ фан бўлмагани учун таҳлилнинг илмий методларидан фойдалана олмайди.	Н
6. Бир вазиятда муваффақиятли қўлланган иқтисодий сиёсат, бошқа бир вазиятда хато бўлиши мумкин.	Т
7. Макроиқтисодий таҳлил миллий даромад, нарх ва бандлик даражаси, жами талаб ва жами таклиф каби тушунчаларни ўрганади.	Т
8. Олий математикани билмай туриб, назарий иқтисодиётни ўрганиб бўлмайди.	Н

Жавоб

1.Н; 2.Н; 3.Т; 4.Н; 5.Н; 6.Т; 7.Т; 8.Н.

МАСАЛА


1. 1.1 жадвални таҳлил қилинг. Ишлаб чиқариш имкониятлари эгри чизиғини чизинг. Эгри чизиқдаги нуқталар нимани англатишини ва эгри чизиқни характерини тушунтириб беринг.

1.1 жадвал


Маҳсулот тури	Муқобил ишлаб чиқариш имкониятлари				
	A	B	C	D	E
Телевизор (минг дона)	0	3	6	9	12
Трактор	40	38	35	22	0

(МИНГ ДОНА)					
-------------	--	--	--	--	--

Жавоб:



2. Ишлаб чиқариш имкониятлар эгри чизиғи **К** ҳолатидан **Н** ҳолатига ўтди (1.1-расм). Бундай ҳолат нима билан боғлиқ? Эгри чизиқнинг ўзгаришини барча омилларини кўриб чиқинг.




1.1.-расм.

Жавоб:

Техника тараққиётини, ташқи савдони, инвестиция ва истеъмол ўртасидаги нисбатни ўзгаришини, ижобий ва салбий умумий иқтисодий ҳолатни ва бошқаларни иккала товарни ва алоҳида ҳар бир товарни алоҳида ишлаб чиқаришга таъсирини ўрганиб чиқинг.

3. Келтирилган имкониятлар эгри чизиғини ўрганиб чиқинг.



Қуйидагилар қандай иқтисодий маънога эга:

1. **A, B, C, D** нуқталар;
2. **A** дан **B** га, **B** дан **C** га, **C** дан **A** га, **A** дан **D** га ҳаракат.

Жавоб:

1. **A** нуқта, ресурслардан тўлиқ фойдаланиш ва ишлаб чиқариш салоҳиятининг жамғарилиши шароитида, инвестицион товарларни истеъмол буюмларига қараганда кўпроқ ишлаб чиқарилишини англатади.

B нуқта, ресурслардан тўлиқ фойдаланиш шароитида, истеъмол буюмларини инвестицион товарларига қараганда кўпроқ ишлаб чиқарилишини англатади, бу асосан «бугунги кун иқтисодиёти»ни англатади.

C нуқта ресурсларнинг тўлиқ банд эмаслигини билдиради.

D нуқта мавжуд ресурслар билан бу даражага етишиб бўлмаслигини билдиради.

2. **A** дан **B** гача бўлган ҳаракат истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришнинг кўпайиши ва инвестицион товарларни ишлаб чиқаришнинг эса камайишига олиб келади. Бу, бошқача қилиб айтганда, «эртанги кун иқтисодиёти»дан «бугунги кун иқтисодиёти»га ўтишини англатади.

В дан **С** гача бўлган ҳаракат ресурслар бандлигининг камайиши туфайли истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришнинг камайишини англатади.

С дан **А** гача бўлган ҳаракат ресурслар бандликнинг ортиши туфайли инвестицион товарлар ишлаб чиқарилиши кўпайишини англатади.

А дан **Д** гача бўлган ҳаракат мавжуд ресурслар шароитида амлга ошиши мумкин эмас.

ТЕСТ

1. Агар иқтисодиёт яхлит тизим сифатида ўрганилса, бу таҳлил:

- а) Микроиқтисодий;
- б) Макроиқтисодий;
- в) Позитив;
- г) Норматив;

2. Иқтисодий тизимда нарх ва ишсизликнинг умумий даражаси қайси курсда ўрганилади:

- а) Микроиқтисодиёт;
- б) Макроиқтисодиёт;
- в) Менежмент;
- г) Молия;

3. Содда оборот моделига бозорнинг қайси 2 тури киритилган?

- а) Реал ва пул;
- б) Реал ва товар, хизматлар;
- в) Пул ва ресурслар;
- г) Товарлар, хизматлар ва ресурслар.

4. «Нима, қандай, ким учун ишлаб чиқариш» муаммолари қайси брига алоқадор:

- а) Фақат тоталитар тизимларга ёки марказлашган режалаштириш ҳукмрон бўлган жамиятларга;
- б) Фақат бозор иқтисодиётига;
- в) Фақат қолоқ иқтисодиётига;
- г) Ҳар қандай жамиятга, унинг социал-иқтисодий ва сиёсий ташкил қилинишидан қатъи назар;

5. Агар иқтисодий умумлаштиришлар фактларга асосланса, таҳлилнинг бу усули:

- а) тарихий;
- б) гипотизали;

- в) индуктив;
- г) дедуктив;
- д) математик.

6. Иқтисодий фанлар тизимида нарх ва ишсизликнинг умумий даражаси қайси фанда ўрганилади:

- а) микроиқтисодиёт;
- б) макроиқтисодиёт;
- в) менежмент;
- г) молия;
- д) иқтисодий назария.

7. «Нима ишлаб чиқариш» муаммоси:

- а) жамият олдида эмас, фақат хусусий тадбиркор олдида туриши мумкин;
- б) имкониятлар чегараси чизиғида нуқта танлаш муаммоси сифатида қаралади;
- в) ишлаб чиқариш омилларини самарадорлигини пасайиб бориши қонуни асосида ўрганилади;
- г) ресурслар дефицити шароитида пайдо бўлади;
- д) ортиқча ишлаб чиқариш шароитида вужудга келади.

8. «Қандай ишлаб чиқариш» муаммоси қайси шароитларда бўлмайди:

- а) ишлаб чиқариш ресурслари ҳажми қатъий чегараланган ва конкрет товар ишлаб чиқариш учун мўлжалланган;
- б) иқтисодиёт ишлаб чиқариш омиллари фойдалилигини пасайиб бориши қонуни таъсирида бўлмаса;
- в) иш кучига нисбатан ишлаб чиқариш ресурс захиралари чекланган бўлса;
- г) техник жиҳатдан ривожланган жамиятда бу оддий техник муаммога айланади;
- д) нотўғри жавоб йўқ.

9. Имкониятлар чегараси чизиғи қуйидагиларнинг қайси бири:

- а) хўжалик ишлаб чиқармоқчи бўлган икки товарнинг аниқ ҳажми;
- б) икки товар комбинацияларининг энг яхшиси;
- в) берилган ресурслар ҳажмидан фойдаланиб товарларни альтернатив комбинациялари;
- г) ишлаб чиқариш омиллари самарадорлигини пасайиб бориши қонунини амал қила бошлаш вақти;

д) банклар амалга оширмоқчи бўлган зарурий молиявий ажратмалар ҳажми.

10. Ҳар қандай иқтисодий тузум шароитида кун тартибида турадиган муаммо:

- а) ноёблик муаммосидир;
- б) ишлаб чиқариш муаммосидир;
- в) истеъмол муаммосидир;
- г) инвестиция муаммосидир;
- д) ижтимоий ва сиёсий барқарорлик муаммосидир.

11. Чекланган ресурслар эгри чизиғи ёрдамида:

- а) нархнинг ўзгаришини аниқлаш мумкин;
- б) инфляция даражасини аниқлаш мумкин;
- в) харжатларнинг ўзгаришини аниқлаш мумкин;
- г) меҳнат унумдорлиги даражасини аниқлаш мумкин;
- д) ишсизлик даражасини аниқлаш мумкин.

Жавоб:

1. б; 2. б; 3. г; 4. г; 5. б; 6. б; 7. б; 8. а; 9. в; 10. б; 11. в.

2 БОБ. АСОСИЙ МАКРОИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАР

ТЎҒРИ / НОТЎҒРИ

1. Реал ялпи миллий маҳсулот – бу бир йилда жорий нархларда ишлаб чиқарилган товар ва хизматларнинг қийматидир.	Н
2. Истеъмол нархлар индекси «истеъмол савати»га кирувчи маҳсулотлар нархлари асосида ҳисобланади.	Т
3. Номинал ва реал ЯММ ҳажми фақат қиймат кўринишида ҳисобланиши мумкин.	Т
4. Соф экспорт ҳажми товар ва хизматлар экспорт миқдоридан мамлакат импорти ҳажмининг айирмасига тенг.	Т
5. Даромад асосида ҳисобланган ЯММ харажат асосидаги ҳисобланган ЯММга тенг.	Т
6. Соф миллий маҳсулот – миллий даромаддан амортизация ҳажмига ортиқдир.	Н
7. Трансферт тўловларини олувчи эвазига давлатга бирор-	Н

бир нарсани қайтариши керак.	
8. Мамлакатнинг соф экспорти экспорт ва импорт йиғиндисига тенг.	Н

Жавоб

1.Н; 2.Т; 3.Т; 4.Т; 5.Т; 6.Н; 7.Н; 8. Н.

МАСАЛА

1. Иқтисодиётда 2 та **А** ва **В** товар ишлаб чиқарилади ва истъеъмол қилинади. Қуйидаги маълумотлар ёрдамида 1990 йил учун ИНИни ҳисобланг.(1980 йил - базис йили).

Йил	А товар		В товар	
	савдо ҳажми	нарх	савдо ҳажми	нарх
1980	200	10	1000	6
1990	1500	2	1500	10

Жавоб:

ИНИ = 1,3;

2. **Х** мамлакат иқтисоди икки хил товар ишлаб чиқаради: чой ва олма. 2 йил учун ишлаб чиқариш ва баҳолар қуйидагича. («1-йил»-базис йили)

Йил	Ишлаб чиқариш Q		Нарх P	
	Чой минг т.	Олма минг т.	Чой минг. с. 1 т.	Олма минг. с. 1т
1-йил	500	150	10	6
2-йил	450	250	24	8

ЯММ дефляторини топинг.

Жавоб:

ЯММ дефлятори = 2,13

3. А мамлакат бўйича қуйидаги маълумотлар бор:

1.	Соф ички хусусий инвестиция	32
2.	Индивидуал солиқлар	39
3.	Трансферт тўловлар	19
4.	Эгри солиқлар	8

5.	Корпорация даромадига солиқлар	11
6.	Шахсий истеъмол харажатлари	217
7.	Истеъмол қилинган капитал қиймати	7
8.	Экспорт	15
9.	Дивиденд	15
10.	Товар ва хизматлар учун давлат харажатлари	51
11.	Корпорациянинг тақсимланмаган фойдаси	10
12.	Социал суғурта тўловлари	4
13.	Импорт	17

- а) Корпорация фойдасини топинг;
б) Соф экспортни топинг;
в) **ЯММ**ни харажатлар бўйича ҳисобланг;
г) **СММ**ни топинг;
д) Ялпи соф ички инвестицияларни топинг.

Жавоб:

- а) Корпорация фойдаси = 36;
б) Соф экспорт = -2;
в) харажатлар бўйича **ЯММ** = 305;
г) **СММ** = 298;
д) Ялпи соф ички инвестициялар = 39.

4. **Б** мамлакат бўйича қуйидаги маълумотлар бор:

1.	Шахсий истеъмол харажатлари	245
2.	Трансферт тўловлари	12
3.	Аренда тўловлари	14
4.	Амортизация	27
5.	Социал суғурта тўловлари	20
6.	Процентлар	13
7.	Мулқдан олинадиган даромад	31
8.	Соф экспорт	3
9.	Дивиденд	16
10.	Елланма ишчиларнинг меҳнат ҳақи	221
11.	Эгри солиқлар	18
12.	Корпорациянинг тақсимланмаган фойдаси	21
13.	Индивидуал солиқлар	26
14.	Корпорациялардан олинадиган даромад солиғи	19
15.	Корпорациялар фойдаси	56

17.	Соф ички хусусий инвестиция	33
18.	Рента тўловлари	14

- а) харажатлар бўйича **ЯММ**ни ҳисобланг;
- б) даромадлар бўйича **ЯММ**ни ҳисобланг;
- в) **СММ**ни ҳисобланг;
- г) **МД**ни ҳисобланг.

Жавоб:

- а) харажатлар бўйича **ЯММ** = 380;
- б) даромадлар бўйича **ЯММ** = 380;
- в) **СММ** = 353;
- г) **МД** = 335;

ТЕСТ

1. Қуйида санаб ўтилганларнинг қайси бири Миллий даромад ўлчанаётган даврда ҳисобга олинмайди:

- а) Корпорациялар фойдаси;
- б) Давлат трансферт тўловлари;
- в) Рента даромадлари;
- г) Иш хақи;

2. Нархлар индекси қуйидагиларнинг қайси бирини ҳисоблаш учун зарур:

- а) Жорий ва ўтган даврлардаги ишлаб чиқариш таркибини ўзгаришини баҳолаш;
- б) Икки турли даврдаги «истеъмол савати»нинг бозор қийматини ўзгаришини баҳолаш;
- в) Икки мамлакат орасида нархлар даражасидаги фарқни баҳолаш;
- г) Улгуржи ва чакана нархлар орасидаги фарқни кўрсатиш;

3. Қуйидагиларнинг қайси бири ЯММни харажатлар бўйича ҳисобланганда киритилмайди:

- а) Ялпи инвестициялар;
- б) Соф экспорт;
- в) Товар ва хизматлар учун давлат харажатлари;
- г) Иш хақи;

4. Ялпи хусусий ички инвестиция қуйидаги кўрсаткични ҳисоблашда ёрдам беради:

- а) Даромадлар бўйича ЯММ;

- б) Харажатлар бўйича ЯММ;
- в) Харажатлар бўйича СММ;
- г) Шахсий даромад;

5. ЯММдан СММни келтириб чиқариш учун, қуйидагиларнинг қайси бирини амалга ошириш зарур:

- а) Соф инвестицион харажатларни қўшиш;
- б) ЯММдан соф инвестицияларни айириб ташлаш;
- в) ЯММга амортизация ҳажмини қўшиш;
- г) Асосий фондларни емирилган қисмини айириш;

6. ЯММ дефляторини топинг:

- а) Номинал ЯММни реал ЯММга нисбатига тенг;
- б) Реал ЯММни номинал ЯММга нисбатига тенг;
- в) Инфляция жадаллашган сари камайиб боради;
- г) Базис даврдаги «истеъмол савати» нархини ўзгариш суръатларини ўлчайди;

7. Номинал ЯММ бу товар ва хизматларнинг қуйидаги нархлардаги қиймати:

- а) Жорий нархлардаги;
- б) Реал нархлардаги;
- в) Базис даври нархларидаги;
- г) ўтган давр нархларидаги;

8. Қуйидагиларнинг қайси бири ЯММ таркибига киради:

- а) Уй бекасининг хизматлари;
- б) Қўшнidan эскироқ автомобиль сотиб олиш;
- в) Брокердан янги акцияларни сотиб олиш;
- г) Китоб дўконидаги янги китобнинг қиймати;

9. Капитал истеъмоли учун ажратмалар - бу:

- а) Соф инвестициялар;
- б) Соф хорижий инвестициялар;
- в) Амортизация;
- г) Истеъмол буюмлари сотиб олишга ишлатиб бўлмайдиган фондлар;

10. Трансферт тўловларини аниқланг:

- а) Қайтарилмаслик шарти билан уй хўжалигига қилинган тўловлар;
- б) Ҳукумат томонидан алоҳида кишиларга тўловлар;
- в) Миллий даромадга кирмайдиган даромад компоненти;

г) Юқоридаги жавобларнинг ҳаммаси тўғри;

11. Агар Ўзбекистон фуқароси вақтинчалик Россияда ишлаганда унинг даромади қуйидагиларнинг қайси бирига киради:

- а) Ўзбекистон Ялпи Миллий Маҳсулоти (ЯММ)га ва Россия Ялпи Ички Маҳсулоти (ЯИМ)га;
- б) Ўзбекистон ЯИМга ва Россия ЯММга;
- в) Ўзбекистон ЯММга ва Россия ЯИМга;
- г) Россия ЯММга ва Россия ЯИМга;

12. Истеъмол нархлари индекси қуйидагини аниқлашда қўлланилади?

- а) жорий ва ўтган йиллардаги ишлаб чиқариш таркибидаги фарқларни аниқлашда;
- б) икки даврдаги «истеъмол савати»нинг бозор қийматидаги фарқларни аниқлашда;
- в) икки мамлакат нархларининг фарқларини аниқлашда;
- г) улгуржи ва чакана нархлар ўртасидаги фарқларни аниқлашда.

Жавоб:

1. б; 2. б; 3. г; 4. б; 5. г; 6. а; 7. а; 8. г; 9. в; 10. а; 11. а; 12. б.

3 БОБ. БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ШАРОИТИДА ДАВЛАТНИНГ ИҚТИСОДИЙ ВАЗИФАЛАРИ

ТЎҒРИ / НОТЎҒРИ

1. «Робин Гуд таъсири» ҳар бир меҳнаткашга минимал иш ҳақини кафолатлайди.	Н
2. «Табиий монополия» тармоқлари жаҳоннинг ҳар бир мамлакатада бўлиши шарт.	Н
3. «Табиий монополия» тармоқларини давлатнинг нархлар ва стандартлар бўйича комиссияси назорат қилади.	Т
4. «Фрирайдер муаммоси» – одамлар ҳеч қандай харажат қилмасдан маълум турдаги товар ва хизматлардан фойдаланишидир.	Т
5. Давлат ижтимоий бойликларни яратиш учун зарур ресурсларни фирма ва уй хўжаликларига солиқ солиш йўли билан топади.	Т
6. Бозор иқтисодиёти шароитида 2та муҳим ҳодиса: инфляция ва ишсизлик бўлиб, уларга қарши курашиш	Т

усуллари бир-бирига зиддир.	
7. Ижтимоий бойликларнинг асосий қисми бўлинмаслик хусусиятига эга бўлиб, уларга четлаштириш принципи амал қилмайди.	Т
8. Ишлаб чиқариш жараёнида уч томон қатнашиб қўшимча самара уларнинг бирортасига оқиб ўтса – бу оқиб ўтиш ёки «қўшимча эффект» деб аталади.	Н
9. Иқтисодиётда бозор фаолиятини кескин равишда бузилишини 2 хил ҳодиса орқали кўриш мумкин: оқиб ўтиш ва ижтимоий бойлик.	Т
10. Капиталнинг доиравий айланишида «давлат» «уй хўжалиги»дан оладиган соф солиғи тескари солиққа ҳам айланиши мумкин.	Т
11. Оқиб ўтишдан келиб чиқадиган фойдани оширишнинг 2 хил усули бор, булар талабни ошириш ва таклифни ошириш.	Н
12. Оқиб ўтишдан келиб чиқадиган харажатларни бартараф этишнинг 2 хил усули бор, булар қарорлар ва қонунлар чиқариш ва алоҳида солиқлар солиш.	Т
13. Рақобат шароитида сотувчи бу хўжайин, бозор унинг агенти, харидор эса хизматкордир.	Н
14. Соф ҳолда олинган бозор иқтисодиёти иқтисодий тизимлар орасида энг инсонпарваридир.	Н
15. Трансферт тўловлари бу қонунлаштирилган садақадир, уни олувчилар эса қонунлаштирилган гадойлардир.	Н
16. Ҳукумат ўз харажатларини ошириб солиқларни камайтирса, у инфляцияга қарши курашаётган бўлади.	Н

Жавоб

1.Н; 2.Н; 3.Т; 4.Т; 5.Т; 6.Т; 7.Т; 8.Н; 9.Т; 10.Т; 11.Н; 12.Т; 13.Н; 14.Н; 15.Н; 16.Н.

МАСАЛА

1. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг АҚШ ҳукуматининг йиллик харажатлари ўртача **ЯММ**нинг 20% ташкил этди.

П.Самуэльсон фикрига кўра, жамиятда кўпгина муаммолар (соғлиқни сақлаш, таълим ва ҳ.к) мавжудки, уларни доимо соф бозор усуллари билан ҳал этиб бўлмайди.

А. Смит нуқтаи назари бўйича, давлат ва иқтисодиёт ўртасидаги муносабатларда асосий тамойил бўлиб, «арзон давлат» тамойили бўлиши керак.

Ушбу таклиф этилган нуқтаи-назарлардан келиб чиқиб, қуйидаги саволларга жавоб беринг:

- 1) «соф бозор иқтисодиёти» тушунчасини қандай тавсифлаб бериш мумкин?
- 2) «аралаш иқтисодиёт» тушунчаси нимани англатади?

Жавоб:

- 1) Давлат аралашувисиз фаолият юрита оладиган, бозор механизми томонидан таъминланадиган ўз-ўзини тартибга солувчи иқтисодиёт.
- 2) Аралаш иқтисодиёт – бу турли мулк (давлат ва хусусий) шакллари мавжуд иқтисодиёт бўлиб, унда бозор механизми давлат аралашуви билан бошқарилади.

2. Қуйидаги маълумотларни диққат билан кўриб чиқинг:

АҚШ федерал ҳукуматининг бюджет таркиби (1990 йил).

ДАРОМАД	%
Индивидуал	44,1
Корпоратив	11,1
Солиқнинг бошқа турлари	44,8
ХАРАЖАТЛАР	
Миллий мудофаа	26,3
Фундаментал фанлар	1,2
Соғлиқни сақлаш	4,5
Бошқа харажатлар	68,0

Юқоридаги маълумотларни таҳлил этиб, қуйидаги саволларга жавоб беринг:

- 1) Ижтимоий бойлик нима?
- 2) Ижтимоий бойлик истеъмолининг хусусий бойлик истеъмолидан фарқи нимада?
- 3) Ким ва нима учун ижтимоий бойлик ишлаб чиқарилишини молиялаштиради?

Жавоб:

- 1) Ижтимоий бойлик - бу бир шахс фойдаланиб бошқа шахслар фойдаланмаслиги мумкин эмас бўлган бойликдир (миллий мудофаа, кўчаларни ёритиш, об-ҳаво маълумоти, маъшаллар ва бошқ.)

2) Ижтимоий бойлиқда **истеъмолдан четлаштириш тамойили** амал қилмайди. Оддий, хусусий бойликни эса ҳаққини тўлаган шахс олиши мумкин.

3) Барча солиқ тўловчилар, чунки ижтимоий бойликни тўловчи-истеъмолчилари ва «қуёнлар»ни ажратишни арзон механизми мавжуд эмас. Шунинг учун Давлат бюджетида даромад солиғининг улуши катта: ижтимоий бойлиқдан ҳамма фойдаланади ва ҳамма унинг ҳаққини тўлаши зарур.

3. Табиий монополияли баъзи бозор сегментларини ҳисобга олмаганда АҚШ ҳукумати рақобатни Шерман қонуни (1890 й.), Клейтон акти (1914 й.), Федерал савдо комиссияси тўғрисидаги қонун (1914 й.), Селлер-Кефовуер қонуни (1950 й.)га асосланиб ҳимоя қилади.

Нима учун АҚШ ҳукумати рақобатни ҳимоя қилади, чекланган тадбиркорлик амалиётига тўсқинлик қилади?

Жавоб:

Рақобатнинг сўсайиши қуйидаги натижаларга олиб келади:

- ресурсларнинг самарасиз тақсимланишига;
- фан-техника тараққиётини секинлаштиради;
- номуносибликни кучайтиради;
- сиёсий демократияни чекланишини кучайтиради.

4. 1990 йилдаги АҚШнинг федерал бюджетида харажатлар қуйидагича тақсимотга эга эди:

- тиббиётга - 94,9 млрд.долл;
- даромадларни суғурталашга - 136,8 млрд.долл;
- ижтимоий таъминотга - 246,7 млрд.долл;
- ветеранларга ғамхўрликка - 29,9 млрд.долл.

Келтирилганларни маълумотларни таҳлил қилиб, қуйидаги саволларга жавоб беринг:

Социал таъминот, суғурта ва ҳ.к.лар соҳасига давлат аралашувининг сабаби нимада? Бозор механизмнинг ўзи ишлаб чиқариш омиллари эгалари даромадларини (ҳар бир омилнинг чегараланган маҳсулотига мос равишда) адолатли тақсимотини таъминлаши керакку?

Жавоб:

Ижтимоий барқарорликни қўллаб-қувватлаш мақсадида давлат аҳолининг турли қатламлари даромадларидаги фарқларни камайтиришга ҳаракат қилади. Бозор механизми барқарор ривожланишни таъминлай олмайди ва шунинг натижасида жамиятнинг ҳар бир аъзосига маълум бир стандартдаги фаравонликни кафолатлай олмайди.

5. «Аралаш иқтисодиёт» шароитида бозор тизимидаги «ўйин қоидалари»ни ҳукумат ўрнатади. Юқоридаги ҳолатдан келиб чиқиб қуйидаги саволларга жавоб беринг.

- 1) Бозор иқтисодиётида «давлат арбитраж»ининг ҳуқуқий асоси қандай?
- 2) Давлат томонидан тартибга солишнинг сиёсий асоси нимадан иборат?

Жавоб:

- 1) Ҳукумат жамиятда мавжуд қонунчиликни бажариши шарт.
- 2) Ҳукумат жамиятнинг ижроия ҳокимияти сифатида фаолият кўрсатиб, у ҳокимият тақсимооти тизимида иқтисодиёт учун жавобгардир.

ТЕСТ

1. Монополлашган бозор деганда;

- а) монопол рақобатли бозор тушунилади;
- б) олигополистик бозор тушунилади;
- в) соф монополия бозор тушунилади;
- г) озчилик сотувчилар билан харидорлар ҳукмрон бўлган бозор тушунилади;
- д) нотўғри жавоб йўқ;

2. Олигополистик бозорда;

- а) сотувчи сифатида бир фирма бозорда танҳо ҳукмронлик қилади;
- б) санокли, озчилик фирмалар ва компаниялар бозорда танҳо ҳукмронлик қилади;
- в) рақобат умуман бўлмайди;
- г) нотўғри жавоб йўқ;

3. «Трансферт тўловлари» деганда;

- а) бозор секторига ёлланган ишчиларнинг иш ҳақи тушунилади;

- б) ногиронлар, қариялар, боқувдаги кишилар ва ишсизларга тўланадиган нафақалар тушунилади;
- в) давлат секторидаги хизматчиларнинг даромади тушунилади;
- г) йирик компаниялар ва тадбиркорларнинг солиқ тўловлари тушунилади;
- д) нотўғри жавоб йўқ;

4. Қуйида келтирилганларнинг қайси бири ижтимоий бойлик эмас?

- а) маъшал;
- б) электроэнергия;
- в) полиция;
- г) мамлакат мудофаси;
- д) мамлакат миқёсида сув тошқинидан сақлаш.

5. Қуйидагилардан қайси бири ижтимоий бойликка киради:

- а) кўчаларни ёритиш;
- б) шаҳарда ҳуқуқий тартибни сақланиши;
- в) автотўхтов жойлари;
- г) ипподромлар;
- д) теннис кортлари;
- е) шаҳар истироҳат боғларидаги тозалikka риоя қилиш.

6. Қандай бойликлар «соф» ҳамда «аралаш» ижтимоий бойликлар турларига киради?

- а) тиббий хизмат;
- б) олий таълим;
- в) давлат чегараси ҳимояси;
- г) қонунчилик соҳасида давлатнинг фаолияти.

7. Қуйидаги қайси бир фаолият «пинҳоний» бозорга ҳос:

- а) қурол билан савдо қилиш;
- б) наркотик моддалар билан олди-сотди қилиш;
- в) валюта билан чайқовчилик қилиш;
- г) рэкет;
- д) нотўғри жавоб йўқ;

8. Бозор регулятори вазифасини нима бажаради?

- а) нарх;
- б) монополия;
- в) олигополия;
- г) рақобат;

д) ҳукумат.

9. Бозор регулятори амал қилиш учун:

- а) монополияга йўл қўйиш керак;
- б) олигополияга йўл бериш керак;
- в) эркин бозор рақобатига йўл берилиши зарур;
- г) монополияга имкон бериш лозим;
- д) давлат мулки улушини кўпайтириш зарур.

10. Бозор конъюнктураси деганда:

- а) бозордаги талаб ва таклифнинг миқдоран ва таркибан бир-бирга мувофиқ келиши тушунилади;
- б) бозор иқтисодиёти учун хизмат кўрсатувчи турли соҳалар тушунилади;
- в) мазкур бозор таркибида амал қилувчи бўғинлар тушунилади;
- г) бозорда мувозанатнинг мавжудлиги ёки бузилганлиги тушунилади;
- д) ижтимоий инфраструктура тушунилади.

11. Рақобат:

- а) режалаштирилмайди;
- б) давлат томонидан режалаштирилади;
- в) бу - мажбурий сафарбарлик;
- г) бу - социалистик мусобақа;
- д) бозор иқтисодиёти учун катта аҳамият касб этмайди.

12. Рақобатчиликни бозордаги:

- а) талаб ва таклиф белгилайди;
- б) нарх белгилайди;
- в) олигополия ва монополия даражаси белгилайди;
- г) давлатнинг антимонопол сиёсати белгилайди;
- д) сони ва структураси бўйича талаб ва таклифнинг мувозанати белгилайди.

13. Кимлар бозор иқтисодиётининг субъектлари бўлиб ҳисобланади?

- а) давлатнинг барча маҳкама-идора ташкилотлари;
- б) фирмалар;
- в) корхона ва хўжаликлар;
- г) тадбиркорлар;
- д) давлатнинг барча маҳкама-идора ташкилотлари, фирмалар, корхона ва хўжаликлар, тадбиркорлар.

14. Давлат - бу:

- а) «капитализимнинг тунги қоровули»;
- б) «анархия шароитида маҳалла назоратчиси»;
- в) тарихий категория, устқурма белги ҳисобланган мустақил мамлакат;
- г) «ижтимоий манфаатни ёқловчи мутавалли, нозир»;
- д) макродаражадаги диспечер.

15. Давлат нималарни ҳал қилади?

- а) монетар сиёсатни олиб боради;
- б) нима ишлаб чиқаришни ҳал қилади;
- в) маҳсулотни қайси нархда ишлаб чиқаришни ҳал қилади;
- г) маҳсулотни қандай ишлаб чиқаришни ҳал қилади;
- д) фоиз ставкасини ўрнатади.

Жавоб:

1. г; 2. б; 3. б; 4. б; 5. а, б, е; 6. в, г; 7. д; 8. а; 9. в; 10. г; 11. а; 12. б; 13. д; 14. в; 15. а.

4 БОБ. МАКРОИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ: ЖАМИ ТАЛАБ ВА ЖАМИ ТАКЛИФ**ТЎҒРИ / НОТЎҒРИ**

1. Жами талаб-бу уй хўжалиги, корхоналар, ҳукумат ҳамда хорижий харидорларнинг товар ва хизматларга талабидир.	Т
2. Жами таклиф - бу муайян нархлар даражасида чиқарилиши ва таклиф қилиши мумкин бўлган истеъмол, ҳамда инвестиция товарлари ва хизматларнинг умумий миқдоридир.	Т
3. Жами талаб эгри чизиғига қуйидаги нарх омиллари таъсир кўрсатади: фоиз ставкаси самараси, бойлик самараси, талаб самараси.	Н
4. Жами талабга қуйидаги нархга боғлиқ бўлмаган омиллар таъсир кўрсатади: истеъмол харажатларидаги ўзгаришлар, инвестиция харажатларидаги ўзгаришлар, давлат харажатларидаги ўзгаришлар, экспорт соф ҳажмига харажатлардаги ўзгаришлар.	Т
5. Жами таклиф эгри чизиғи уч кесмадан иборатдир: а) горизонтал ёки классик кесма; б) кўтарилиб борувчи ёки оралиқ кесма; в) вертикал ёки кейнсиан кесма.	Н


6. Оралиқ кесма – ишлаб чиқаришнинг реал ҳажмини ўсиши билан нархлар ҳам ўсаётган вазиятни кўрсатади.	Т
7. Горизонтал кесма иқтисодиётни “Тўлиқ бандлик” шароитидаги ҳолатини ифодалайди.	Н
8. Жами таклиф эгри чизиғига таъсир этувчи нархли омил бу ишлаб чиқариш харажатларининг ўзгаришидир.	Н
9. Маҳсулот бирлигига кетган харажатлар қуйидаги омиллар таъсирида бўлади: ресурсларга бўлган нархларнинг ўзгариши; унумдорликдаги ўзгаришлар; ҳуқуқий меъёрларнинг ўзгариши.	Т
10. Нархларнинг мувозанатли даражасида жами талаб ва жами таклиф бир-бирига мос келиши ёки бир-бирига тенг бўлиши керак.	Т
11. Жами таклиф эгри чизиғининг классик кесмаси горизонтал кўринишга эга.	Н
12. Кейнсчилар ва классиклар жами таклиф эгри чизиғини узоқ муддатда вертикал ҳолатда бўлади деб таъкидлайдилар.	Т
13. Жами таклиф эгри чизиғининг оралиқ кесмасида жами талабнинг кўпайиши нархлар ва реал ЯММ ҳажмини ўсишига олиб келади.	Т
14. Бойлик самараси - жами талаб динамикасини белгиловчи нархли омил эмас.	Н

Жавоб

1.Т; 2.Т; 3.Н; 4.Т; 5.Н; 6.Т; 7.Н; 8.Н; 9.Т; 10.Т; 11. Н; 12. Т; 13. Т; 14. Н.

МАСАЛА

1. 4.1.расмда (Demand) жами талаб эгри чизиғи ва (Supply) жами таклиф эгри чизиғи акс эттирилган. Жами талаб эгри чизиғи чапга силжийди.



4.1.расм. Жами талаб ва жами таклиф эгри чизиқлари.

- а) жами талаб эгри чизиғини чапга силжиши нархлар даражасига қандай таъсир кўрсатади? Нархларнинг умумий даражаси қандай ўзгаради?
- б) жами талаб эгри чизиғини чапга силжиши реал ЯММ даражасига қандай таъсир кўрсатади? Унинг ҳажми қандай ўзгаради?
- в) Агар иқтисодиётда ишлаб чиқариш унумдорлиги 50 % га қисқарса, бу жами таклиф эгри чизиғида қай тарзда акс этади?

Жавоб:

- а) Нархлар даражаси 80 дан 70 га тушиб кетади.
- б) Реал ЯММ ҳажми 200 дан 180 гача камаяди.
- в) Жами таклиф эгри чизиғи тепага силжийди.

2. **4.1. жадвалда** жами таклифни характерловчи маълумотлар келтирилган.

4.1 жадвал

Нархлар даражаси	Реал ҳажмдаги ишлаб чиқарилган ЯММ
250	2000
225	2000
200	1900
175	1700

150	1400
125	1000
125	500
125	0

а) Қуйидагиларни аниқланг:

(1) жами таклиф эгри чизиғининг кейнсиан кесмасида реал ЯММ ҳажми қайси ораликда ўзгаради?

(2) жами таклиф эгри чизиғининг классик кесмасида нархлар даражаси ва реал ЯММ ҳажми қайси ораликда ўзгаради?


(3) жами таклиф эгри чизиғининг оралик кесмасида реал ЯММ ҳажми қайси ораликда ўзгаради?

б) **4.2 расмдан** фойдаланиб жами таклиф эгри чизиғини чизинг.

в) **4.2 жадвалда** жами таклиф функциясининг 3 варианты келтирилган.

4.2 расмда жами таклиф эгри чизиғини учта вариантига мос келадиган AD_1 , AD_2 , ва AD_3 эгри чизиқларини чизинг. Ҳар бир вариант учун мувозанатлашган ЯММ ҳажмини ва мувозанатлашган нарх даражасини аниқланг.

4.2 расм



4.2 жадвал


Нархлар даражаси	Реал ЯММ ҳажми (харажатлар бўйича ҳисобланган)		
	(1)	(2)	(3)
250	1400	1900	400
225	1500	2000	500
200	1600	2100	600
175	1700	2200	700
150	1800	2300	800
125	1900	2400	900
100	2000	2500	1000

Жавоб:

а) (1) 0-1000 (кейнсиян кесмада); (2) 225-250, 2000 (классик кесмада); (3) 1000-2000 (оралиқ кесмада).

в) (1) – 1700, 175; (2) – 2000, 225; (3) – 900, 125.

3. **4.3 расмда** 6 та жами талаб эгри чизиғи ва жами таклиф эгри чизиғи келтирилган.



4.3 расм. Жами талаб ва жами таклиф эгри чизиқлари.

а) жами талаб эгри чизиғи **AD₁** ҳолатидан **AD₂** ҳолатга; **AD₃** ҳолатидан **AD₄** ҳолатига ва **AD₅** дан **AD₆** ҳолатига силжиганда унинг динамикасини аниқланг.

б) жами талаб эгри чизиғини **AD₁** ҳолатидан **AD₂** ҳолатига силжиши реал **ЯММ** ва нарх даражаси динамикасига қандай таъсир кўрсатади?

в) жами талаб эгри чизиғини **AD₃** ҳолатидан **AD₄** ҳолатига силжиши реал **ЯММ** ва нарх даражаси динамикасига қандай таъсир кўрсатади?

г) жами талаб эгри чизиғини **AD₅** ҳолатидан **AD₆** ҳолатига силжиши реал **ЯММ** ва нарх даражаси динамикасига қандай таъсир кўрсатади?

д) агар **AD** эгри чизиғи чап томонга силжиб борса жами талаб қандай ўзгаради?

е) агар **AD** эгри чизиғи чапга силжиса, жами талабнинг ўзгариши реал **ЯММ** ва нарх даражаси динамикасига қандай таъсир кўрсатади?

Жавоб:

а) ўсиш.

б) реал **ЯММ** ҳажми ўсади, нарх даражаси ўзгармайди.


в) реал **ЯММ** ҳажми ва нарх даражаси ўсади.

г) реал **ЯММ** ҳажми ўзгармайди, нарх даражаси ўсади.

д) қисқаради.

е) **AS** эгри чизиғининг классик ва оралиқ кесмаларида нарх даражасининг пасайиши ва **AS** эгри чизиғининг оралиқ ва кейнсиан кесмаларида реал **ЯММ** ҳажми қисқаради.

4. 4.4 расмда 3 та жами талаб эгри чизиғи ва 2 та жами таклиф эгри чизиғи келтирилган.



4.4 расм. Жами талаб ва жами таклиф эгри чизиқлари.

а) агар **AS** эгри чизиғи ўннга силжиса (**AS₁** ҳолатидан **AS₂** ҳолатига) жами таклиф қандай ўзгаради?

б) товар нархлари эластик (нарх ошиши ҳам мумкин, пасайиши ҳам мумкин). Жами таклиф эгри чизиғи **AS₁** ҳолатидан **AS₂** ҳолатига силжиши жами талабнинг ҳар бир ҳолати(**AD₁**, **AD₂**, **AD₃**)да реал **ЯММ** ҳажми ва нарх даражасига қандай таъсир этади?


в) товар нархлари пасайиш тенденциясига эга эмас (пасайиш томонга эластик эмас). Жами таклиф эгри чизиғи **AS₁** ҳолатидан **AS₂** ҳолатига силжиши жами талабнинг ҳар бир ҳолати(**AD₁**, **AD₂**, **AD₃**)да реал **ЯММ** ҳажми ва нарх даражасига қандай таъсир этади?

г) агар AS_2 эгри чизиғи AS_1 ҳолатига ўтса, жами талабнинг ҳар бир ҳолати (AD_1, AD_2, AD_3) да (1) жами таклиф, (2) нарх даражаси ва (3) реал **ЯММ** ҳажми қандай ўзгаради?

Жавоб:

- а) кўпаяди.
- б) нарх даражаси пасаяди, реал **ЯММ** ҳажми ўсади.
- в) нарх даражаси ўзгармайди, реал **ЯММ** ҳажми ўсади.
- г) реал **ЯММ** ҳажми ўзгармайди, нарх даражаси ўсади.
- д) қисқаради, ўсади, пасайиб кетади.

5. Келтирилган графикни диққат билан ўрганиб чиқинг.




Графикни иқтисодий таҳлил этиб қуйидаги саволларга жавоб беринг:

1. **E** нуқтасидаги кесишув қандай иқтисодий маънога эга?
2. P_3 нарх даражасида **KL** кесмаси нимани англатади?
3. P_2 нарх даражасида **MN** кесмасининг иқтисодий моҳияти нимадан иборат?
4. Қайси шароитларда иқтисодий динамика тўхтайтиди?
5. «Иқтисодий эркинлик» терминини қандай тушуниш мумкин?
6. Нима учун фақатгина иқтисодий эркинлик бозор бақарорлиги таъминлайди?

Жавоб:

1. **E** нуқтасида харид қилиш ва сотиш эҳтиёжлари бир-бирига мос тушади;
2. **KL** – ортиқча ишлаб чиқариш;
3. **MN** – дефицит;
4. Иқтисодий мувозанат шароитида, жумладан **E** нуқтада.
5. Мулк эгаларининг ишлаб чиқариш омиллариининг бошқариш эркинлиги, ресурсларнинг қўйилиш эркинлиги, нарх эркинлиги ва бошқалар.
6. Барқарор нархлар эркин нарх шаклланишидагина тайинланиши мумкин.


6. Келтирилган графикда нарх P_1 даражада мувозанатга эришади. Агар истеъмолчиларнинг даромадлари ўсса, янги мувозанат нархи қандай даражада ўрнатилади, P_1 дан юқоридами ёки пастдами?



Жавоб:

Талаб эгри чизиғининг ўнг томонга силжиши янги мувозанат нархини юқорида даражада (P_1 дан баландроқ) ўрнатилишига олиб келади.

7. Хом-ашёнинг қимматлашуви таклиф эгри чизиғининг силжишига олиб келди. Келтирилган графикни таҳлил этиб чиқиб, қуйидагини аниқланг. Янги мувозанат нархи қандай даражада ўрнатилади, P_1 дан юқоридами ёки пастдами?



Жавоб:

Таклиф эгри чизиғининг чап томонга силжиши янги мувозанат нархини юқорироқ даражада (P_1 дан баландроқ) ўрнатилишига олиб келади.

ТЕСТ

1. Жами талаб эгри чизиғининг ўнгга сурилиши қуйидагини акс эттира олмайди:

- а) нархлар даражаси ва реал ЯММ ҳажмининг ўсишини;
- б) реал ЯММ ҳажми ўсиши бўлмаган шароида нархлар даражаси ўсишини;
- в) нархлар даражаси ўсиши бўлмаган шароида реал ЯММ ҳажми ўсишини;
- г) бир вақтда нархлар даражаси ўсишини ва реал ЯММ ҳажми камайишини;
- д) юқоридаги жавобларини ҳаммаси тўғри.

2. Жами талаб эгри чизиғини ўнгга ёки чапга силжиши натижаси бир хил, агар:

- а) бу силжиш жами таклиф эгри чизиғининг горизонтал кесмасида амалга ошса;
- б) бу силжиш жами таклиф эгри чизиғининг вертикал кесмасида амалга ошса;
- в) бу силжиш жами таклиф эгри чизиғининг оралиқ кесмасида амалга ошса;
- г) иқтисодиёт депрессия ҳолатида бўлса;
- д) юқоридаги жавобларини ҳаммаси нотўғри.

3. Агар нархлар даражаси ўсиб бораётган шароитда ишлаб чиқариш қисқариб борса, бу қуйидаги ўзгариш натижасидир:

- а) жами талаб эгри чизиғини ўнгга силжиши;
- б) жами талаб эгри чизиғини чапга силжиши;
- в) жами таклиф эгри чизиғини чапга силжиши;
- г) жами таклиф эгри чизиғини ўнгга силжиши;
- д) юқоридаги жавобларини ҳаммаси нотўғри.

4. Агар тўлиқ бандлик шароитида жами талаб ҳажми ЯММ даражасини оширсан, бу иқтисодиётда:

- а) молиявий чекловлар мавжудлигидан далолат беради;
- б) инфляцион узилиш мавжудлигидан далолат беради;
- в) дефляцион узилиш мавжудлигидан далолат беради;
- г) жами талаб ва жами таклиф орасида мувозанат кузатилади;
- д) бюджет дефицити мавжудлигидан далолат беради.

5. Агар мувозанатлашган ЯММ ҳажми потенциал ЯММ ҳажми даражасидан юқори бўлса, унда:

- а) нарх даражаси кўтарилади;
- б) ишсизлик даражаси ортади;
- в) дефляцион узилиш пайдо бўлади;
- г) жами таклиф автоматик равишда кўпаяди;
- д) жами талаб автоматик равишда кўпаяди.

6. Жами талаб эгри чизиғи қуйидагилар орасидаги муносабатни акс эттиради:

- а) нарх даражаси ва товар ва хизматлар сотиб олиш учун жами харажатлар;
- б) нарх даражаси ва реал кўринишдаги ишлаб чиқарилган ЯММ;
- в) харидорлар тан оладиган нарх даражаси ва сотувчиларни қониқтирадиган нархлар даражаси;
- г) ишлаб чиқарилган ва истеъмол қилинган реал кўринишдаги ЯММ ҳажми;
- д) ҳамма жавоблар нотўғри.

7. Жами таклиф эгри чизиғидаги кейнсиан кесма:

- а) ижобий (ўнгга юқорига) кўринишга эга;
- б) салбий (ўнгга пастга) кўринишга эга;
- в) вертикал чизиқ кўринишида;
- г) горизонтал чизиқ кўринишида;
- д) ҳамма жавоблар нотўғри.

8. Жами таклиф эгри чизиғидаги оралиқ кесма:

- а) ижобий (ўнгга юқорига) кўринишга эга:
- б) салбий (ўнгга пастга) кўринишга эга:
- в) вертикал чизиқ кўринишида:
- г) горизонтал чизиқ кўринишида:
- д) ҳамма жавоблар нотўғри.

9. Жами таклифнинг ўсиши:

- а) нарх даражасини ва реал ЯММ ҳажмининг пасайишига олиб келади;
- б) нархларни ўсишни ва реал ЯММ ҳажмининг кўпайишини секинлаштиради;
- в) нарх даражасини ва реал кўринишидаги ЯММ ҳажмини ўсишига олиб келади;
- г) нархлар даражасини ўсишини ва реал ЯММ ҳажмини камайишини секинлаштиради;
- д) ҳамма жавоблар тўғри.

10. Жами талаб эгри чизиғи кўтарилади, агар:

- а) нархлар даражаси пасайса;
- б) нарх даражаси ўсиб борса;
- в) ортиқча ишлаб чиқариш қувватлари кўпайиб борса;
- г) миллий пул бирлигининг валюта курси пасайиб борса;
- д) юқоридаги жавобларини ҳаммаси тўғри.

Жавоб:

1. г; 2. в; 3. в; 4. б; 5. а; 6. а; 7. г; 8. а; 9. б; 10. г.

5 БОБ. МАКРОИҚТИСОДИЙ БЕҚАРОРЛИК: ИШСИЗЛИК

ТЎҒРИ / НОТЎҒРИ

1. Агар реал иш ҳақи ортса, меҳнатнинг таклифи ҳам ортади.	Т
2. Ишлаб чиқаришни пасайиши натижасида келиб чиққан ишсизлик фрикцион ишсизлик деб аталади.	Н
3. Структурали ишсизлик истеъмол бозори маълум маҳсулот билан тўлдирилганда ва у маҳсулотга эҳтиёж қолмаган тақдирда вужудга келади.	Т
4. Агар структурали ва циклик ишсизлик 0 га тенг бўлса, у ҳолда тўла иш билан бандликка эришилади.	Н
5. “Ишсизликни табиий даражаси” иқтисодиётнинг ишлаб	Т

чиқариш потенциалидан тўла фойдаланаётганини кўрсата олмайди.	
6. Потенциал ЯММ ни ҳисоблашда мамлакатда ишсизлик табиий даражада деб ҳисобланади.	Т
7. Агар ишсизлик даражаси 1% дан ошиб кетса, иқтисодиёт 2,5% ЯММ ни йўқотади.	Н
8. Ишсизлик даражаси деб иш кучининг ишсиз юрган салмоғига айтилади.	Т
9. Фрикцион ишсизликни мавжудлиги жамият учун нафақат мажбурий, балки зарур ҳамдир.	Т
10. Агар ишсизлик даражаси табиий даражада бўлса, ишлаб чиқаришнинг потенциал ва амалдаги ҳажмлари тенгдир.	Т
11. Ишсизлик бадалларини кўпайиши, ишсизлик даражасини ўсишига олиб келади.	Т

Жавоб

1.Т; 2.Н; 3.Т; 4.Н; 5.Т; 6.Т; 7.Н; 8.Т; 9.Т; 10.Т; 11.Т.

МАСАЛА

1. **5.1 жадвалда** потенциал ЯММ ва ҳақиқатдаги ЯММ ҳажмларини характерловчи маълумотлар келтирилган (млрд.долл.). 2000 йилда иқтисодиёт тўлиқ бандлик шароитида ривожланди (ишсизлик даражасида 6%).

5.1 жадвал

Йил	потенциал ЯММ	Ҳақиқатдаги ЯММ
2000	3000	3000
2001	3800	3705
2002	4125	3712,5

а) 2001 йилга тегишли кўрсаткичлар ёрдамида қуйидагиларни ҳисоблаб топинг:

- потенциал ва ҳақиқатдаги **ЯММ** ўртасидаги фарқни (абсолют ва фоиз кўринишида).
- Оукен қонунига асосланиб, 2001 йилдаги ишсизлик даражасини аниқланг.

б) 2002 йилга тегишли кўрсаткичлар ёрдамида қуйидагиларни ҳисоблаб топинг:

- потенциал ва ҳақиқатдаги **ЯММ** ўртасидаги фарқни (абсолют ва фоиз кўринишида).

- Оукен қонунига асосланиб, 2002 йилдаги ишсизлик даражасини аниқланг.

Жавоб:

- а) 95 млрд.долл., 2,5%, 7,5%.
- б) 412,5 млрд.долл., 10%, 10%.

2. Қуйида келтирган шахслар қайси тоифага алоқадор эканлигини аниқланг:

- тўла бандлар (Б)
- ишсизлар (И)
- иш кучига кирмайдиганлар (К)

- а) Ўз хоҳишига биноан ишдан бўшаган ишчи;
- б) Ярим иш куни режимида ишлашга ўтказилган ишчи;
- в) Саломатлиги ёмонлашганлиги сабабли ишлай олмаётган ўқитувчи;
- г) Узоқ муддат иш топа олмай юрган, ва шу сабабдан иш излашни тўхтатган ишдан бўшатилган ишчи;
- д) ОўЮнинг кундузги бўлимда ўқиётган талаба;
- е) ОўЮнинг кечки бўлимда ўқиётган автомеханик;
- ж) Фақат уй ишлари ва оиласи билан шуғулланувчи уй бекаси;
- з) Куннинг маълум бир қисмида кутубхоначи сифатида ишлаётган уй бекаси.

Жавоб:

- а) И; б) Б; в) К; г) К; д) К; е) Б; ж) К; з) Б.

3. **5.2 жадвалда** биринчи ва бешинчи йилларда меҳнат ресурслари ва бандлик тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

5.2 жадвал

	Биринчи йил	Бешинчи йил
Ишчи куни	84889	95453
Бандлар	80796	87524
Ишсизлар		
Ишсизлик даражаси (%)		

- а) Биринчи ва бешинчи йиллардаги ишсизлар сони ва ишсизлик даражасини аниқланг.
- б) бандлик ва ишсизликни биргаликда ўсишини қандай тушунса бўлади?

в) Бешинчи йилда тўла бандлиликка эришилган деб таъкидласа бўладими?

Жавоб:

а) Биринчи йил 4093 минг киши, 4,8%; бешинчи йил 7929 минг киши, 8,3%.

б) Иш кучи сони бандликка нисбатан тезроқ ўсган.

в) Йўқ. Чунки 8,3% даражадаги ишсизлик, кўпчилик иқтисодчиларнинг баҳоларига биноан, табиий ишсизлик даражасидан юқори ва тўлиқ бандликка мос келмайди.

4. Қуйидаги маълумотлар мавжуд:

Бандлар сони - 90 млн.киши

Ишсизлар сони - 10 млн.киши

а) Ишсизлик даражасини аниқланг.

б) Бир ой вақт ўтгандан сўнг банд бўлган 90 млн.кишидан 0,5 млн.киши ишдан бўшатилади; расмий ишсиз деб рўйхатдан ўтказилганлардан 1 млн.киши иш қидиришни тўхтатишди. Қуйидагиларни аниқланг.

(1) Бандлар сони, (2) ишсизлар сони ва (3) ишсизлик даражаси.

Жавоб:

а) 10%

б) (1) = 89,5 млн.киши; (2) = 9,5 млн.киши; (3) = 9,6%.

5. Номинал **ЯММ**=750 млрд.долл., ишсизликнинг табиий даражаси=5%, ишсизликнинг ҳақиқатдаги даражаси=9%. Мамлакатда қандай ҳажмдаги маҳсулот ишлаб чиқарилмаган (қиймат кўринишида)? (Оукен коэффициенти=2,5).

Жавоб:

75 млрд.долл.

ТЕСТ

1. Ишсизлик деганда;

а) ўзига иш топаолмасдан, меҳнат резерви армиясига айланган аҳолининг иқтисодий фаол қисми тушунилади;

б) меҳнатга лаёқатли, аммо иш жойига эга бўлмаган аҳоли тушунилади;

в) иш қидираётган ёки яқин вақт ичида иш билан таъминланишини кутаётган аҳоли тушунилади;

- г) ишчи кучига бўлган талаб ва таклифнинг номувофиқлиги натижасида вужудга келган аҳоли тушунилади;
- д) нотўғри жавоб йўқ;

2. Ишсизлик:

- а) фриксион кўринишда бўлиши мумкин;
- б) тузилмавий кўринишда бўлиши мумкин;
- в) циклик кўринишда бўлиши мумкин;
- г) нотўғри жавоб йўқ;

3. Табий ёки тўла иш билан бандлик деб;

- а) иш қидираётганлар билан бўш иш жойи тенг бўлгандаги ҳолга айтилади;
- б) фриксион ишсизликдаги ҳолатга айтилади;
- в) тузилмавий ишсизликдаги ҳолатга айтилади;
- г) циклик ишсизликдаги ҳолатга айтилади;
- д) нотўғри жавоб йўқ;

4. Фриксион ишсизлик деганда;

- а) турли ҳудудларда, турли соҳа ва иш турларига ишчи кучининг талаб ва таклифнинг номувофиқлиги натижасида вужудга келган ишсизлик тушунилади;
- б) ишлаб чиқаришнинг пасайиши натижасида ишчи кучига бўлган талабнинг камайиши ва ишсизларнинг пайдо бўлиши тушунилади;
- в) иш қидираётган ёки яқин вақт ичида иш билан таъминланишини кутаётган ишчи кучлари тушунилади;
- г) нотўғри жавоб йўқ;

5. Тузилмавий ишсизлик деганда;

- а) ишлаб чиқаришнинг пасайиши натижасида ишчи кучига бўлган талабнинг камайиши ва ишсизларнинг пайдо бўлиши тушунилади;
- б) турли ҳудудларда, турли соҳа ва иш турларига ишчи кучининг талаб ва таклифга номувофиқлиги натижасида вужудга келган ишсизлик тушунилади;
- в) иш қидираётган ёки яқин вақт ичида иш билан таъминланишини кутаётган ишчи кучлари тушунилади;
- г) нотўғри жавоб йўқ;

6. Циклик ишсизлик деганда:

- а) ишлаб чиқаришнинг пасайиши натижасида ишчи кучига бўлган талабнинг камайиши ва ишсизларнинг пайдо бўлиши тушунилади;

- б) иш қидираётган ёки яқин вақт ичида иш билан таъминланишини кутаётган ишчи кучлари тушунилади;
- в) турли ҳудудларда, турли соҳа ва иш турларига ишчи кучининг талаб ва таклифга номувофиқлиги натижасида вужудга келган ишсизлик тушунилади;
- г) нотўғри жавоб йўқ;

7. Агар ишсизлик фрикцион ва тузилмавий тус олса, у ҳолда давлат:

- а) иш билан бандликни кучайтириш учун ишлаб чиқаришга кўпроқ маблағ сарфлайди;
- б) ишсизларга қайтадан касб ўргатади;
- в) тадбиркорларнинг манфаатдорлигини ошириш учун ссуда ҳамда кредитларнинг фоиз ставкаларини пасайтиради;
- г) ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчиларга солинадиган солиқларни камайтиради;
- д) нотўғри жавоб йўқ;

8. Агар ишсизлик циклик тус олса, у ҳолда давлат:

- а) таълим бериш тизимини кенгайтиради;
- б) бўш иш жойлари ҳақидаги ахборотларни кенг тарқатади;
- в) иш билан бандликни кучайтириш мақсадида ишлаб чиқаришга кўпроқ маблағ сарфлайди;
- г) меҳнат биржаларига инвестицияларни кўпайтиради;
- д) нотўғри жавоб йўқ;

9. Меҳнат қилиш лаёқати чекланган аҳоли таркибига қуйидаги тоифаларнинг қайси бири киради?

- а) нафақахўрлар;
- б) меҳнат ёшигача бўлган ёшлар;
- в) ногиронлар, қарамоқ(боқув)даги кишилар;
- г) ишсизлар;
- д) нотўғри жавоб йўқ;

10. Оукен қонунинга асосан: ҳақиқатдаги ишсизлик даражаси унинг табиий даражасидан 2%га ортиқ бўлиши реал ЯММ ҳажмини ҳақиқатдаги ЯММ ҳажмидан қуйидаги ҳажмда кам бўлишига олиб келади:

- а) 2%;
- б) 4%;
- в) 3%;
- г) 5%;

- д) 5%дан анча кўп;
- е) 5%дан анча кам.

Жавоб:

1. а; 2. г; 3. а; 4. в; 5. б; 6. а; 7. б; 8. в; 9. д; 10. г.

6 БОБ. МАКРОИҚТИСОДИЙ БЕҚАРОРЛИК: ИНФЛЯЦИЯ ТУҒРИ / НОТУҒРИ

1. Инфляция - бу товар ва хизматларнинг баҳосини ўсишидир.	Т
2. Баҳо индекси базис баҳони ҳақиқатдаги баҳога нисбатидир.	Н
3. «70 қиймат қоидаси» = $\frac{70}{P_b}$.	Н
4. Инфляциянинг 2 хил кўриниши мавжуд: а) талаб инфляцияси; б) жами таклифнинг камайишидан келиб чиқадиган инфляция.	Т
5. Талаб инфляциясида “Кўп товарлар кам пулларни овлайди”.	Н
6. Бир бирлик маҳсулотга кетадиган харажатлар ошиб борса жами таклиф қисқаради ва инфляция келиб чиқади.	Т
7. Бир бирлик маҳсулотга кетадиган харажатларни ҳисоблаш учун умумий харажатларни жами маҳсулотлар сонига бўлиш зарур.	Т
8. Бир бирлик маҳсулотга кетадиган харажатларни кўпайишига асосан икки омил таъсир қилади: а) Номинал иш ҳақининг пасайиши; б) Хом ашё ва энергия баҳосининг кўпайиши.	Н
9. Филлипс эгри чизиғида ишсизликни кўпайиши нархларни ошиши билан бирга кузатилади.	Т
10. Инфляция - бу ишлаб чиқаришнинг умумий ўсишидир.	Н
11. Инфляция аҳолининг барча қатламларининг реал даромадларини камайишига олиб келади.	Н

Жавоб

1.Т; 2.Н; 3.Н; 4.Т; 5.Н; 6.Т; 7.Т; 8.Н; 9.Т; 10.Н; 11.Н.

МАСАЛА

1. Реал даромад ҳажми қандай ўзгаради, агар:

а) номинал даромад 10%га ортса, нарх даражаси эса 7%га ўсган бўлса.

б) номинал даромад 30 минг.долл.ни, шу йилнинг ўзида нархлар индекси эса 106 ни ташкил этган бўлса.

Жавоб:

- а) 3%га кўпаяди.
- б) 28 минг.долл.гача пасаяди.

2. **6.1 жадвалда** йиллар бўйича баҳо индекслари келтирилган:

6.1а жадвал

Йил	Баҳо индекси	Инфляция даражаси (%да)
1	100,00	-
2	112,00	
3	123,00	
4	129,00	

- а) ҳар бир йил учун инфляция даражаси (суръати)ни аниқланг.
- б) «70 қиймат қоидаси»ни қўллаб, нархларнинг неча йилда 2 баробарга ортишини аниқланг (махраждаги сонга **а**) пунктда аниқланган ҳар бир йил учун инфляция даражасидан фойдаланинг).
- в) агар номинал даромад 2-йилда 1-йилга нисбатан 15%га ортган бўлса, 2-йилга нисбатан 3-йилда 7%га ортган бўлса реал даромаднинг ўзгаришини аниқланг (%да).
- г) агар номинал даромад 2-ва 3-йилларда 25 минг долларга тенг бўлган бўлса, шу йиллардаги реал даромаднинг абсолют катталигини аниқланг.
- д) агар 2-йилда кредит учун фоизнинг номинал даражаси 14% тенг бўлса (1-ва 2-йил давр мобайнида заем олувчилар учун) ва 3-йилда 18% (2-ва 3-йил давр мобайнида заем олувчилар учун) бўлса, унда ушбу йилларда унинг реал даражасини аниқланг.

Жавоб:

- а) **6.1б жадвалга** қаралсин.

6.1б жадвал

Йил	Баҳо индекси	Инфляция даражаси (%да)
1	100,00	0
2	112,00	12
3	123,00	10
4	129,00	5

- б) 5,83; 7 ;14.
- в) +3%; -3%.
- г) 22 321 долл.; 20 292 долл.

д) 2%; 3%.

ТЕСТ

1. Инфляциянинг иқтисодий танглик ва ишсизлик билан биргаликда юз бериши:

- а) стагфляция деб аталади;
- б) стагнация деб аталади;
- в) дефляция деб аталади;
- г) гиперинфляция деб аталади;
- д) нотўғри жавоб йўқ;

2. Стагфляция қандай аниқланади?

- а) стагфляция = ижтимоий маҳсулотнинг пасайиши + ишсизлик
- б) стагфляция = муомаладаги пул массасининг камайиши + товар ва хизматларга нархнинг ошиши
- в) стагфляция = стагнация + инфляция;
- г) стагфляция = стагнация - инфляция;

3. Дефляция:

- а) нархнинг ошиши, пул қадрининг пасайишини билдириди;
- б) миллий пул бирлиги қийматининг расмий тартибда пасайтирилишини билдиради;
- в) экспортнинг импортга нисбатан ниҳоятда ортиб кетишини билдиради;
- г) нархнинг пасайишини, пул қадрининг ортишини билдиради;

4. Таклиф инфляцияси:

- а) ишлаб чиқаришда ўртача харажатларнинг ортиши натижасида содир бўлади;
- б) товар ва хизматларнинг жами талабдан орқада қолиб, пул бирлиги қадрининг тушиши натижасида содир бўлади;
- в) ишлаб чиқаришда ўртача харажатларнинг пасайиши натижасида содир бўлади;
- г) товар ва хизматларнинг жами талабдан орқада қолиб пул бирлиги қадрининг ошиши натижасида содир бўлади;

5. Инфляция қандай салбий оқибатларга олиб келиши мумкин:

- а) пул бирилиги қадрсизланади;
- б) шахсий жамғармалар ўз қадрини йўқотади;
- в) кам таъминланган аҳоли янада қашшоқлашади;
- г) катта инвестициялар қилишга ҳавф-хатар ошади;
- д) нотўғри жавоб йўқ;

6. Давлат инфляцияни тугатиш ёки юмшатиш учун:

- а) эмиссияни кўпайтиради;
- б) ишлаб чиқаришни жонлантиради;
- в) ишлаб чиқаришга бериладиган имтиёзларни кўпайтиради;
- г) депозитлар учун банк тўлайдиган фоизлар камайтиради;
- д) нотўғри жавоб йўқ;

7. Қуйидаги чора-тадбирларнинг қайси бири антиинфляция сиёсатига тааллуқли?

- а) ишлаб чиқаришни рағбатлантириш;
- б) экспорт-импорт бўйича имтиёзлар бериш;
- в) ортиқча пулни товар бозоридан чиқариш;
- г) ишлаб чиқаришга имтиёзли кредит бериш;
- д) нотўғри жавоб йўқ;

8. Кутилмаган инфляциядан қуйидагилар энг кам жабр кўрадилар:

- а) қайд қилинган номинал даромад олувчилар;
- б) номинал даромади нархларнинг ўсишига қараганда секинроқ ўсувчи кимсалар;
- в) пул жамғармаларига эга кимсалар;
- г) нархлар даражаси паст бўлганда, қарздор бўлиб қолган кимсалар;
- д) фақат б) ва г) жавоблар тўғри.

9. Қуйидагиларнинг қайси бири ишлаб чиқариш харажатларининг ўсишидан келиб чиққан инфляцияга алоқаси йўқ:

- а) бандликни ва ишлаб чиқарининг ўсиши;
- б) бир маҳсулотга бўлган харажат қийматининг ўсиши;
- в) иш ҳақининг инфляция кетидан етиб олиш мақсадидаги ўсиши;
- г) таклифдаги кескин ўзгаришлар;
- д) фоиз ставкасининг ўсиши.

10. Жами харажатларининг ўсиши қуйидаги ҳолатда инфляцияга олиб келади:

- а) иқтисодиёт тўлиқ бандлик шароитида тараққий этса;
- б) ЯММнинг потенциал ва ҳақиқатдаги даражаси тенг бўлганда;
- в) ишчи кучи сонининг ортмаса;
- г) фақат а) ва б) жавоблар тўғри;
- д) ҳамма жавоблар тўғри.

11. Жадаллашаётган инфляция даврида фоиз ставкаси:

- а) пасаяди, чунки пул нархи пасаяди;
- б) пасаяди, чунки бандлик даражаси пасаяди;
- в) ортади, чунки пул нархи пасаяди;
- г) ортади, чунки бандлик даражаси пасаяди;
- д) ўзгармайди.

12. Кутилмаган инфляция қуйидаги билан биргаликда юз беради:

- а) иқтисодий зарарнинг мавжуд эмаслиги;
- б) иқтисодиётнинг самарадорлигининг пасайиши;
- в) бойлик ва даромаднинг қайта тақсимланиши;
- г) фақат в) ва б) жавоблар тўғри;
- д) ҳамма жавоблар нотўғри.

Жавоб:

1. а; 2. в; 3. г; 4. а; 5. д; 6. в; 7. д; 8. г; 9. а; 10. г; 11. в; 12. г.

7 БОБ. КЛАССИК ВА КЕЙНСЧА БАНДЛИК НАЗАРИЯСИ

ТЎҒРИ / НОТЎҒРИ

1. Классик мактабнинг намоёндалари қуйидагилардир: У.Петти, Д.Рикардо, А.Смит, Сей, Дж.Милль, Ал.Маршалл.	Т
2. Барча ресурсларнинг тўлиқлигича банд бўлиши иқтисоднинг нормал ҳолатидир-классиклар фикри.	Т
3. Сей қонуни – товарлар сотгандан тушган пул товарлар қийматига тенгдир.	Т
4. Кейнснинг иш билан бандлик назарияси «Буюк депрессия» даврида вужудга келган.	Т
5. Кейнснинг иш билан бандлик назарияси XIX асрнинг 30-йилларида вужудга келган.	Н
6. Тўла иш билан бандликни бузилишига уруш ва табиий офатлар сабабчи бўлади.	Н
7. Бозор иқтисодиётида тўла бандликни таъминловчи ҳеч қандай механизм мавжуд эмас.	Т
8. Макроиқтисодий барқарорликнинг кейнсчилик моделида иқтисодий барқарорликка жами харажатларни ўзгартириш орқали эришилади.	Т
9. Классик мактаб намоёндалари бозор иқтисодиёти фискал сиёсат ёрдамида тартибга солиниб турилади деб таъкидлайдилар.	Н
10. Товар заҳираларининг кўпайиши фирмаларни	Н

бандликни оширишга мажбур қилади.	
11. Макроиқтисодий барқарорликнинг кейнсчилик моделида нарх ва иш ҳақи даражаси ўзгармасдир.	Т

Жавоб

1.Т; 2.Т; 3.Т; 4.Т; 5.Н; 6.Н; 7.Т; 8.Т; 9. Н; 10. Н; 11. Т.

МАСАЛА

1. Қўйида келтирилган омилларни (кейнсчилар ва классикларнинг назариялари нуқтаи-назарида) ЯММ ҳажмининг динамикасига ва нарх даражасига таъсирини аниқланг (ўсиш +; пасайиш -; ўзгармас 0).

а) Потенциал ЯММ ҳажмининг ўсиши.

б) Жами талабнинг ўсиши.

в) Фоиз ставкасининг ўсиши ва жами талабни қисқариши.

г) Нефтнинг нархини ошиши, бунинг натижасида эса бошқа товар ва хизматларга талаб камаяди.

д) Жуда катта офат бўлиб, натижада потенциал ЯММ 25%га камаяди.

Жавобларни **7.1а жадвалга** киритинг.

7.1а жадвал

Омиллар	Кейнсчиларни баҳолаши		Классикларни баҳолаши	
	Нархлар	Ишлаб чиқариш	Нархлар	Ишлаб чиқариш
а				
б				
в				
г				
д				

Жавоб:

а), б), в), г), д) – **7.1б жадвалга** қаранг.

7.1б жадвал


Омиллар	Кейнсчиларни баҳолаши		Классикларни баҳолаши	
	Нархлар	Ишлаб чиқариш	Нархлар	Ишлаб чиқариш
а	0	0	-	+
б	+	+	+	0
в	-	-	-	0

Г	-	-	-	0
Д	0 ¹⁾	0 ²⁾	+	-

1) (+) бўлиши мумкин, агар шу даврда потенциал ЯММ ҳажми жами талаб ҳажмидан кам бўлса.

2) (-) бўлиши мумкин, агар шу даврда потенциал ЯММ ҳажми аввалги мувозанат ҳажмидан паст даражада бўлса.

2. 7.1 расмда потенциал ишлаб чиқариш ҳажми 1000 млрд.долларга тенг бўлган шароитда жами таклиф эгри чизиғи акс эттирилган (А ва Б графиклар).



7.1 расм. Жами таклиф эгри чизиқлари.

а) бу графикларнинг қайси бирида жами таклиф эгри чизиғи классиклар назарияси бўйича, қайси бири кейнсчилар назарияси бўйича талқин этилмоқда?

б) классиклар ва кейнсчилар концепцияларининг қайси бири жами талабни камайиши ЯММ ҳажмига таъсир этмайди, аммо нархларнинг умумий даоражасини ўзгаришига олиб келади деб талқин этади?

Жавоб:

а) **А** график кейнсчилар назариясини, **Б** график эса классиклар назариясини акс эттирмоқда.

б) Классиклар.


3. Мувозанатлашган ишлаб чиқаришнинг классик моделига мувофиқ

ўртача нарх даражасини аниқланг. Бунда мамлакат ялпи ишлаб чиқариши 500 000 бирлик; айланма пул миқдори 1 000 000 долл., уларнинг айланиш тезлиги 4 га тенг деб ҳисобланг.


Жавоб:

$$MV = PY; P = \frac{MV}{Y} = \frac{1\,000\,000 \text{ долл.} \times 4}{500\,000} = 8 \text{ долл.}$$

4. 7.2а ва 7.3а расмларда меҳнат ва автомобил бозорларидаги бошланғич мувозанат акс эттирилган. Агар автомобилга бўлган талаб ортса, классик назария нуқтаи–назаридан автомобил ва меҳнат бозорларида мувозанат қай йўсинда ўзгаришини кўрсатинг?




7.2а расм. Автомобиллар бозоридаги талаб ва таклиф эгри чизиқлари




7.3а расм. Меҳнат бозоридаги талаб ва таклиф эгри чизиқлари

Жавоб: 7.26 ва 7.36 расмларга қаранг



7.26 расм. Автомобиллар бозоридаги талаб ва таклиф эгри чизиқлари



7.36 расм. Меҳнат бозоридаги талаб ва таклиф эгри чизиқлари

Автомобилга бўлган талабнинг ўсиши талаб эгри чизиғини ўнгга суради (D_1 чизиғи D_2 га сурилади). Нарх P_1 даражада бўлганда автомобиллар бозорида дефицит ҳолати юзага келади. Классиклар назариясига биноан автомобилга бўлган талабнинг ўсиши ва автомобиллар бозорида дефицит ҳолатининг мавжудлиги нархлар даражасини P_2 гача кўтарилишига олиб келади. Нархларнинг янада ўсиши автомобиллар таклифи ҳажмини ўсишига олиб келади, бу эса ўз навбатида, ишчи кучига бўлган талабни ўсишига олиб келади. Ишчи кучига бўлган талаб эгри чизиғи D_{L1} дан D_{L2} гача сурилади. Ишчи кучига бўлган талабнинг ўсиши иш ҳақини W_1 дан W_2 га сурилишига олиб келади. Шундай қилиб, классиклар назариясига биноан Янги ўрнатилган мувозанат шароитида автомобилнинг нархи ўсди, уни ишлаб чиқариш ортди, ишчи кучига бўлган талаб ўсди ва иш ҳақи даражаси кўтарилди.

5. Истеъмол функцияси қуйидаги кўринишга эга: $C = 100 + 0,9DI$

а) жадвалда келтирилган ихтиёрдаги даромад маълумотлари ёрдамида истеъмол ва жамғарма харажатларини ҳисобланг (**7.2а жадвал**)

7.2а жадвал

Ихтиёрдаги даромад (DI) (млрд.долл)	Истеъмол харажатлари (C) (млрд.долл)	Жамғармалар (S) (млрд.долл)
600		
800		
1000		
1200		
1400		

б) чегараланган истеъмолга мойиллик (**MPC**) ва чегараланган жамғармаларга мойиллик (**MPS**)ни аниқланг.

в) харажатлар мультипликаторини (**M**) аниқланг.

Жавоб:

а) **7.2б жадвалга** қаранг.

Ихтиёрдаги даромад (DI) (млрд.долл)	Истеъмол харажатлари (C) (млрд.долл)	Жамғармалар (S) (млрд.долл)
600	640	-40
800	820	-20
1000	1000	0
1200	1180	20
1400	1360	40

б) $MPC = 0,9$; $MPS = 0,1$.

в) $M = 10$.

6. **7.3 жадвалда** ёпиқ иқтисодиёт учун истеъмол харажатлари, жамғармалар ва СММ миқдори (долл.да) кўрсатилган.

7.3 жадвал

СММ ҳажми (NNP)	Истеъмол (C)	Жамғармалар (S)
550	520	30
560	526	34
570	532	38
580	538	42
590	544	46
600	550	50
610	556	54

620	562	58
630	568	62

а) Тўла бандлик шароитида СММ ҳажми 590 долл.га тенг. Инвестиция мультипликатори ҳажмини топинг.

б) Соф режалаштирилган инвестициялар 58 долларни ташкил этди. Реал ва номинал СММ ҳажмларидаги фарқни аниқланг. Улардаги фарқ қандай характерга эга – инфляционми ёки дефляционми?

в) Соф режалаштирилган инвестициялар 38 долларга тенг. Тўла бандлик ва тўлиқ бўлмаган бандлик шароитларида реал СММ ҳажмларини аниқланг. Бу фарқ қандай характерга эга – инфляционми ёки дефляционми?

Жавоб:

а) $2\frac{1}{2}$.

б) Номинал мувозанатлашган СММ = 620; фарқ = 30 (620-590); инфляцион.

в) Тўлиқ бўлмаган бандлик шароитида реал СММ = 570; фарқ = 20 (590-570); дефляцион.

7. а) Қуйидаги маълумотлар ёрдамида ҳисоб-китоблар қилиб **7.4а жадвални** тўлдиринг (млрд.долл.да): истеъмол харажатлари = 200 + 0,15 ихтиёрдаги даромад, инвестициялар = 200, экспорт = 125, импорт = 25, солиқлар = 200.

7.4а жадвал

Жами ишлаб чиқариш = миллий даромад (AS = Y)	Солиқлар (T)	Ихтиёрдаги даромад (Yd)	Истеъмол (C)	Инвестициялар (I)	Давлат харажатлари (G)	Соф экспорт (X-M)	Жами талаб (AD)
1800							
2000							
2200							
2400							
2600							

б) Даромаднинг қандай даражасида иқтисодий макроекономия мувозанатга эришади?

в) Инвестициялар мультипликатори нечага тенг?

г) Инвестициялар ҳажми 150 млрд.долл.гача тушиб кетса, иқтисодиёт янги мувозанатга даромаднинг қайси даражасида эриша олади?

Жавоб:

а) 7.4б жадвалга қаранг.

7.4б жадвал

Солиқлар (T)	Ихтиёр даги даромад (Yd)	Истеъмол (C)	Инвестициялар (I)	Давлат харажатлари (G)	Соф экспорт (X-M)	Жами талаб (AD)
?	?	?	200	200	100	1900
?	?	?	200	200	100	2050
?	?	?	200	200	100	2200
?	?	?	200	200	100	2350
?	?	?	200	200	100	2500

б) AS = AD агар Y = 2200 млрд.долл.га тенг бўлса.

в) Инвестициялар мультипликатори = $\frac{1}{1 - MPC} = \frac{1}{1 - 0,75} = \frac{1}{0,25} = 4$

г) Миллий даромад ва ишлаб чиқаришнинг ўзгариши қуйидагича ҳисобланади:

Даромаднинг ўзгариши (ΔY) = инвестицияларнинг ўзгариши (ΔI) x мультипликатор; $\Delta Y = (150-200) \times 4 = -200$ млрд.долл.

$$Y_2 = Y_1 - 200$$

$$Y_2 = 2200 - 200 = 2000 \text{ млрд.долл.}$$

8. **7.5а жадвалда** нархлар даражаси ўзгармас ва давлатнинг аралашуви мавжуд бўлмаган ёпиқ иқтисодиёт маълумотлари (долл.да) берилган.

7.5а жадвал

Реал СММ (NNP)	Истеъмол харажатлари (C)	Жамғармалар (S)	Режалаштирилган инвестициялар (I)	Жами харажатлар (C+I)	Амалдаги инвестицияларнинг режалаштирилган инвестициялардан фарқи

					(S-I)
1300	1290	10	22	1312	-12
1310	1298	12	22	1320	-10
1320	1306	14	-	-	-
1330	1314	16	-	-	-
1340	1322	18	-	-	-
1350	1330	20	-	-	-
1360	1338	22	-	-	-
1370	1346	24	-	-	-
1380	1354	26	-	-	-
1390	1362	28	22	1384	+6
1400	1370	30	22	1392	+8

а) қуйида турли фоиз ставкаларидаги режалаштирилган инвестициялар ҳажми келтирилган:

Фоиз ставкаси (%)	10	9	8	7	6	5	4	3
Хусусий инвестициялар (долл.)	0	7	13	18	22	25	27	28

Фоиз ставкаси 6% тенг деб тахмин қилсак. Жами харажатлар (истеъмол харажатлари + инвестициялар) ва режалаштирилган инвестицияларни амалдаги инвестицияларни фарқланиши катталикларини аниқлаб **7.5а жадвалдаги** етишмаётган маълумотларни киргизинг.

б) Ушбу фоиз ставкаси даражаси ва 22 долларга тенг бўлган соф инвестициялар даражасида қуйидагиларни аниқланг:

- Реал СММнинг мувозанатлашаган даражасини;
- чегараланган истеъмолга мойиллик ва чегараланган жамғармаларга мойилликни;
- Инвестиция мультипликаторини.

в) Агар фоиз ставкаси 6% дан 5%гача тушса, режалаштирилган инвестициялар ва реал СММнинг мувозанатлашган ҳажми қандай тарзда ўзгаради?

г) Агар фоиз ставкаси 6% дан 7%гача кўтарилса, режалаштирилган инвестициялар ва реал СММнинг мувозанатлашган ҳажми қандай тарзда ўзгаради?

Жавоб:

а) 7.5б жадвалга қаранг.

7.5б жадвал

Режалаштирилган инвестициялар (I)	Жами харажатлар (C+I)	Амалдаги инвестицияларнинг режалаштирилган инвестициялардан фарқи (S-I)
22	1312	-12
22	1320	-10
22	1328	-8
22	1336	-6
22	1344	-4
22	1352	-2
22	1360	0
22	1368	+2
22	1376	+4
22	1384	+6
22	1392	+8

б) мувозанатлашаган СММ = 1360 долл.

Чегараланган истеъмолга мойиллик = 0,8

Чегараланган жамғармаларга мойиллик = 0,2

Мультипликатор = 5.

в) Режалаштирилган инвестициялар ва реал СММнинг мувозанатлашган ҳажми мос равишда 5 ва 15 долл.га ўсади.

г) Режалаштирилган инвестициялар ва реал СММнинг мувозанатлашган ҳажми мос равишда 4 ва 20 долл.га қисқаради.

9. 7.6а жадвалда ёпиқ иқтисодиёт шароитида реал СММнинг конкрет ҳажмларига мос келувчи жами харажатлар (истеъмол харажатлари + режалаштирилган соф инвестициялар) келтирилган. (млрд.дол).

7.6а жадвал

реал СММ ҳажми	Ёпиқ иқтисодиётда жами харажатлар	Экспорт	Импорт	Соф экспорт	Очиқ иқтисодиётда жами харажатлар
750	776	90	86		
800	816	90	86		
850	856	90	86		

900	896	90	86		
950	936	90	86		
1000	976	90	86		
1050	1016	90	86		

а) Очиқ иқтисодиётда мамлакат экспорти ва импорти ҳажми доимий бўлиб мос равишда 90 ва 86 млрд.долларга тенг.

СММнинг ҳамма даражаси учун қуйидагиларни ҳисобланг:

- Соф экспорт ҳажми;
- Очиқ иқтисодиётда жами харажатлар;

Натижаларни 7.6а жадвалга киритинг.

б) Очиқ иқтисодиётда СММнинг мувозанатлашган ҳажмини аниқланг.

в) Очиқ иқтисодиёт учун мультипликаторни ҳисобланг.

Жавоб:

а) **7.6б жадвалга қаранг.**

7.6б жадвал

Соф экспорт	Очиқ иқтисодиётда жами харажатлар
4	780
4	820
4	860
4	900
4	940
4	940
4	1020

б) 900 млрд.долл.

в) 5.

ТЕСТ

1. Кейнс назариясининг классик назариянинг сиқиб чиқаришига асосий сабаб:

а) Кейнс назарияси иқтисодиётни узоқ муддатда ўзгаришини тушунтириб берди;

б) Кейнс назарияси иқтисодиётни қисқа муддатда ўзгаришини тушунтириб берди;

в) классиклар назарияси иқтисодиётни қисқа муддатда ўзгаришини тушунтириб бера олмади;

г) Кейнс назарияси асосий ҳолатларни мамлакатда айланаётган пул миқдори билан боғламаган;
д) фақат б) ва в) жавоблар тўғри.

2. Сей қонуни қуйидаги боғлиқликни таъкидлайди:

а) қуёшдаги доғлар, об-ҳаво шароитлари ва қишлоқ хўжалигидаги ишлаб чиқариш ҳажми ўртасидаги боғлиқликни;
б) пулга талаб ва унинг таклифи ўртасидаги боғлиқликни;
в) жамғармалар, инвестициялар ва фоиз даражаси ўртасидаги боғлиқликни;
г) кредит, ишлаб чиқариш ва меҳнат бозори ўртасидаги боғлиқликни;
д) ишлаб чиқариш, даромад ва харажат ўртасидаги боғлиқликни.

3. Тўлиқ бандлик ва барча ресурслардан тўлиқ фойдаланиш шароитида ишлаб чиқариш даражаси нақд пул масассига ва нарх даражасига боғлиқ эмас, деган ғоя кимга алоқадор:

а) Кейнсчилик назариясига;
б) Марксистлар назариясига;
в) пул миқдори назариясига;
г) Сей қонунига;
д) жавобларнинг ҳаммаси нотўғри.

4. Дж.М.Кейнс классик макроиқтисодий назариясининг қайси концепциясини танқид қилган:

а) Сей қонунини;
б) пул миқдори назариясини;
в) бозор иқтисодиётининг ўз-ўзини тартибга солиш назариясини;
г) юқоридаги жавобларнинг ҳаммаси тўғри;
д) фақат а) ва в) жавоблар тўғри.

5. Дж.М.Кейнс назариясига биноан, қуйидаги ҳолда жамғармалар инвестициялардан ошиши мумкин:

а) фоиз ставкаси даражаси ўсиб борса;
б) иқтисодиётда узоқ муддат ичида ортиқча ишлаб чиқариш ва ишсизлик мавжуд бўлса;
в) Сей қонунини амал қилмаса;
г) бундай иқтисодиётга ортиқча ишлаб чиқариш ва ишсизлик умуман мумкин эмас;
д) фақат б) ва в) жавоблар тўғри.

6. Истеъмол харажатлари Кейнсчилик концепциясига мувофиқ:

а) истеъмол харажатлари ихтиёрдаги даромадга бевосита алоқадор;

- б) агар ихтиёрдаги даромад ортса, истеъмом харажатлари камаяди;
- в) агар ихтиёрдаги даромад ортса, унинг истеъмомга йўналтириган улуши камаяди;
- г) юқоридаги жавобларнинг ҳаммаси тўғри;
- д) фақат а) ва в) жавоблар тўғри.

7. Ихтиёрдаги даромаднинг ўзгариши истеъмом харажатлари ҳажмини ўзгаришига олиб келиши ғояси қуйидаги концепцияга кам даражада алоқадор:

- а) Кейнсчиликнинг инвестициялар назариясига;
- б) Кейнсчиликнинг бандлик назариясига;
- в) классикларнинг макроиқтисодий назариясига;
- г) пул миқдори назариясига;
- д) Кейнсчиликнинг истеъмом назариясига.

8. Кейнсчилик назариясига мувофиқ ишлаб чиқариш даражаси жами талаб ҳажми орқали аниқланади. Бу дегани:

- а) даромадни яратилиши ушбу даромадга талабни келтириб чиқаради;
- б) пулга бўлган талаб тадбиркорларни товар ва хизматларни ишлаб чиқаришга ундайди;
- в) тадбиркорлар ишлаб чиқаришни тўлиқ бандликка эришкунга қадар кенгайтиришга ҳаракат қиладилар;
- г) тадбиркорлар ишлаб чиқаришни режалаштирган маҳсулот ҳажми унга мавжуд бўлган талабга боғлиқ;
- д) фақат а) ва б) жавоблар тўғри.

9. Мувозанатнинг кейнсчилик моделига мувофиқ иқтисодиёт қуйидаги вазиятда мувозанатга эришади:

- а) истеъмом харажатлари суммаси - жамғармалар = инвестициялар;
- б) пул таклифининг динамикаси маълум бир давр мобайнида доимий бўлса;
- в) режалаштирилган истеъмом харажатлари + инвестициялар = умумий ажратмалар;
- г) давлат бюджети баланслаштирилса;
- д) жами таклиф жами талабга тенг бўлса.

10. Дж.М.Кейнснинг оддий моделида, агар жами таклиф жами талабга тенг бўлса, унда:

- а) заҳиралар қисқаради ва тадбиркорлар ишлаб чиқаришни кенгайтиришни бошлайдилар;

- б) захирада ўзгариш бўлмайди, лекин тадбиркорлар ишлаб чиқаришни кенгайтирадилар;
 в) захиралар ўсади, тадбиркорлар ишлаб чиқаришни қисқартиришни бошлайдилар;
 г) захира ҳажми ва ишлаб чиқариш даражаси ўзгармайди;
 д) захиралар ўзгармайди, бироқ тадбиркорлар ишлаб чиқаришни қисқартирадилар.

Жавоб:

1. д; 2. д; 3. а; 4. г; 5. б; 6. д; 7. д; 8. г; 9. д; 10. г.

**8 БОБ. ИҚТИСОДИЁТ МУВОЗАНАТИ ВА УНИ
 БАҲАРАШТИРИШ
 ТЎҒРИ / НОТЎҒРИ**

1. Хусусий мувозанатларнинг йиғиндиси умумий мувозанатни келтириб чиқаради.	Т
2. Чайқовчиларнинг фаолияти иқтисодиёт учун фойдали ва қонунийдир.	Н
3. «Ўргимчакуясимон модел»ни тузишдан олдин талабни ва таклифни ўзгармас деб фараз қилишимиз зарур.	Н
4. Вақт ўтиши билан нарх мувозанат нархига қайтса бу баҳарор ёки асимптотик мувозанат деб аталади.	Н
5. Давлат «товар интервенцияси» билан умуман шуғулланмаслиги керак.	Н
6. Маълум бир вақт ичида олдинги мувозанат баҳога қайтилмаса, бошқа мувозанат баҳо пайдо бўлади.	Т
7. Нархнинг вақт давомида ўзгариш динамикаси даврий тебраниш кўринишига ҳам эга бўлиши мумкин.	Т
8. Серҳосил ва камҳосил йилларда таклифни ошиб кетиши ва камайиб кетишини чайқовчилар мувозанатлаштирадилар.	Т
9. Серҳосил ва камҳосил йилларда талаб ва мувозанат нархи ўзгармас деб қабул қилинади.	Т
10. Умумий мувозанатни ўрганиш макроиқтисодиётнинг асосий вазифаларидан биридир.	Т

Жавоб

1.Т; 2.Н; 3.Н; 4.Н; 5.Н; 6.Т; 7.Т; 8.Т; 9.Т; 10.Т.

МАСАЛА

1. Мамлакат иқтисодиёти қуйидаги кўрсаткичлар билан ифодаланади:

Ҳақиқий даромад (Y) = 4000 доллар.

Истеъмолга чегараланган мойиллик (MPC) = 0,8

Мувозанатли даромад (Y^*) = 4200 доллар.

а) Иқтисодиётнинг мувозанатга эришиши ($Y = 4200$) доллар учун, ҳукумат харажатлари (бошқа шартлар ўзгармас бўлган ҳолда) қандай ўзгариши лозим?

б) иқтисодиётнинг мувозанатга эришиши учун, солиқ тушумлари миқдори (бошқа шартлар ўзгармас бўлган ҳолда) қандай ўзгариши лозим?

Жавоб:

а) $\Delta Y = \Delta G \times \text{харажатлар мультипликатори (M)}$ (ΔY – даромаднинг ўсиши, ΔG – давлат харажатларининг ўсиши).

$$Y = Y^* - Y = 4200 \text{ долл.} - 4000 \text{ долл.} = 200 \text{ долл.}$$

(MPC – истеъмолга чегараланган мойиллик).

$$200 = \Delta G \times 5$$

$\Delta G = 40$, яъни давлат харажатлари 40 долларга кўпайиши лозим.

б) $\Delta Y = \Delta T \times \text{солиқ солиш мультипликатори}$ (бунда T – солиқлар).

$$M \text{ солиқ солиш} = -MPC : MPS = -0,8 : 0,2 = -4$$

(бунда MPC ва MPS , мос равишда истеъмолга ва жамғаришга чегараланган мойилликлари).

$$200 = \Delta T \times (-4)$$


$\Delta T = -50$, яъни солиқлар 50 долларга камайтирилиши лозим.

2. **8.1-расмда** жами талаб ва жами таклиф эгри чизиқлари акс эттирилган.

а) Иқтисодиёт инфляция узилишини бошидан кечираяпти деган хулоса қилиш мумкинми?

б) Иқтисодиёт рецессия узилишини бошдан кечираяпти деган хулоса қилиш мумкинми?

в) Агар ҳукумат солиқларини камайтирса, жами талаб ва жами таклиф эгри чизигининг ҳолати ўзгарадими? (ўзгарса қай тариқа?)



8.1-расм. Жами талаб ва жами таклиф эгри чизиқлари

Жавоб:

- а) Йўқ.
- б) Ҳа.
- в) Ҳа, жами талаб эгри чизиғи ўннга сурилади.

3. Қуйидаги тенгламалар тизими **A** мамлакат иқтисодиётининг нарх-наво даражаси доимий бўлгандаги оддий Кейнс моделини акс эттиради (барча миқдорлар миллион доллар ҳисобида):

$$(1) C_d = 200 + 0,8Y_d$$

$$(2) G_{np} = Y_d$$

$$(3) I_d = 160$$


(**C_d** - кутилаётган истеъмол харажатлари, **I_d** - кутилаётган инвестициялар, **Y_d** - ихтиёрдаги даромад, **GNP** - ЯММ). Энди бу моделга давлат бўғини қўшилади. Давлат харидлари ва солиқлари 500 млн.дол.га тенг. Соф экспорт 0 га тенг. Бу ҳолда жами харажатлар: $200 + 0,5(GNP - 500) + 160 + 500$ га тенг.

а) **8.2 расмда A** мамлакат иқтисодиёти учун жами харажатлар эгри чизиқини чизинг.

б) мувозанатли ЯММ (**GNP**) ҳажмини аниқланг ва графикда иқтисодиётнинг мувозанат нуқтасини кўрсатинг.

в) мультипликатор қийматини аниқланг.


г) агар давлат харажатлари 700 млн.дол.га кўтарилса, қолган барча харажатларнинг таркибий қисмлари доимийлигича қолса, у ҳолда ЯММ (**GNP**) нинг мувозанатли ҳажми қай тариқа ўзгаради?



8.2 расм.

Жавоб:

а) 8.5-расмга қаралсин:



8.5-расм. Макроиқтисодий мувозанат

б) 2300 млн.долл. («а»га қаралсин).

- в) 5. инвестицияларнинг 1 долларга оширилиши ЯММнинг 5 долларга ўсишига олиб келади.
 г) ЯММ 1000 млн.долл.га кўпаяди.

4. **8.1-жадвалда** СММнинг реал ҳажмини ва соф солиқ тушумлари миқдорини (доллар ҳисобида) акс эттирувчи маълумотлар келтирилган.

а) СММ ўзгариш суръатлари билан солиқ тушумлари ўзгариши ўртасида (тўғри, тесқари) боғлиқлик табиатини аниқланг.

б) фараз қилайлик, инвестициялар мультипликатори 10 га тенг. Инвестиция харажатлари ҳажми 10 долларга камаяди. Солиқ тушумлари миқдори ўзгармаса, мувозанатли СММ ҳажми қанчага қисқаради? Агар СММ ҳажмининг қисқариши солиқ тушумлари камайиши билан бирга юз берса, жавоб худди юқоридагидек бўладими?

в) Фараз қилайлик, давлат томонидан товар ва хизматлар харид қилиш мультипликатори ҳам 10 га тенг. Ҳукумат реал СММнинг мувозанатли ҳажмини 50 долларга кўпайтиришни режалаштирмоқда. Агар солиқ тушумлар миқдори ўзгармаса, давлат харидлари ҳажмини қанча миқдорга ошириш лозим?

Агар мувозанатли СММ даражасининг ошиши солиқ тушумлари ўсиши билан юз берса, мазкур мувозанатли СММни режалаштирилган даражада кўпайтириш учун етарли бўладими?

г) Фараз қилайлик, тўла бандлик шароитида СММ миқдори 1150 долларга тенг, давлат харидлари ҳажми эса реал СММнинг барча даражаларида 200 долларни ташкил этади.

Реал СММнинг ҳар бир даражасидаги давлат бюджети тақчилиги/ортиқчалиги миқдорини ҳисоблаб чиқиб, **8.1-жадвални** тўлдиринг (тақчилликни айирув белгиси билан кўрсатинг).

8.1-жадвал

Реал СММ	Соф солиқ тушумлари	Давлат харидлари	Бюджет тақчилиги (ортиқлиги)
850	170		
900	180		
950	190		
1000	200		
1050	210		
1100	220		
1150	230		

д) Мамлакат иқтисодиёти рецессия ҳолатидадир (реал СММ 900 долларга тенг). Агар ҳукумат соф солиқ тушумлари миқдорини ўзгартирмаса, у ҳолда давлат харидлари суммасини 70 долларга ошириб, мувозанатли СММ ҳажмини 900 доллардан 1150 долларгача кўпайтириш мумкин.

Тўла бандликка мос келувчи реал СММ ҳажми 1150 доллар бўлганида, долларга давлат бюджети тақчиллиги/ортиқчалиги миқдори қандай бўлади?

е) Агар ҳукумат давлат харидлари миқдорини ўзгартирмаса, у ҳолда у СММнинг барча қийматларида соф солиқ тушумларини 80 долларга пасайтириб, мувозанатли СММ ҳажмини 900 долларни 1150 долларгача кўпайтириш мумкин.

СММ ҳажми 1150 доллар бўлганда, давлат бюджети тақчилиги/ортиқчалиги миқдори қандай бўлади.

Жавоб:

а) тўғри чизиқ.

б) 100 долл.га; йўқ, ЯММ ҳажмининг қисқариши бу ҳолда камроқ бўлади.

в) 5 долл.га; йўқ, у камроқ бўлади.

г)

8.2-жадвал

Реал СММ	Соф солиқ тушумлари	Давлат харидлари	Бюджет тақчилиги (ортиқчилиги)
850	170	200	-30
900	180	200	-20
950	190	200	-10
1000	200	200	0
1050	210	200	+10
1100	220	200	+20
1150	230	200	+30

д) бюджет тақчиллиги 40 долл. Бўлади.

е) бюджет тақчиллиги 50 долл.га тенг бўлади.

5. **8.3-жадвал**да соф миллий маҳсулотнинг аниқ даражаларига мос келадиган истеъмол харажатлари ва жамғармалари ҳақидаги маълумотлар келтирилган (млн.доллар).

(**C** - истеъмол харажатлари, **S** - жамғармалар, **Ca** ва **Sa** - мос равишда солиқ тўлангандан кейин истеъмол харажатлари ва жамғармалар, **M** - импорт, **T** - солиқлар, **G** - давлат харажатлари, **X** ва **Xn** - мос равишда экспорт ва соф экспорт).

а) Ҳукумат солиқлари 100 млн.доллар, импорт 5 млн.долларга тенг. СММнинг ҳар бир даражасида солиқлар тўлангандан кейинги истеъмол харажатлари ва жамғармалар миқдори қанча бўлишини ҳисобланг. 6.2-жадвалдаги тегишли устунларни тўлдиринг.

8.3-жадвал

Реал СММ	C	S	Ca	Sa	Sa+M+T	I+X+G	Ca+I+Xn+G
1500	1250	250					
1600	1340	260					
1700	1430	270					
1800	1520	280					
1900	1610	290					
2000	1700	300					
2100	1790	310					

б) Чиқим миқдорини ҳисоблаб чиқинг: $(S_a + M + T)$ ва 8.3-жадвалдаги тегишли устунни тўлдиринг.

в) Режадаги инвестициялар 150 млн.долл.га, экспорт 5 млн.долл.га тенг. Киришлар миқдорини ҳисоблаб чиқинг: $(I + X + G)$ ва жадвалдаги тегишли устунни тўлдиринг. Жами харажатларни ҳисоблаб чиқинг: $(C_a + I + X + G)$ ва 8.3-жадвалдаги тегишли устунни тўлдиринг.

г) Мувозанатли реал СММ ҳажмини ҳисобланг.

д) Солиқ тўловлари ҳажми илгаридегидек қолса, ҳукумат харидлари эса 10 млн.долларга кўпайса, мувозанатли СММ ҳажми қай тариқа ўзгаради?

е) Агар давлат харидлари илгаридегидек 200 млн.долларга тенг, солиқ тўловлари эса 100 млн.доллардан 200 млн.долларгача кўпайган бўлса, мувозанатли СММ ҳажми қай тариқа ўзгаради?

ж) Бир вақтнинг ўзида давлат харидлари ҳам, солиқлар ҳам 10 млн.долларга ошса, мувозанатли СММ ҳажми қай тариқа ўзгаради?

Жавоб:

а) $MPC = 0,9$, шу сабабли 100 млн.долларли солиқлар C_a ни C га қараганда 90 млн.долларга қисқартиради. Ҳар бир реал СММ даражасига мувофиқ келувчи C_a (млн.долл. ҳисобида): 1160, 1250, 1340, 1430, 1520, 1610, 1700 га тенг.

$MPS = 0,1$. Ҳар бир реал СММ даражасига мувофиқ келувчи S_a (млн.долл. ҳисобида): 240, 250, 260, 270, 280, 290, 300 га тенг.

б) Ҳар бир реал СММ даражасига мувофиқ келувчи $S_a + M + T$ (млн.долл. ҳисобида): 345, 355, 365, 375, 385, 395, 405 га тенг.

в) $I+X+G$ реал **СММ** ҳамма даражалари учун 355 млн.долларга тенг. Ҳар бир реал **СММ** даражасига мувофиқ келувчи $Ca+I+Xn+G$ (млн.долл. ҳисобида): 1510, 1600, 1690, 1780, 1870, 1960, 2050 га тенг.

г) СММ 160 млн.долл.га тенг.

д) 100 млн.долл.га кўпаяди.

е) 90 млн.долл.га пасаяди

ж) 10 млн.долл.га кўпаяди.


8.4-жадвал

Реал СММ	C	S	Ca	Sa	Sa+M+T	I+X+G	Ca+I+Xn+G
1500	1250	250	1160	240	345	355	1510
1600	1340	260	1250	250	355	355	1600
1700	1430	270	1340	260	365	355	1690
1800	1520	280	1430	270	375	355	1780
1900	1610	290	1520	280	385	355	1870
2000	1700	300	1610	290	395	355	1960
2100	1790	310	1700	300	405	355	2050

6. **A** мамлакатдаги истеъмол функцияси қуйдагича кўринишга эга:

Ихтиёридаги даромад (DI) (млрд.долл)	900	1000	1100	1200	1300	1400
Ихтиёрдаги харажатлари (C) (млрд.долл.)	750	800	850	900	950	1000

а) Айтайлик, режадаги инвестициялар (1) 200 млрд.долларни ташкил этади, давлат харажатлари ва соф экспорт эса биргаликда $(G + Xn)$ 100 млрд.долларга тенг. **8.3-расм**да жами харжатлар эгри чизиғини $(C + I + G + Xn)$ чизинг ва координата бошидан 45^0 бурчакли тўғри чизиқ ўтказинг.




8.3-расм. Жами харжатлар эгри чизиғи

- б) ЯММнинг мувозанатли ҳажмини аниқланг (нарх даражаси ўзгармайди).
- в) Айтайлик, ЯММ даражаси тўла бандлик шароитида 1400 млрд.долларни ташкил этади. Бундай ҳолда жами харажат билан ЯММ ўртасида тўла бандлик шароитида қандай узилиш рўй беради, инфляциялими ёки рецессиялими?
- г) Ҳукумат тўла бандликка эришиш учун қандай чора-тадбирларни қўллаши мумкин.
- д) Давлат харажатларининг 1 млрд.долларга ортиши ЯММнинг мувозанатли ҳажмига қандай таъсир кўрсатади?
- е) Давлат харажатларининг 1 млрд.долларга қисқариши ЯММнинг мувозанатли ҳажмига қандай таъсир кўрсатади?
- ж) **6.4-расм**да солиқлар миқдори ЯММ ҳажмининг 10%ини ташкил этган шароитдаги истеъмол харажатлари чизиғини чизинг. Айтайлик, режадаги инвестициялар 200 млрд.долларга, ҳукумат харажатлари ва соф экспорт биргалиқда 100 млрд.долларга тенг. Расмда $C + J + G + X_n$ эгри чизиғини чизинг ва координата бошидан

45° бурчакли тўғри чизик ўтказинг. ЯММнинг мувозанати ҳажмини аниқланг.


з) Бошқа тенг шартларда, агар солиқлар даражаси (1) ошса ёки (2) камайса, ЯММнинг мувозанатли ҳажми қандай ўзгаради?



8.4-расм. Истеъмол ва жами харжатлар эгри чизиғи

Жавоб:

а) **8.6-расм**га қаралсин.



8.6-расм. Жами харжатлар эгри чизиғи

б) 1200 млрд.долл.


в) 100 млрд.долл.га тенг рецессияли узилиш.

г) ҳукумат давлат харажатларини кўпайтириши ва хусусий капитал фаолиятини рағбатлантирувчи чора-тадбирлар кўриши мумкин.

д) давлат харажатларининг ўсиши мувозанатли ЯММни 2 млрд.долл.га кўпайтиради.

е) давлат харажатларининг қисқариши мувозанатли ЯММни 2 млрд.долл.га камайиб кетишига олиб келади.

ж) **8.7-расм**га қаралсин. Мувозанатли ЯММ 1091 млрд.долл.га тенг.



8.7-расм. Истеъмол ва жами харжатлар эгри чизиғи

з) (1) ЯММнинг мувозанатли ҳажми пасаяди; (2) ЯММнинг мувозанатли ҳажми кўтарилади.

7. Иқтисодиёт модели қуйидаги кўрсаткичлар билан ифодаланади:

(1) $Cd = 1000 + 0,9Yd$

(2) $G = 600$

(3) $Id = 390$

(4) $T = 400$

(5) $Yd = GNP - T$

(6) $B = T - G$

(7) $X - M = 0$

бунда **Cd** - режалаштирилаётган истеъмол харажатлари, **G** - давлат харажатлари, **Id**- режалаштирилаётган инвестициялар, **T** - солиқлар, **Yd** - ихтиёрдаги даромад, **B** - давлат бюджети тақчилиги ёки ортиқчалиги, **X** - экспорт, **M** - импорт, **GNP** - ялпи миллий маҳсулот.

а) Мувозанатли **GNP** ни ҳисобланг.

б) Давлат харажатлари мультипликаторини ҳисобланг.

- в) Солиқлар 1 долларга ўсишининг **GNP** миқдорига таъсирини ҳисобланг.
- г) Мувозанатли **GNP** да жамғармалар ҳажмини ҳисобланг.
- д) Агар тўла бандлик шароитида **GNP** 15000 млрд.долларга тенг бўлса, инфляция узилишини ҳисобланг.
- е) Тўла бандлик шароитидаги жамғармалар ҳажмини ҳисобланг.
- ж) Агар тўла бандлик даражасига эришиш вазифаси қўйилса, солиқлар доимий бўлганда, давлат харажатлари қай тариқа ўзгариши лозим?

Жавоб:

- а) 16300 млн.долл.
- б) 10.
- в) -9 долл.
- г) 590 млн.долл.
- д) 130 млн.долл.
- е) 460 млн.долл.
- ж) 470 млн.долл.

ТЕСТ

1. Бозор мувозанати деганда:

- а) бозорда мувозанатнинг мавжудлиги ёки бузилганлиги тушунилади;
- б) бозордаги талаб ва таклифнинг миқдоран ва таркибан бир-бирига мувофиқ келиши тушунилади;
- в) мазкур бозор таркибида амал қилувчи бўғинлар тушунилади;
- г) бозор иқтисодиёти учун хизмат кўрсатувчи турли соҳалар тушунилади;
- д) пул бозоридаги талаб ва таклифнинг мувозанати.

2. Бозор структураси деганда:

- а) бозор иқтисодиёти учун хизмат кўрсатувчи турли соҳалар тушунилади;
- б) бозордаги талаб ва таклифнинг миқдоран ва таркибан бир-бирига мувофиқ келиши тушунилади;
- в) бозор мувозанатининг мавжудлиги ёки бузилганлиги тушунилади;
- г) бозордаги талаб ва таклиф миқдоран ва таркибан бир-бирига номувофиқ келиши тушунилади;
- д) барча бозор ва нобозор омилларининг йиғиндиси тушунилади.

3. Қуйидагиларнинг қайси бири меҳнат унумдорлигининг ўсишига таъсир этмайди?

- а) технологик ўзгаришлар;
- б) ишчилар сонининг ортиши;
- в) ишчиларнинг билим ва малакаси даражаси;
- г) ишлаб чиқариш масштаби самараси;
- д) ишлаб чиқаришни ташкил этиш даражаси.

Жавоб:

1. б; 2. а; 3. б;

9 БОБ. ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ. ИҚТИСОДИЁТНИНГ ЦИКЛИК ТЕБРАНИШИ

ТЎҒРИ / НОТЎҒРИ

1. Иқтисодий ўсиш ва пасайиш ҳодисаларини ўз ичига олувчи давр иқтисодий ўсиш цикли дейилади.	Т
2. Иқтисодиётдаги тебранишларнинг пайдо бўлишига асосий сабаб иқтисоднинг қолоқлиги.	Н
3. Иқтисодий циклнинг қуйидаги 4 фазаси мавжуд: 1) пасайиш, 2) ўсиш чўққиси, 3) турғунлик, 4) депрессия.	Н
4. Иқтисодий циклнинг ўсиш фазасида ишлаб чиқариш пасаяди, ишсизлик ортиб боради.	Н
5. Пасайиш фазасида иқтисодий инқироз юз беради.	Т
6. Турғунлик фазасида иқтисодга қилинаётган инвестициялар ўсиб боради.	Т
7. Узоқ йиллар давомида қайтарилиб турадиган цикллар йирик иқтисодий цикллар деб аталади.	Т
8. Жами таклифнинг жами талабдан гоҳ камайиб кетиши, гоҳ ўсиб кетиши йирик иқтисодий циклларнинг юз беришига сабаб бўлади.	Т
9. Иқтисодий ўсиш миллий иқтисоднинг ривожланиш даражасини кўрсатади.	Т
10. Иқтисодий ўсиш 2 усул билан аниқланади: реал ЯИМ (ЯММ)ни ўтган даврга нисбатан ўзгаришини аниқлаш ва СММни ўсиш даражасини аниқлаш.	Н
11. Базис ва занжирли иқтисодий ўсиш суръатлари ҳисоб-китоб қилинади.	Т
12. Иқтисодий давр деб ўсиш ҳолатида ишлаб чиқаришни вақти-вақти билан кенгайиши ва қисқаришидир.	Т
13. Қисқа иқтисодий давр 1-5 йилга тенгдир.	Н
14. Кузнец даврида уй-жойлар ва баъзи иншоотлар янгиланади.	Т
15. Кондратьев даври 50-60 йил бўлиб уни узун тўлқинлар	Т

деб аташади.	
16. Иқтисодий ўсиш учун шароит тайёрлаш давлатнинг муҳим вазифасидир.	Т
17. Иқтисодий ўсиш салбий оқибатларга ҳам олиб келиши мумкин.	Т
18. Иқтисодий ўсишга қуйидаги омиллар таъсир кўрсатади: капитал, меҳнат ва тадбиркорлик қобилияти.	Н
19. Иқтисодий ўсишга асосий таъсир кўрсатувчи омил бу – капиталдир.	Н
20. Иқтисодий ўсиш омилларининг ўсиш суръатларини йиғиндиси асосида тузилган модел Солоу модели деб аталади.	Т
21. Давлат иқтисодий ўсишга қуйидаги воситалар ёрдамида таъсир кўрсатади: фан ва техникани қўллаб-қувватлаш, кадрларни тайёрлаш, солиқ тизимини қайта қуриш.	Т

Жавоб

1.Т; 2.Н; 3.Н; 4.Н; 5.Т; 6.Т; 7.Т; 8.Т; 9.Т; 10.Н; 11.Т; 12.Т; 13.Н; 14.Т; 15.Т; 16.Т; 17.Т; 18.Н; 19.Н; 20.Т; 21.Т.

МАСАЛА

1. **9.1а** жадвалда берилган маълумотлардан фойдаланиб қуйидаги кўрсаткичларни аниқланг:

9.1а жадвал

Йил	Аҳоли (млн.киши)	реал ЯММ ҳажми (млрд.долл.)	Аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал ЯММ ҳажми (долл)
1	30	9	
2	60	24	
3	90	45	
4	120	66	
5	150	90	
6	180	99	
7	210	105	

а) аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал ЯММ ҳажми (жадвалга киритинг).

б) мамлакат аҳолисининг оптимал миқдори.

в) 1-чи йилга нисбатан 2-чи йилда ЯММнинг абсолют ўсиш ҳажми.

- г) 3-чи йилга нисбатан 4-чи йилда ЯММ ўсиш суръати (%да).
 д) 6-йилга нисбатан 7-йилда аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯММнинг ўсиш суръати (%да).

Жавоб:

а) **9.16 жадвалга** қаранг:

9.16 жадвал

Йил	Аҳоли (млн.киши)	реал ЯММ ҳажми (млрд.долл.)	Аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал ЯММ ҳажми (долл)
1	30	9	300
2	60	24	400
3	90	45	500
4	120	66	550
5	150	90	600
6	180	99	550
7	210	105	500

- б) 150 млн.киши.
 в) 15 млрд.долл.
 г) 46,7%.
 д) –9,1%.

2. **9.2а жадвалда** берилган маълумотлардан фойдаланиб қуйидагиларни аниқланг:

9.2а жадвал

Йил	Меҳнат миқдори (соат)	Меҳнат унумдорлиги (долл)	реал ЯММ ҳажми (долл)
1	1000	100	
2	1000	105	
3	1100	105	

- а) ҳар бир йил учун реал ЯММ ҳажми (жадвалга киритинг).
 б) 1-йилга нисбатан 2-йилда меҳнат унумдорлиги неча фоизга ўсди? Бунинг натижасида реал ЯММ ҳажми неча фоизга ўсди (меҳнат унумдорлиги ўзгармаган ҳолда)?
 в) 2-йилга нисбатан 3-йилда меҳнат миқдори неча фоизга ўсди? Бунинг натижасида реал ЯММ ҳажми неча фоизга ўсди (меҳнат унумдорлиги ўзгармаган ҳолда)?
 г) 1-йилга нисбатан 3-йилда реал ЯММ ҳажми неча фоизга ўсди?

Жавоб:

а) **9.26** жадвалга қаранг:

9.26 жадвал

Йил	Меҳнат миқдори (соат)	Меҳнат унумдорлиги (долл.)	реал ЯММ ҳажми (долл.)
1	1000	100	100 000
2	1000	105	105 000
3	1100	105	115 500

б) 5%; 5%.

в) 10%; 10%.

г) 15,5%.

ТЕСТ

1. Иқтисодий цикликнинг босқичлари қайси кетма-кетликда тўғри берилган?

а) турғунлик, жонланиш, пасайиш, чўққи;

б) чўққи, жонланиш, турғунлик, пасайиш;

в) жонланиш, турғунлик, чўққи, пасайиш;

г) пасайиш, турғунлик, жонланиш, чўққи;

д) чўққи, пасайиш, турғунлик, жонланиш:

2. Ривожланган мамлакатларда иқтисодий ўсишнинг асосий сабаби нимада?

а) иш вақти ҳажмини ортиши;

б) ишлаб чиқаришда технологик ўзгаришларнинг рўй бериши;

в) капитал қўйилмалар ҳажмини кўпайиши;

г) пул–кредит ва фискал сиёсатнинг амалга оширилиши;

д) иш кучининг малакасининг ортиши.

3. Реал ЯММнинг ва киши бошига тўғри келадиган реал ЯММнинг ўсиши тўғрисидаги маълумотлар қуйидагини англатади:

а) киши бошига тўғри келадиган реал ЯММ ҳажмининг ўсиш суръати жами реал ЯММ ҳажмининг ўсиш суръатига қараганда тезроқ эканлигини;

б) иқтисодий ўсишни камайтиради, чунки ушбу маълумотлар атроф-муҳитни зарар кўриш омилини ҳисобга олмайдилар;

- в) иқтисодий ўсишни камайтиради, чунки ушбу маълумотлар иш вақтини қисқариши мавжудлигини ҳисобга олмайдилар;
- г) иқтисодий ўсишни кўпайтиради, чунки ушбу маълумотлар турмуш тарзини яхшиланганлигини ҳисобга олмайдилар;
- д) реал ЯММ ҳажмининг ўсиш суръати номинал ЯММ ҳажмининг ўсиш суръатига қараганда тезроқ эканлигини;

4. Меҳнат унумдорлиги қуйидаги нисбат билан аниқланади:

- а) капитал харажатларини меҳнатга бўлган харажатларга;
- б) маҳсулотнинг реал ҳажмини иш вақтининг миқдорига;
- в) маҳсулотнинг реал ҳажмини аҳоли сонига;
- г) иш вақтининг миқдорини реал ЯММ ҳажмига;
- д) капитал харажатларини маҳсулотнинг реал ҳажмига.

5. Қуйидагиларнинг қайси бири меҳнат унумдорлигининг ўсишига таъсир этмайди?

- а) технологик ўзгаришлар;
- б) ишчилар сонининг ортиши;
- в) ишчиларнинг билим ва малакаси даражаси;
- г) ишлаб чиқариш масшаби самараси;
- д) ишлаб чиқаришни ташкил этиш даражаси.

6. Тўлиқ бандлик билан характерланидиган иқтисодиётда иқтисодий ўсишнинг юқори суръати қуйидагини талаб қилади?

- а) жамғармаларнинг паст нормасини ва инвестицияларнинг паст нормасини;
- б) жамғармаларнинг юқори нормасини ва инвестицияларнинг паст нормасини;
- в) жамғармаларнинг юқори нормасини ва инвестицияларнинг юқори нормасини;
- г) жамғарма ва инвестицияларининг нормасининг пасайишини;
- д) жамғармаларнинг паст нормасини ва инвестицияларнинг юқори нормасини.

7. Кўпгина ривожланган мамлакатлар статистикаси шуни кўрсатадики:

- а) ЯММ даги инвестициялар улуши ва меҳнат унумдорлигини ўсиш суръати тескари пропорционал;
- б) ЯММ даги инвестициялар улуши ва меҳнат унумдорлигини ўсиш суръатлари ўртасида тўғри ва изчил боғлиқлик мавжуд;

- в) корпорациялардан олинадиган даромад солиғи ва шахсий даромад солиғининг юқори чегарадаги ставкалари инвестицияларнинг кўпайишига олиб келади;
- г) ишсизлик даражаси юқори бўлган шароитда янги иш ўринлари ташкил этилмайди;
- д) иш билан бандларни қисқартириш ўртача меҳнат унумдорлигини пасайишига олиб келади.

8. Иқтисодий цикл қуйидагига боғлиқ:

- а) ташқи омиллар таъсирига;
- б) ички омиллар таъсирига;
- в) асосан жами талаб динамикасига таъсир қилувчи омилларга;
- г) асосан таъсир динамикасига таъсир этувчи омилларга;
- д) фақат тасодифий сиёсий омилларга.

9. Иқтисодий циклга қуйидаги ўзгариш катта таъсир этади:

- а) товар-моддий захираларининг кўпайишига йўналтирилган соф инвестициялар;
- б) узоқ муддат фойдаланиладиган истеъмол товарларини ишлаб чиқаришга йўналтирилган соф инвестициялар;
- в) истеъмол харажатлари;
- г) давлат харажатлари;
- д) ҳамма жавоблар нотўғри.

Жавоб:

1. г; 2. б; 3. в; 4. б; 5. б; 6. в; 7. б; 8. в (кейнс назариясига биноан); 9. б.

**10 БОБ. ИСТЕЪМОЛ, ЖАМҒАРМА ВА ИНВЕСТИЦИЯ
ФУНКЦИЯЛАРИ**

ТЎҒРИ / НОТЎҒРИ

1. Истеъмол бозори – истеъмол учун зарур бўлган товар ва хизматлар айирбошланадиган жой.	Т
2. Истеъмол бозори ҳолатига қараб 2 хил бўлади: тўйинмаган ва тақчил.	Н
3. Пировард истеъмолда товар ва хизматлар тўла истеъмол қилинади.	Т
4. Жамғарма-бу даромаднинг истеъмол мақсадида ишлатиладиган қисмидир.	Н
5. $DI=C+S$ бўлганлиги сабабли $S=DI-C$.	Т

6. Даромад ўсиб борган сари жамғариш ўсиб боради.	Т
7. Даромаднинг ўсган қисми истеъмол қилинса чегараланган истеъмолга мойиллик деб аталади.	Т
8. Инвестиция соф харажатларнинг асосий қисмидир.	Т
9. Инвестицияларни сарфланишига 2та асосий омил таъсир кўрсатади: фойда нормаси ва аҳоли бойлиги даражаси.	Н
10. Агар истеъмол функцияси маълум бўлса, жамғарма функцияси графигини тузиш имкони бордир.	Т
11. Даромаднинг ўсиши инвестицияларни ортишни рағбатлантирилади.	Т
12. Ихтиёрдаги даромадан истеъмолдаги харажатларнинг айирмаси жамғармаларга тенгдир.	Т

Жавоб

1.Т; 2.Н; 3.Т; 4.Н; 5.Т; 6.Т; 7.Т; 8.Т; 9.Н; 10.Т; 11.Т; 12.Т.

МАСАЛА

1. «Альфа» малакатининг иқтисодиётида инвестициялар функцияси $I = 40 + 0,4Y$ тенгламаси билан, жамғармалар функцияси эса $S = -20 + 0,6Y$ тенгламаси билан аниқланади, бу ерда Y - миллий даромад. Мамлакатдаги мувозанатлашган Y ни аниқланг.

Жавоб:

$$Y = 300$$

2. Агар жамғармалар функцияси $S = -30 + 0,1Y$ формуласи билан ифодаланса, автоном инвестициялар 125 ташкил этса, Y нинг мувозанатлашган даражаси нимани ташкил этади?

Жавоб:

$$Y = 1550$$

3. Истеъмол функцияси $C = 100 + 0,8 Y$ кўринишга эга.

а) қуйидаги даромад кўрсаткичларида истеъмол харажатлари ва жамғармаларини аниқланг:

даромад	истеъмол харажатлари	жамғармалар
600		

800		
1000		
1200		
1400		

б) истеъмол графигини чизинг.

в) чегараланган истеъмолга мойиллик ва чегараланган жамғармага мойилликни ҳисобланг.


г) харажатлар мультипликаторини аниқланг.

Жавоб:

а)

даромад	истеъмол харажатлари	жамғармалар
600	480	120
800	640	160
1000	800	200
1200	960	240
1400	1120	280

б)



в) $MPC = 0,8$; $MPS = 0,2$.

г) 5

4. Истеъмол функцияси $C=80+0,5 Y$ кўринишга эга.

а) жадвални тўлдилинг:

даромад	Истеъмол	Жамғармалар
0		

100		
200		
300		
400		
500		

б) Истеъмол графигини чизинг.


в) 45° даги чизикни чизинг. Ихтиёрдаги даромаднинг қандай даражасида истеъмол ҳаракатлари унинг ҳажмига қараганда камроқ, тенг ва кўпроқ бўлишини ҳисобланг.

Жавоб:

а)

даромад	Истеъмол	Жамғармалар
0	80	-80
100	130	-30
200	180	20
300	230	70
400	280	120
500	330	170

б)



в) график ёки формула ёрдамида аниқлаш мумкин: $C=Y$, унда $Y=80+0,5Y$, $Y=160$. $0<Y<160$ оралиғида истеъмол ҳажми ихтиёрдаги даромаддан катта бўлади, 160 - кейин ихтиёрдаги даромаддан кичик бўлади.

5. Истеъмол функцияси $C=100+0,2Y$ кўринишга эга.

а) истеъмол графигини чизинг.


б) жамғарма графигини чизинг.

в) Y (миллий даромад)нинг мувозанатлашган ҳажмини аниқланг.


г) харажатлар мултипликатори катталигини аниқланг.

Жавоб:

а)



б)



в) 125

г) 1,25

ТЕСТ

1. Истеъмомлга чегараланган мойиллик - бу:

- а) жами истеъмомнинг жами даромадга нисбати;
- б) даромад ўзгариши оқибатида истеъмом харажатларидаги ўзгаришлар;
- в) даромаднинг берилган даражасида истеъмом харажатлари миқдорини ифодаловчи эгри чизиқ;
- г) истеъмом харажатлари ўсишининг ихтиёрдаги даромад ўсиши бирлигига нисбати;
- д) барча жавоблар нотўғри.

2. Истеъмомлга ва жамғармага чегараланган мойиллик ўртасидаги боғлиқлик қуйидагида ўз ифодасини топади:

- а) уларнинг йиғиндиси 1 га тенг;
- б) улар ўртасидаги нисбат истеъмомлга бўлган ўртача мойилликни ифодалайди;
- в) уларнинг йиғиндиси ихтиёрдаги даромадга тенг, чунки у истеъмом ва жамғармага бўлинади;
- г) улар тенг бўлган эгри чизиқдаги нуқта даромаднинг чегаравий (бошланғич) даражасига мос келади;
- д) уларнинг йиғиндиси 0 га тенг.

3. Агар кишилар ўз даромадларининг барчасини истеъмомга сарфламай, харажат қилинмаган қисмини банкка жойлаштира, унда (даромад ва маҳсулотнинг миллий ҳисоби атамасини қўллаб) уларнинг бу ишлари ҳақида нима дейиш мумкин:

- а) жамғарадилар, бироқ инвестиция қилмайдилар;
- б) инвестиция қиладилар, бироқ жамғармайдилар;
- в) жамғармайдилар ва инвестиция қилмайдилар;
- г) ҳам жамғарадилар, ҳам инвестиция қиладилар;
- д) жамғарадилар, бироқ қимматли қоғозлар сотиб олиш учун фойдаланиладиган жамғарма қисмини инвестиция қиладилар.

4. «Якка тартибдаги жамғармалар» миллий ҳисоблар тизимида қўлланувчи атама сифатида нимани англатади?

- а) оила барча активларининг умумий миқдори;
- б) қандайдир даврда олинган ва истеъмомга ишлатилмаган даромад;
- в) оиланинг унинг мажбуриятлари чегириб ташлангандан кейин қолган барча активларининг умумий миқдори;
- г) маълум даврда олинган ва фақат қимматли қоғозлар сотиб олишга ишлатилган ёки банкка жойлаштирилган даромад;

д) қандайдир даврда олинган, истеъмол учун ҳам, қимматли қоғозлар сотиб олиш учун ҳам ишлатилмаган, шунингдек банкка ҳам жойлаштирилмаган даромад.

5. Якка тартибдаги истеъмол функциясининг «бошланғич даражаси» нуқтасида:

- а) жамғарма даромадга тенг;
- б) даромад истеъмолга тенг;
- в) жамғарма истеъмолга тенг;
- г) истеъмол инвестицияларга тенг;
- д) истеъмолга чегараланган мойиллик 1 га тенг.

6. Санаб ўтилганлардан қайси бири миллий ҳисоблар тизимидаги «инвестициялар» тушунчасига тааллуқли:

- а) ҳар қандай облигация сотиб олиш;
- б) жамғармага йўналтирилмаган жамғарилган даромаднинг ҳар қандай миқдори;
- в) ҳар қандай акция сотиб олиш;
- г) барча жавоблар нотўғри;
- д) «а», «б» ва «в» жавоблар тўғри.

7. Қуйидаги боғлиқликлардан қайси бири тескари боғлиқликни ифодалайди?

- а) истеъмол харажатлари ва ихтиёрдаги даромад ўртасидаги боғлиқлик;
- б) инвестиция харажатлари ва фоиз ставкаси даражаси ўртасидаги боғлиқлик;
- в) жамғармалар ва истеъмол ставкаси даражаси ўртасидаги боғлиқлик;
- г) инвестиция харажатлари ва миллий даромад ўртасидаги боғлиқлик;
- д) барча жавоблар нотўғри.

8. Агар ихтиёрдаги даромад ҳажми мамлакатда ошса, унда:

- а) истеъмолга ва жамғармага бўлган ўртача мойиллик ўсади;
- б) истеъмолга бўлган ўртача мойиллик ўсади, жамғармага бўлгани эса пасаяди;
- в) истеъмолга бўлган ўртача мойиллик пасаяди, жамғармага бўлгани эса ўсади;
- г) истеъмолга ва жамғармага бўлган ўртача мойиллик пасаяди;
- д) барча жавоблар нотўғри.

9. Қуйидаги боғлиқликлардан қай бири тўғри боғлиқликни ифодалайди?

- а) истеъмом харажатлари ва ихтиёрдаги даромад ўртасидаги боғлиқлик;
- б) жамғармалар ва ихтиёрдаги даромад ўртасидаги боғлиқлик;
- в) жамғармалар ва фоиз ставкаси даражаси ўртасидаги боғлиқлик;
- г) истеъмом харажатлари ва аҳли сони ўртасидаги боғлиқлик;
- д) барча жавоблар тўғри.

10. Қуйидагилардан қай бири боғлиқ бўлмаган харажатлар ўсишини акс эттиради?

- а) истеъмом функцияси эгри чизигининг юқорига силжиши;
- б) СММ кўпайишига қараб инвестицияларнинг ўсиши;
- в) истеъмом функцияси эгри чизиги бўйлаб юқорига ҳаракат;
- г) истеъмом функцияси эгри чизиги бўйлаб пастга ҳаракат;
- д) барча жавоблар тўғри.

11. Ихтиёрдаги даромаднинг берилган даражасида жамғармага ва истеъмомга чекланган мойиллик миқдорларининг йиғиндис:

- а) 0 га тенг;
- б) 1 га тенг;
- в) 100 га тенг;
- г) 1000 га тенг;
- д) 10000 га тенг.

12. Агар реал фоиз ставкаси кўпайса, унда:

- а) инвестицияларга бўлган талаб эгри чизиги ўнгга силжийди;
- б) инвестицияларга бўлган талаб эгри чизиги чапга силжийди;
- в) инвестицияларга бўлган талаб эгри чизиги юқорига кўчади;
- г) инвестиция харажатлари қисқаради;
- д) барча жавоблар нотўғри.

Жавоб:

1. г; 2. а; 3. а; 4. б; 5. б; 6. г; 7. б; 8. в; 9. д; 10. а; 11. б; 12. г.

11 БОБ. ТОВАР ВА ХИЗМАТЛАР БОЗОРИДАГИ МУВОЗАНАТ

ТЎҒРИ / НОТЎҒРИ

1. Барқарор ривожланаётган иқтисодиётда ҳақиқатдан сарф қилинаётган харажатлар режалаштирилаётган харажатларга тенг бўлади.	Т
---	---


2. Заҳиралар иқтисодиётни мувозанат ҳолатига интилишида муҳим роль ўйнайди.	Т
3. Заҳиралар камайиб борса фирмалар ишлаб чиқаришни қисқартиришга мажбур бўладилар ва даромадлар камайиб боради.	Н
4. Кейнсиан хочи-бу қисқа даврда даромадлар ва режалаштирилаётган харажатларни ўзаро боғлиқлигини соддалаштирилган тасвири.	Т
5. Давлат харажатларини қўшимча ўсишини (ΔG) даромадларнинг қўшимча ўсишига (ΔY) нисбати ($\Delta G/\Delta Y$) давлат харажатларининг мультипликатори деб аталади.	Н
6. Давлат харажатлари мультипликатори давлат харажатлари бир миқдорга кўпайганда мувозанатли даромад қанчага кўпайганлигини бидиради.	Т
7. Солиқларни ўзгариши (ΔT) даромад ва истеъмолга тескари таъсир кўрсатади.	Т
8. Банкларнинг фоиз ставкасини ўсиши фирмаларнинг инвестицияга бўлган талабини оширади.	Н
9. Фирмаларнинг даромадлари кўпайиб бориши билан уларнинг жамғармалари ҳам кўпайиб боради.	Т
10. Банкларнинг фоиз ставкаси пасайиб бориши билан ЯММ ишлаб чиқариш кўпайиб боради.	Т
11. IS эгри чизиғи Хейк эгри чизиғи деб аталади.	Т

Жавоб

1.Т; 2.Т; 3.Н; 4.Т; 5.Н; 6.Т; 7.Т; 8.Н; 9.Т; 10.Т; 11.Т.

МАСАЛА

1. Графикда машҳур «Кейнсиан хочи» келтирилган. Бу модель макроиқтисодий мувозанатга эришиш имкониятлари намоён этади:



«Кейнсиан хоци» қайси координата тизимида тузилган? Биссектриса ва уни кесиб ўтувчи эгри чизиқ нимани билдиради? Ушбу эгри чизиқларни қайси бирини жами талаб ва қайси бирини жами таклиф қилиб асослаб беришингиз мумкин? Нима учун?

Жавоб:

Абцисса ўқи – миллий даромад; ордината ўқи – жами харажатлар; биссектриса аҳоли харажатларини уларнинг даромадларига мос тушганлигини ифодаловчи нуқталарнинг геометрик жойини англатади; қавариқ эгри чизиқ олинган миллий даромаднинг ҳақиқатдаги харажати англатади.

Биссектрисани жами талаб деб ҳам тасаввур этиш мумкин (чунки миллий даромад=миллий маҳсулот); биссектрисани кесиб ўтувчи эгри чизиқни жами талаб деб тасаввур этиш мумкин (бу жами харажатларнинг ўзи).

2. Истеъмол ва жамғармалар графиклари ўртасида қандай ўзаро боғлиқлик мавжуд:

а) оғиш бурчаги нуқтаи назаридан (агар **C** чизиғининг бурчаги ўзгарса **S** чизиғининг оғиш бурчаги қандай ўзгаради)?


б) эгри чизиқларнинг ўзаро жойлашиши нуқтаи назаридан (агар **C** чизиғи юқори ёки пастга силжиса **S** чизиғи қандай ўзгаради)?

Жавоб:

а) агар симметрия ўқи сифатида 45° чизиқни тасаввур этсак, **S** ва **C** графиклари худди ойнадаги бир-бирини аксига ўхшаш ўзаро боғлиқ бўлади.

б) ихтиёрдаги даромад = истеъмол + жамғариш бўлгани учун, эгри чизиқлар қарама-қарши йўналишда силжийди.

3.



- а) Графикдаги **ОА** кесмаси нимани англатади? Қандай қилиб 0(ноль) даромад даражасида истеъмол харажатлари ижобий катталиққа эга бўлиши мумкин?
- б) **С** графигини юқори ёки пастга силжишига қандай омиллар таъсир этади.

Жавоб:

а) **ОА** – автоном истеъмол (яъни даромад катталигига боғлиқ эмас). Ноль даражадаги даромадда истеъмол амалга оширилиш мумкин, масалан «қарзга яшаш» ҳисобига бўлиши мумкин.


б) Асосий омиллар: истеъмолчиларнинг кутиши, бойлик (шу жумладан, аҳоли эгалик қилаётган молиявий активлар), мамлакатдаги нарх даражаси.

4. **Х** мамлакатнинг ЯММ 200 млрд.долл.ни ташкил этади. Истеъмолга чегараланган мойиллик - 0,75. Агар ҳукумат ЯММни 400 млрд.долл.га етказиш вазифаси қўйса, инвестициялар ҳажми қандай бўлиши керак?

Жавоб:

50 млрд.долл.


5. Режалаштирилган ва амалдаги инвестициялар ўртасидаги фарқ нимада? Нима учун бундай фарқ бўлиши мумкин? Ишлаб чиқаришнинг Y_1 даражасидаги реал ҳажмида **I** чизиқ **S** чизиқдан маълум катталиққа устунлик қилмоқда (шаклли қавс билан кўрсатилган). Амалиётда бундай фарқ нимани билдиради? **E** нуқтасидан силжишларда (-) ва (+) белгилари нимани англатади?



Жавоб:

Режалаштирилган инвестициялар (I чизик), ўз номи билан тадбиркорларнинг маълум бир суммага инвестицион товарларни сотиб олиш режасига мос тушади. Амалдаги инвестициялар режалаштирилган инвестициялардан товар-моддий заҳираларига назарда тутилмаган инвестициялар ҳажмига фарқидир. Расмда Y_1 даражадаги S ва I орасидаги фарқ бу товар-моддий заҳираларига назарда тутилмаган инвестициялар ҳажмига фарқидир: 16 млрд.долл – 30 млрд.долл = -14 млрд.долл. Товар-моддий заҳирасининг камайиши - ишлаб чиқаришни кенгайтиришга ундайдиган омил, иқтисодиёт барқарорликка (Y_0 даражадаги ишлаб чиқариш ҳажмига) қараб интилади (бунда E мувозанат нуқтасида $S=I$). Умумий қоида: амалдаги инвестициялар – режалаштирилган инвестициялар = товар-моддий заҳиралар; амалдаги инвестициялар жамғармалар (S) билан мос тушади.

6. Расмда макроиқтисодий мувозанат ҳолати акс эттирилган. Бундан Y_F тўла бандлик шароитини билдиради. $C+I$ ва 45° чизиклар кесишган нуқта доимо тўла бандликни англатадими?



Жавоб:

Ҳар доим ҳам эмас. Кейнс назарияси бўйича, эгилувчан бўлмаган иш ҳақи ва нархлар шароитида тадбиркорлар жами талабни камайишига нарх ва иш ҳақини камайтириш орқали эмас, балки ишлаб чиқариш ҳажмини қисқартириш ва ишчиларни ишдан бўшатиш орқали ўз муносабатларини билдирадилар. Шундай қилиб, макроиқтисодий барқарорлик ўрнатилиб борилади, аммо ишсизлик мавжуд бўлади.

ТЕСТ

1. Давлатнинг солиқ-бюджет сиёсати:

- а) монетар сиёсат деб юритилади;
- б) фискал сиёсат деб юритилади;
- в) антимонопол сиёсат деб юритилади;
- г) антиинфляцион сиёсат деб юритилади;
- д) дискриминацион сиёсат деб юритилади.

2. Меҳнат унумдорлиги қуйидаги нисбат билан аниқланади:

- а) капитал харажатларини меҳнатга бўлган харажатларга;
- б) маҳсулотнинг реал ҳажмини иш вақтининг миқдорига;
- в) маҳсулотнинг реал ҳажмини аҳоли сонига;
- г) иш вақтининг миқдорини реал ЯММ ҳажмига;
- д) капитал харажатларини маҳсулотнинг реал ҳажмига.

3. Фоиз ставкасини ўзгариши ЯММнинг қайси элементига энг катта таъсир кўрсатади?

- а) истеъмол харажатлари;
- б) инвестициялар;
- в) давлат харажатлари;
- г) экспорт;
- д) импорт.

4. Дж.Кейнс таъкидлашича, мамлакатдаги истеъмол харажатларининг ҳажми нимага боғлиқ?

- а) истеъмолчининг яшаш жойига;
- б) оила аъзоларининг ёшига;
- в) пул таклифининг ўсиш суръатига;
- г) миллий даромад даражасига;
- д) ихтиёрдаги даромад даражасига.

5. Агар ихтиёрдаги даромад ҳажми камаяётган бўлса, унда бошқа тенг шартларда:

- а) истеъмол харажатлари ҳам, жамғармалар ҳам ўсади;
- б) истеъмол харажатлари ўсади, жамғармалар эса қисқаради;
- в) истеъмол харажатлари қисқаради, жамғармалар эса ўсади;
- г) истеъмол харажатлари ҳам, жамғармалар ҳам қисқаради;
- д) барча жавоблар нотўғри.

6. Инвестициялар ҳажмига қуйидагилардан қай бири таъсир кўрсатади:

- а) фоиз ставкаси даражаси;
- б) тадбиркорларнинг умид билан ёки умидсиз кутишлари;
- в) технологик ўзгаришлар даражаси;
- г) ишлаб чиқариш ускунасининг юкланганлик даражаси;
- д) барча жавоблар тўғри.

Жавоб:

1. б; 2. б; 3. б; 4. д; 5. г; 6. д.

12 БОБ. МАКРОКУЛАМДА ПУЛ БОЗОРИ. IS ВА LM МОДЕЛИ

ТУҒРИ / НОТУҒРИ

1. Пул бозор муносабатларининг маҳсулидир.	Т
2. Пул муомиласи 2 хил кўринишда юритилади: нақд пул муомиласи, нақд бўлмаган пул муомиласи.	Т
3. «Шартнома тузиш учун пул» ва «кенг маънодаги пул» ажратилади.	Т
4. Кредит-банк фойдасидан ажратилган пул суммасидир.	Н
5. Кредит қисқа муддатли, ссуда узоқ муддатли бўлади.	Н
6. Банкка қўйилган ҳар 1 сўм 10 сўмни вужудга келтиради.	Т
7. Банкнинг топган фойдасини морж деб атаيمиз.	Н
8. Кредит тизимининг асосий элементи бўлмиш Марказий банк давлатлараро муносабатларни мувофиқлаштиради.	Н
9. Фоиз ставкасини ўсиши билан пул таклифи камайиб боради.	Н
10. $mD = f\left(\frac{1}{h}P, Y, L\right)$.	Т
11. Фоиз ставкаси билан инвестиция ўртасида тесқари боғлиқлик мавжуд.	Т
12. IS эгри чизиғини таҳлил қилиб фоиз ставкасини пасайиши ЯММни камайишига олиб келади деган хулосага келиш мумкин.	Н
13. IS эгри чизиғини Хейк эгри чизиғи деб аташади.	Т
14. IS ва LM модели ёрдамида стагфляция ва инфляцияни таҳлил қилиш мумкин.	Т

Жавоб

- 1.Т; 2.Т; 3.Т; 4.Н; 5.Н; 6.Т; 7.Н; 8.Н; 9.Н; 10.Т; 11.Т; 12.Н; 13.Т; 14.Т.

МАСАЛА

1. **12.1-жадвал**да келтирилган маълумотлар асосида қуйидагиларни аниқланг: а) M_1 миқдорини; б) M_2 миқдорини; в) M_3 миқдорини.

12.1-жадвал.

	млрд.доллар
Катта бўлмаган муддатли омонатлар	1630
Муддатли йирик омонатлар	645
Чекдаги омонатлар	448
Чекда бўлмаган жамғарма омонатлар	300
Нақд пуллар	170

Жавоб:

а) $170 + 448 = 618$ млрд.долл.

б) $618 + 300 + 1630 = 2548$ млрд.долл.

в) $2548 + 645 = 3193$ млрд.долл.

2. а) Фараз қилайлик, битимлар учун мўлжалланган ҳар бир доллар бир йилда ўртача 4 марта муомалада бўлади ва пировард товар ва хизматлар сотиб олишга йўналтирилади. ЯММнинг номинал ҳажми 2000 млрд. долларни ташкил этади. Битимлар учун пулга талаб миқдорини аниқланг.

б) **12.2-жадвал**да фоиз ставкасининг турли даражаларидаги активлар томонидан пулга талаб миқдори келтирилган. «а» саволга жавоб беришда олинган маълумотларни қўллаб жадвалда пулга талабнинг умумий ҳажмини кўрсатинг.

12.2-жадвал

Фоиз ставкаси (%)	Пулга талаб ҳажми (млрд.долл.)	
	Активлар томонидан	Умумий
16	20	
14	40	
12	60	
10	80	
8	100	
6	120	
4	140	

в) Пул таклифи 580 млрд.долларни ташкил этади. Мувозанатли фоиз ставкасини аниқланг.

г) Агар пул таклифи 600 млрд.долларгача ўсса ёки 540 млрд.долларгача қисқарса, мувозанатли фоиз ставкаси миқдорини аниқланг.

д) Агар номинал ЯММ ҳажми 80 млрд.долларга кўпайса, ёки 120 млрд.долларга қисқарса, фоиз ставкасининг ҳар бир даражасида пулга умумий талаб қандай ўзгаришини ва мувозанатли фоиз ставкаси қанча бўлишини аниқланг.

Жавоб:

а) $2000 : 4 = 500$ млрд.долл.

б) **12.7-жадвалга** қаранг.

в) 10%

г) 8%; 14%.

д) 20 млрд.долларга кўпаяди; 30 млрд.долларга камаяди; 3 %.

12.7-жадвал

Фоиз ставкаси (%)	Пулга талаб ҳажми (млрд.долл.)	
	Активлар томонидан	Умумий
16	20	520
14	40	540
12	60	560
10	80	580
8	100	600
6	120	620
4	140	640


3. **12.1-расм**да пулга талаб M миқдордан M_1 миқдоргача ўзгарувчи тўртта ҳолат келтирилган. Келтирилган ҳолатлардан қайсиниси қуйидаги жараёнларни акс эттиришини кўрсатинг:

а) Ўзгармас фоиз ставкаларида ЯММ номинал ҳажмининг кўпайиши.

б) Фоиз ставкасининг кўпайиши.

в) Фоиз ставкалари миқдорида ўз ифодасини топмайдиган нархлар қисқариши.

г) Жами талаб ўзгаришида акс этмайдиган фоиз ставкаси даражасининг қисқариши.



12.1-расм. Пулга талаб

Жавоб:


а) а.

б) в.

в) г (нарх пасайганда ЯММнинг номинал ҳажми камаяди).

г) б.

4. 12.2-расмда жами талаб ва жами таклиф эгри чизиқлари келтирилган.



12.2.-расм. Жами талаб ва жами таклиф эгри чизиқлари

Агар пул таклифи кўпайса, эгри чизиқлар ҳолати қандай ўзгаради? Пул таклифи камайсачи?

Жавоб:

Жами талаб эгри чизиғи ўннга сурилади; жами талаб эгри чизиғи чапга сурилади.

5. Иқтисодиётда нархлар даражаси қуйидаги маълумотлар билан ифодаланади.


Йил	1950	1960	1970	1980
Нархлар даражаси (1950=100)	100	120	140	200

а) Йиллар бўйича нархлар даражаси ўзгаришини график усулида акс эттиринг.

б) 1980 йилдан 1990 йилгача бўлган даврда пуллар қиймати неча фоизга пасайган? 1950 йилдан 1980 йилгача бўлган даврда-чи?

Жавоб:

а) **12.3-расмга** қаранг.



12.3-расм. Нархлар даражасининг ўзгариши

б) 33,3%; 50%.

6. Фараз қилайлик, фоиз ставкаси ва пулга талаб миқдори ўртасидаги боғлиқлик қуйидагича ифодаланади:

$$i = 20 - 2M$$

бу ерда i - фоиз ставкаси (фоизларда), M - пул миқдори (трлн.долларда):

а) График усулида берилган бу функция нимани акс эттиради?

б) Агар пулга талаб миқдори 5 трлн.долларга тенг бўлса, фоиз ставкаси миқдори қандай?

в) Фараз қилайлик, ЯММ ҳажми ўсди. i ва M ўртасидаги боғлиқлик аввалгидагидек қоладими? Агар қолмаса, унда у қандай йўналишда ўзгаради?

Жавоб:

а) Пулга талаб эгри чизиғи.

б) 10%.

в) Йўқ. Пулга талаб эгри чизиғи юқорига ва ўннга сурилади.

7. ЯММнинг реал ҳажми 1989 йилдан 1992 йилгача бўлган даврда йилига 3 %га ўсди, пулларнинг айланиш тезлиги эса йилига 2%га кўпайди. **12.4-жадвал**ни керакли маълумотлар билан тўлдиринг.

12.4-жадвал

Йил	Нархлар даражаси (1989=100)	Пул таклифи (1989=100)
1989	100	100
1990	-	101
1991	100	-
1992	100	-

Жавоб:

12.8-жадвалга қаранг.

12.8-жадвал

Йил	Нархлар даражаси (1989=100)	Пул таклифи (1989=100)
1989	100	100
1990	100	101
1991	100	102
1992	100	103

8. **12.5-жадвал**да АҚШдаги ЯММнинг номинал ҳажми ва пул миқдори ҳақидаги маълумотлар берилган (млрд.долларда).

12.5-жадвал

Йил	M_1	M_2	ЯММнинг номинал ҳажми
1967	187,4	350,0	816,4

1969	209,0	332,5	963,9
1971	234,0	471,9	1102,7
1973	270,5	571,4	1359,3
1975	295,2	664,7	1598,4
1977	338,4	809,5	1990,5

Жадвалда кўрсатилган даврлар учун АҚШда M_1 ва M_2 асосида ҳисобланган пулнинг айланиш тезлигини солиштиринг. Ушбу вазиятларнинг қай бирида пулларнинг айланиш тезлиги барқарорроқ бўлган эди?

Жавоб:

12.9-жадвалга қаранг.

12.9-жадвал

Йил	Пул айланиши тезлиги: M_1 ва M_2 асосида ҳисобланган	
	M_1	M_2
1967	4,36	2,33
1969	4,61	2,43
1971	4,71	2,34
1973	5,02	2,38
1975	5,41	2,40
1977	5,88	2,46

Пулларнинг айланиш тезлиги M_2 асосида ҳисобланганда барқарор бўлади.

9. Облигация бўйича йилига 100 млрд.доллар миқдорида фоиз тўланади. **12.6-жадвалда** фоиз ставкасининг турли даражаларида облигациялар нархи ҳақидаги маълумотлар келтирилган. Жадвални керакли маълумотлар билан тўлдилинг.

12.6-жадвал

Фоиз ставкаси (%)	Облигациялар нархи (доллар)	Фоиз ставкаси (%)	Облигациялар нархи (доллар)
1	-	-	2000
2	-	10	-
-	2500	12,5	-

Жавоб:

12.10-жадвалга қаранг.

12.10-жадвал

Фоиз ставкаси (%)	Облигациялар нархи (доллар)	Фоиз ставкаси (%)	Облигациялар нархи (доллар)
1	10000	5	2000
2	5000	10	1000
4	2500	12,5	800

ТЕСТ

1. Пул таклифининг ортиши қуйидаги ҳолни юзага келтиради:

- а) IS эгри чизиғини ўнгга силжийди;
- б) IS эгри чизиғининг чапга силжийди;
- в) LM эгри чизиғининг ўнгга силжийди;
- г) LM эгри чизиғининг чапга силжийди;
- д) иккала эгри чизиқнинг ўнгга силжийди;
- е) иккала эгри чизиқнинг чапга силжийди.

2. Агар инвестициялар фоиз ставкасининг ўзгариши таъсирида ўзгарса, унда:

- а) IS янада эгрироқ бўлади;
- б) LM янада текисроқ бўлади;
- в) IS янада текисроқ бўлади;
- г) LM янада эгрироқ бўлади;

3. Натурал хўжалиқдан бозор хўжалигига ўтишда бевосита маҳсулот айирбошлаш (бартер) пуллар воситасида амалга ошириладиган айирбошлаш билан алмашинди ва бунда пуллар сифатида маълум товарлар қатнашди. Бу нима сабабдан содир бўлди?

- а) сотувчига керакли товарларни унда мавжуд товарларга айирбошлашга рози субъектларни топиш билан боғлиқ харажатлар юқори бўлганлиги учун;
- б) ноқулай бўлганлиги сабабли;
- в) ижтимоий меҳнат тақсимооти ривожланишига тўсқинлик қилгани учун;
- г) айирбошланаётган товарларга эҳтиёжларнинг бир-бирига мос келиб қолгани учун;
- д) юқорида саналган барча сабаблар мавжуд бўлгани учун.

4. M_1 ўз ичига қуйидагилардан бирини олади:

- а) металл ва қоғоз нақд пуллар ҳамда чекдаги омонатлар;

- б) металл ва қоғоз нақд пуллар ҳамда муддатли омонатлар;
- в) металл ва қоғоз нақд пуллар ҳамда барча банк депозитлари;
- г) барча пуллар ва «деярли пуллар»;
- д) барча жавоблар нотўғри.

5. Пуллар ва «деярли пуллар» ўртасидаги фарқ қуйидагидан иборат:

- а) пулларни, «деярли пуллар»дан фарқли ўлароқ, бевосита сарфлаш мумкин;
- б) «деярли пуллар» банк ҳисобларидаги депозитларни ўз ичига олади, пуллар эса уларни ўз ичига олмайди;
- в) пуллар «деярли пуллар»га қараганда тезроқ айланади;
- г) «деярли пуллар», пуллардан фарқли равишда, майдаланмайдиган қоғоз пуллардир;
- д) «деярли пуллар» пулга сотилиши мумкин булган барча товарларни ўз ичига олади.

6. Банк ҳисобига ёзилган чек:

- а) агар у ҳақиқий бўлса, яъни банкда уни тўлаш учун маблағлар мавжуд бўлса, M_1 нинг бир қисми ҳисобланади;
- б) у ҳақиқий ёки ҳақиқий эмаслигидан қатъий назар, эгаси уни тўлашга розилик билдирган тақдирда, M_1 нинг қисми ҳисобланади;
- в) агар фақат товар ва хизматлар сотиб олишга ишлатилса, M_1 нинг қисми ҳисобланади;
- г) M_1 қисми ҳисобланмайди, чунки банк ҳисобварағи пул массасининг таркибий қисми эмас;
- д) M_1 қисми ҳисобланмайди, чунки чекнинг у ёзилган омонатлар билан бир қаторда M_1 таркибига киритилиши тақрорий ҳисобга олиб келади.

7. Пуллар:

- а) муомала воситаси;
- б) қимматни сақлаш воситаси;
- в) ҳисоб бирлиги;
- г) барча жавоблар тўғри;
- д) барча жавоблар нотўғри.

8. Битимлар учун пулга талаб қуйидагича ўзгаради:

- а) фоиз ставкаси ошганда ўсади;
- б) фоиз ставкаси пасайганда ўсади;
- в) ЯММ номинал ҳажмининг ўсишига қараб камаяди;
- г) ЯММнинг номинал ҳажми камайганда пасаяди;
- д) барча жавоблар нотўғри.

9. Агар активлар томонидан пулга талаб ўзгарса, қуйидаги жавоблардан қайси бири тўғри?

- а) фоиз ставкаси ошганда ўсади;
- б) фоиз ставкаси пасайганда ўсади;
- в) ЯММ номинал ҳажмининг ўсишига қараб камаяди;
- г) ЯММнинг номинал ҳажми камайганда пасаяди;
- д) барча жавоблар нотўғри.

10. «Пулга талаб» тушунчаси қуйидагини билдиради:

- а) зарур бўлганда, қатъий белгиланган нархлар бўйича пулга осон айлантрилиши мумкин бўлган қимматли қоғозларга эга бўлиш истаги;
- б) ушбу фоиз ставкасида тадбиркорлар кредит бериш учун ишлатишни хоҳлаган пуллар миқдори;
- в) «қора кун» учун даромаднинг бир қисмини асраш истаги;
- г) активлар томонидан пулга талаб нима бўлса, худди шу;
- д) битимлар учун пулга талаб ва активлар томонидан пулга талаб йиғиндиси нима бўлса, худди шу.

11. Қуйидагилардан қайси бирини «деярли пуллар»га киритиб бўлмайди?

- а) чекда бўлмаган жамғариладиган омонатлар;
- б) муддатли йирик омонатлар;
- в) кредит карточкалари;
- г) қисқа муддатли давлат қимматли қоғозлари;
- д) катта бўлмаган муддатли омонатлар.

12. Активлар томонидан пулга талаб билдирилишининг сабаби шундаки, пуллар:

- а) муомала воситаси;
- б) ҳисоб бирлиги;
- в) қимматларни сақлаш воситаси;
- г) барча жавоблар тўғри;
- д) бошқа сабабларга кўра.

13. Агар битимлар учун пуллар йилда ўртача 5 марта айланса, унда талаб билдирилган, айирбошлашга хизмат курсатиш учун зарур пуллар миқдори:

- а) ЯММ номинал ҳажмидан 5 марта кўп;
- б) номинал ЯММнинг 20 фоизини ташкил этади;
- в) 5 ҳамда ЯММ номинал ҳажмининг нисбатига тенг;
- г) 20% ва ЯММ номинал ҳажмининг нисбатига тенг;
- д) 20% ва 5 нинг нисбатига тенг.

14. Фараз қилайлик, битимлар учун пулга талаб ЯММ номинал ҳажмининг 10%ни ташкил этади. Пул таклифи 450 млрд.долларни ташкил этади, активлар томонидан пулга талаб эса 8.3-жадвалда курсатилган.

8.3-жадвал

Фоиз ставкаси (%)	Активлар томонидан талаб (млрд.долл.)	Фоиз ставкаси (%)	Активлар томонидан талаб (млрд.долл.)
14	100	12	200
13	150	11	250

Агар ЯММнинг номинал ҳажми 3000 млрд.долларга тенг бўлса, унда мувозанатли фоиз ставкаси қуйидагини ташкил этади:

а) 14%; б) 13%; в) 12%; г) 11%; д) 10%.

15. Агар аввалги тестдаги мавжуд шартлар сақланганда, ЯММнинг номинал ҳажми ўзгармаса, пул таклифи эса 450 млрд.доллардан 500 млрд.долларгача ўсса, мувозанатли фоиз ставкаси қандай ўзгаради?

- а) 14 %гача кўпаяди;
- б) 11 %гача қисқаради;
- в) 12 %гача қисқаради;
- г) ўзгаришсиз қолади;
- д) 15 %гача кўпаяди.

16. Агар фоиз ставкасининг энг юқори даражаси қонун бўйича мувозанатли даражадан паст ўрнатилса, унда:

- а) пулга талаб ҳажми пул таклифи ҳажмига қараганда кўп бўлади;
- б) пулга талаб ҳажми пул таклифи ҳажмига қараганда кам бўлади;
- в) пул таклифи ҳажми ўсиб боради, пулга талаб ҳажми эса қисқаради;
- г) пулга талаб ҳажми ўсиб боради, пул таклифи ҳажми эса қисқаради;
- д) пулга талаб ҳажми ва пул таклифи ҳажми кўпайиб боради.

17. Қуйида келтирилган фикрларнинг қайсиниси пулнинг реал қиммати ёки харид қобилияти ва нарх даражаси ўртасидаги боғлиқликни ифодалайди? Пулнинг харид қобилияти:

- а) нархлар даражасига тескари боғлиқликда бўлади;
- б) нархлар даражасига иқтисодий таназзул даврида тўғри боғлиқликда ва инфляция юксалиши даврида тескари боғлиқликда бўлади;
- в) нархлар даражасига тўғри, бироқ мутаносиб бўлмаган боғлиқликда бўлади;

- г) нархлар даражасига тўғри ва муносиб боғлиқликда бўлади;
- д) нархлар даражасига боғлиқ эмас.

18. Агар биз индексда ифодаланган нарх даражасини P билан, пуллар қийматини эса D билан белгиласак, унда:

- а) $P=D-1$; б) $D=1:P$; в) $1=D:P$; г) $D=P-1$; д) $D=1-P$

19. Йирик муддатли омонатлар қуйидагилардан бирининг таркибига киради:

- а) M_1 ;
- б) M_2 ;
- в) M_3 ;
- г) M_2 ва M_3 ;
- д) M таркибига умуман кирмайди.

20. Агар ЯММнинг номинал ҳажми қисқарса, унда:

- а) битимлар учун пулга талаб ва пулга умумий талаб ўсади;
- б) битимлар учун пулга талаб ва пулга умумий талаб қисқаради;
- в) битимлар учун пулга талаб ўсади, бироқ пулга умумий талаб қисқаради;
- г) битимлар учун пулга талаб қисқаради, бироқ пулга умумий талаб ўсади;
- д) битимлар учун пулга талаб ва пулга умумий талаб ўзгаришсиз қолади.

21. Агар ЯММнинг номинал ҳажми 4000 млрд.долларни ташкил этса, битимлар учун пулга талаб ҳажми эса 800 млрд.долларни ташкил этса, унда:

- а) активлар томонидан пулга талаб 3200 млрд. долларни ташкил этади;
- б) пулга умумий талаб 4800 млрд. долларни ташкил этади;
- в) ҳар бир доллар йилига ўртача 5 марта айланади;
- г) пул таклифи ҳажмини кўпайтириш зарур;
- д) активлар томонидан пулга талаб 4800 млрд. долларни ташкил этади.


22. Агар пулга талаб ва пул таклифи ўсиб борса, унда:

- а) мувозанатли пул миқдори ва мувозанатли фоиз ставкаси ўсади;
- б) мувозанатли пул миқдори ва мувозанатли фоиз ставкаси қисқаради;
- в) мувозанатли пул миқдори ўсади, мувозанатли фоиз ставкасининг ўзгаришини эса олдиндан айтиб бўлмайди;
- г) мувозанатли фоиз ставкаси ўсади, пул миқдоридаги ўзгаришларни эса олдиндан айтиш мумкин эмас;
- д) пул миқдори ва мувозанатли фоиз ставкаси ўзгаришини олдиндан айтиш мумкин эмас.


Жавоб:

1. в; 2. в; 3. д; 4. а; 5. а; 6. д; 7. г; 8. г; 9. б; 10. д; 11. в; 12. в; 13. б; 14. б; 15. в; 16. а; 17. а; 18. б; 19. в; 20. б; 21. в; 22. в.

1. чизма жавоб



2. чизма жавоб



**13 БОБ. ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ВА СОЛИҚ СИЁСАТИ
ТУҒРИ / НОТУҒРИ**

1. Молия тизими 2 бўғиндан иборат: давлат бюджети ва маҳаллий бюджет.	Н
2. Давлат бюджети жамият миқёсида марказлашган ва давлат иштирокида ҳосил бўлувчи ва сарфланувчи молиявий ресурс.	Т
3. Амалиётда бюджетнинг даромад қисми харажат қисмидан катта бўлади.	Н

4. Кичик ҳажмдаги бюджет тақчиллиги иқтисодиёт учун ҳавфли эмасдир.	Т
5. Бюджет маблағларини нимага(қайси соҳага) сарфланиши бюджет тақчиллиги хатарли ёки хатарли эмаслигини аниқлаштиради.	Т
6. Маҳаллий бюджет давлат бюджетининг бир қисмидир.	Т
7. Кўпинча маҳаллий бюджетга давлат томонидан дотация қилинади.	Т
8. Дотация-қайтармаслик шарти билан давлат ажратган маблағ.	Т
9. Субсидия-аниқ мақсад учун ажратилган дотациядир.	Н
10. Солиқ миллий даромадни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш жараёнида унинг бир қисмини давлат ихтиёрига олиш шаклидир.	Т
11. Солиқлар 2 та вазифани бажарадилар: фискаль ва рағбатлантириш.	Н
12. Эмиссия давлат томонидан қўшимча қоғоз пулларни чиқариш ва қўшимча кредит уюштириш.	Т

Жавоб

1.Н; 2.Т; 3.Н; 4.Т; 5.Т; 6.Т; 7.Т; 8.Т; 9.Н; 10.Т; 11.Н; 12.Т.

МАСАЛА

1. Қуйидаги маълумотлар мавжуд:

Даромад (V)	5000
Истеъмол (С)	3200
Инвестициялар (I)	900
Давлат харажатлари (G)	1000
Солиқлар (Т)	900

Давлат бюджетининг камомадини топинг.

Жавоб:

Давлат бюджетининг камомади = 100.

2. Ўтган йили компания баланс фойдасидан 50% лик солиқ тўлади; унда қолган соф фойда аванс қилинган сармойанинг 15% ташкил

этди. Жорий йилда баланс даромади $\frac{1}{3}$ га қисқарди, шу сабабдан даромад солиғи ставкаси ҳам 40%гача камайди.

Агар жорий йилда соф фойда 14%дан кам бўлса, унда компания раҳбарияти ишлаб чиқаришини қисқартиришни, янги капитал қўйилмаларни тўхтатишни, штатни қисқартиришни режалаштиради.

Ўтган ва жорий йил учун баланс даромадни ҳисобланг, ўтган йилдаги соф фойдани аниқланг. Сизнинг фикрингизча, компания ўз хўжалик фаолиятини тўхтасмаслиги учун молия вазирлиги даромад солиғи ставкасини қанчага пасайтириши зарур?

Жавоб:

Агар баланс фойдасидан 50% лик солиқ тўланган бўлса ва аванс қилинган сармоянинг 15% ҳажмида соф даромад қолган бўлса, унда баланс фойдаси капиталнинг 30% ҳажмига тенг. Жорий йилда баланс фойдаси 13%га қисқарди, яъни капиталнинг 30% ҳажмига тенг бўлди; унга 40% солиқ солинди ва соф фойда 12%га тенг бўлди.

Ҳозирги баланс фойдаси даражасида соф фойда 14%дан кам бўлмаслиги учун даромад солиғи ставкаси 30%дан ошмаслиги зарур. Баланс фойдаси 20% ва солиқ ставкаси 30% бўлган тақдирда соф фойда 14%га тенг бўлади.

3. Ялпи миллий маҳсулот тўла бандлик шароитида 20 млрд.долларни ташкил этади. ЯММнинг ҳақиқий ҳажми 16 млрд.долларга тенг. Солиқлар ЯММнинг 10% ини ташкил қилади. Товар ва хизматларга давлат харажатлари 1,8 млрд.долларга тенг.

а) Давлат бюджети тақчил бўладими ёки ортиқчами? Унинг миқдорини аниқланг.

б) Тўла бандликка эришилган шароитда давлат бюджетининг қолдиғи қандай ўзгаришини аниқланг.

Жавоб:

а) Давлат бюджети тақчилиги 0,2 млрд.долларни ташкил этади.

б) Давлат бюджети ортиқчаллиги 0,2 млрд.долларни ташкил этади.

4. Ҳукумат чет эл банкларидан 1 млрд.доллар миқдорида йиллик 8% ставкада қарз олди. Бу маблағлар мамлакат ялпи миллий маҳсулотини кейинги йиллар мобайнида йилига 300 млн.долларга оширишга имкон берувчи лойиҳаларни амалга оширишга инвестицияланади.

- а) бу қарз мамлакат давлат қарзининг ошишига олиб келадими, агар ошса қанчага?
 б) ушбу мамлакат фуқароларига юкланаётган соф молиявий оғирлик ўсадими.

Жавоб:

- а) Давлат қарзи 1 млрд.долларга ортади.
 б) Йўқ. Миллий маҳсулот ўсишининг фоиз миқдоридан ҳар йиллик ортиқлиги 220 млрд.долларни ташкил этади. 5 йил давомида тўпланган маблағ қарзни тўлашга етарли бўлади.

5. Ҳукумат 1 йил муддатга 4% ставка бўйича 10000 доллар миқдорида қарз олди.

- а) йил охирига келиб ҳукумат қарзининг қандай миқдорини тўлаши лозим?
 б) агар йиллик инфляция суръати 3%ни ташкил қилса, қарзнинг бу миқдори номинал миқдорга тенг бўладими?
 в) инфляция бўлмаган шароитда қарз ва фоиз миқдори қандай бўлади?
 г) агар йиллик инфляция суръати 3%ни ташкил қилса, инфляцияни ҳисобга олиб ўзгартирилган қарз ва фоизнинг миқдори қандай бўлади?
 д) агар инфляция йилига 3%ни ташкил қилса, инфляцияни ҳисобга олмай ҳисобланган қарз ва фоиз миқдори қандай бўлади?

Жавоб:

- а) 10 000 доллар
 б) йўқ.
 в) қарз миқдори – 10 000 доллар, фоиз ҳажми – 400 доллар.
 г) қарз миқдори – 10 300 доллар, фоиз ҳажми – 412 доллар
 д) қарз миқдори – 10 000 доллар, фоиз ҳажми – 712 доллар

6. **13.1-жадвалда** турли фоиз ставкаларида инвестицияларга бўлган талабнинг миқдори ҳақидаги маълумотлар келтирилган. Истеъмолга меъёрий мойиллик 0,8 га тенг.

13.1-жадвал.

Фоиз ставкаси(%)	Режалаштирилган соф инвестициялар (долл.)
8	115
7	140
6	165

5	190
4	215

а) агар товар ва хизматларнинг давлат хариди ҳажми 20 долларга ошса, реал соф миллий маҳсулотнинг мувозанатли ҳажми қандай ўзгаради?

б) агар ҳукумат бу маблағни солиқлар миқдорини 20 долларга ошириш ҳисобига олган бўлса, реал соф миллий маҳсулотнинг мувозанатли ҳажми қандай ўзгаради?

в) агар ҳукумат пул бозорида 20 доллар олиши натижасида фоиз ставкаси 5% дан 6%гача кўтарилса, режалаштирилган соф инвестициялар ҳажми қандай ўзгаради? Соф миллий маҳсулот мувозанатли реал ҳажмининг ўзгаришида ифодаланган давлат харажатлари кўпайишининг соф самарасини аниқланг.

Жавоб:

а) 100 долларга ошади.

б) 20 долларга ошади.

в) 25 долларга камаяди; 125 долларга камаяди; 25 долларга камаяди.

7. 13.2-жадвалга қаранг.

13.2-жадвал.

ЯММ	Солиқ тушумлари миқдори	Давлат харажатлари
800	200	260
900	230	260
1000	260	260
1100	300	260

а) тўла бандлик шароитида эришиладиган ЯММ миқдори 900 млрд. долларга тенг бўлганда бюджет қолдиғининг миқдори ва хусусияти қандай бўлади? 1100 млрд. долларга тенг бўлгандачи?

б) тўла бандлик шароитида тахминий инвестициялар ва жамғармалар ўртасидаги нисбат қандай? (бунда соф экспорт нолга тенг).

Жавоб:

а) тақчиллик 30 млрд.доллар; ортиқчалик 40 млрд.долларга тенг.

б) инвестициялар жамғармалардан 40 млрд.долларга ортиқ бўлиши керак.

ТЕСТ

1. Субсидия - бу:

- а) иқтисодиётга бюджет орқали таъсир этиш воситаларидан бири бўлиб, қайтариб бермаслик шарти билан маблағ ажратишдир;
- б) мақсадли дотация бўлиб, у маҳаллий бюджетларга давлат бюджетидан ажратилади. Уни мўлжалланган мақсад учун сарфлаш мажбурий ва буни давлат назорат қилади;
- в) умумий дотация бўлиб, уни ишлатиш маҳаллий ҳокимият ихтиёрида бўлиб, марказ унга аралашмайди;
- г) нотўғри жавоб йўқ;

2. Бюджет тақчиллиги қайси ҳолларда ҳосил бўлади?

- а) ишлаб чиқариш барқарорлашганда;
- б) ижтимоий дастурга кўзланган харажатлардан камроқ сарфланса;
- в) мудофага харажат меъёрида бўлса;
- г) кўланкали иқтисодиёт ривож топиб кетса;
- д) нотўғри жавоб йўқ;

3. Бюджет тақчиллигини қоплаш учун давлат нималардан фойдаланади;

- а) марказий банк кредитларидан фойдаланади;
- б) маҳаллий бюджет даромадидан фойдаланилади;
- в) корхона бюджет даромадидан фойдаланади;
- г) субвенциядан фойдаланилади;
- д) нотўғри жавоб йўқ;

4. Давлатнинг солиқ-бюджет сиёсати;

- а) монетар сиёсат деб юритилади;
- б) фискал сиёсат деб юритилади;
- в) антимонопол сиёсат деб юритилади;
- г) антиинфляцион сиёсат деб юритилади;
- д) нотўғри жавоб йўқ;

5. Ривожланган давлатларнинг бюджетининг тўртта энг асосий манбаларини ажратиб кўрсатинг:

- а) давлат мулкидан тушган даромадлар;
- б) меросга солинадиган солиқ;
- в) капитал бозоридан жалб этилган маблағлардан келадиган соф тушумлар;
- г) қўшилган қиймат солиғи;
- д) божхона божлари;
- е) мулк солиғи;

- ж) ижтимоий бадаллар;
- з) қимматбаҳо қоғозлар билан амалга ошириладиган операциялардан солиқ;
- и) компанияларнинг даромад солиғи;
- к) шахсий даромад солиғи;
- л) к), ж), г) ва и) жавоблар тўғри;
- м) г), д) ва б) жавоблар тўғри.

6. Қуйида келтирилганлардан давлат бюджети харажатларидан учта энг асосий манбаларни аниқланг:

- а) маъмурий-бошқарув харажатлари;
- б) давлат қарзлари бўйича тўловлари;
- в) хорижий давлатларга ёрдам ва заёмлар;
- г) ижтимоий хизматларга харажатлар: пенсия, нафақалар, таълим ва соғлиқни сақлаш;
- д) мудофа;
- е) хўжалик харажатлари;
- ж) атроф-муҳитни ҳимоя қилиш ва яхшилашга кетадиган харажатлар;
- з) а), в) ва е) жавоблар тўғри;
- и) д), е) ва ж) жавоблар тўғри.

7. Мамлакат иқтисодиётида солиқларнинг қуйидаги функциялари мавжуд:

- а) фискал;
- б) ижтимоий;
- в) тартибга солувчи (иқтисодиётнинг давлат томонидан тартибга солиниши);
- г) ҳамма жавоб тўғри – чунки булар солиқнинг уч асосий функцияларидир

8. Ер солиғининг оширилиши қуйидаги оқибатларнинг қайси бирларига олиб келади:

- а) қишлоқ хўжалигида бандликни қисқаришига;
- б) фермерларнинг даромадининг камайишига;
- в) уй-жой нархининг ошишига;
- г) ердан унумли фойдаланишга;
- д) миллий қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг нархи импорт маҳсулотлар нархи билан тенглашишига;
- е) саноат, савдо, хизмат кўрсатиш соҳаларида янги объекларнинг қурилиши қисқаришига;
- ж) г), д) ва б) жавоблар тўғри;

з) г), в) ва а) жавоблар тўғри.

9. Қуйида санаб ўтилган солиқларнинг қайси бирлари пировард истеъмолчига ўтказилиши мумкин:

- а) акцизлар;
- б) мерос ва совғага солиқ;
- в) компанияларнинг даромад солиғи;
- г) қўшилган қиймат солиғи;
- д) шахсий даромад солиғи;
- е) ижтимоий бадаллар;
- ж) г), е) ва д) жавоблар тўғри;
- з) а) ва г) жавоблар тўғри.

Жавоб:

1. в; 2. г; 3. а; 4. б; 5. л; 6. и; 7. г; 8. ж; 9. з.

14 БОБ. ХАЛҚАРО САВДО НАЗАРИЯЛАРИ

ТЎҒРИ / НОТЎҒРИ

1. Миллий хавфсизлик мақсадида бир қатор соҳаларни ҳимоя қилиш савдо чекловларини ўрнатиш учун яққол далилдир.	Т
2. Эркин савдо шароитидаги мамлакатнинг иқтисодий барқарорлиги импорт божларини киритилиши даврига нисбатан доимо пастроқ бўлади.	Н
3. Нисбий афзаллик турли товарларни муқобил ишлаб чиқариш харажатларини халқаро тафовутини акс эттиради.	Т
4. Божхона божларини киритилиши мамлакатнинг ички истеъмолини рағбатлантиради.	Н
5. Янги соҳаларни хорижий рақобатдан ҳимоя қилиш зарурияти савдо чекловларини ўрнатиш учун адолатли далилдир.	Н
6. Россиядаги турмуш даражаси, Данияникидан фарқли ўлароқ, ташқи савдога кўпроқ даражада боғлиқдир.	Н
7. Товар ва хизматлар импорти ички нархларнинг ўсишига олиб келади ва инфляцияга сабаб бўлади.	Н
8. Импорт мамлакатда жами талабни ортишига олиб келади.	Н
9. Савдо шarti – бу экспорт нархларнинг импорт нархларига бўлган нисбатидир.	Т


10. Импорт божларини киритишдан асосий мақсад – миллий тармоқларни ва иш ўринларини хорижий рақобатдан ҳимоя қилиш учун импортни қисқартиришдир.	Т
11. Ресурслар билан таъминланиш ва инсон, ҳамда моддий ресурслар турларининг нисбати ва ҳажмидаги халқаро фарқлар – ихтисослашув ва савдо учун муҳим асосдир.	Т
12. Чет эл товарлари импортини чеклаш нуқтаи-назаридан импорт квоталари импорт божларига қараганда яхши натижа беради.	Т
13. ГАТТ – «умумий бозор»га кирувчи, Европа мамлакатларини бирлаштирувчи халқаро ташкилот.	Н
14. Импортни чеклаш мамлакатда самарасиз тармоқларни сақланишига сабаб бўлади ва самарали ишлаб чиқаришни ўсишига тўсқинлик қилади.	Т

Жавоб

1.Т; 2.Н; 3.Т; 4.Н; 5.Н; 6.Н; 7.Н; 8.Н; 9.Т; 10.Т; 11.Т; 12.Т; 13.Н; 14.Т.

МАСАЛА

1-масала. **14.1 расм** X мамлакат кийим бозоридаги ички талаб (DD) ва ички таклифни (SS) акс эттиради. OA – жаҳон бозоридаги кийим нархи.



14.1 расм. Импорт квотасини ўрнатилиши.

а) агар савдо чекловлари бўлмаса, мамлакатнинг кийим импорти қандай бўлар эди?

Давлат кийим импортини чеклаш мақсадида **FJ** даражасида импорт квотасини ўрнатди.

б) импорт квотаси киритилгандан кейин ички бозорда кийим нархи қандай бўлади?

в) ички ишлаб чиқариш ва кийим сотиб олиниши қай тарзда ўзгаради?

г) **FGKJ** тўғри тўрт бурчаги майдони нимани кўрсатади?

д) импорт квотаси ўрнатилгандан кейин жамиятнинг соф йўқотишлари қандай.

Жавоб:

а) **DM**.

б) **OB**.

в) ички ишлаб чиқариш **OC**дан **OE**гача ўсади, истеъмоладан эса **OL**дан **OH**гача қисқаради.

г) агар график импорт квотасини ўрнатилишини акс эттирганда эди, **FGKJ** тўғри тўрт бурчаги давлат бюджетига қўшиладиган бождан тушган даромадни кўрсатган бўлар эди. Бу вазиятда бу тўғри тўрт бурчак хорижлик сотувчилар ва маҳаллий импортерлар оладиган даромадни кўрсатади.

д) **DFG + JKM + FGJK**нинг хорижлик сотувчиларга тушадиган қисми.

2. АҚШда транзисторли радиолар талаб ва таклиф динамикаси қуйидагича:

Нархи (долл.)	талаб ҳажми (млн.дона)	таклиф ҳажми (млн.дона)
5	5	2
10	4	3
15	3	4
20	2	5

Японияда транзисторли радиолар талаб ва таклиф динамикаси қуйидагича:

Нархи (долл.)	талаб ҳажми (млн.дона)	таклиф ҳажми
---------------	------------------------	--------------

		(млн.дона)
5	2,5	1
10	2,0	3
15	1,5	5
20	1,0	7

- а) агар мамлакатлар ўртасида эркин савдо йўлга қўйилса транзисторли радиоларнинг мувозанат нархи нечага тенг бўлади?
 б) Мамлакатлардан қайси бири транзисторли радиоларни экспорт қилади?
 в) Экспорт миқдори нечага тенг бўлади?
 г) агар АҚШ импорт қилинаётган ҳар бир транзисторли радиолардан 10 доллар миқдорида бож ундирса, импорт ва экспорт ҳажми қандай ўзгаради?


Жавоб:

- а) 10 долл.
 б), в) Япония АҚШга 1 млн. транзисторли радиоларни экспорт қилади.
 г) экспорт ва импорт қисқариб боради.


3. Фараз қилайлик, АҚШ бир бирлик ресурсдан фойдаланиб, 3 дона компьютер ёки 3000 бочка вино ишлаб чиқариши мумкин; Франция ҳам бир бирлик ресурсдан фойдаланиб, 1 дона компьютер ёки 5000 бочка вино ишлаб чиқариш мумкин.

- а) ҳар бир мамлакатнинг ихтисослашуви умумий ишлаб чиқаришнинг кўпайишига олиб келадими?
 б) ушбу мисол мутлақ ёки нисбий афзалликнинг қайси бирини тасвирлайди?
 в) агар АҚШда ишлаб чиқарилиши мумкин бўлган компьютерларнинг энг кўп миқдори 1000 донани ташкил этса, мамлакат ишлаб чиқариш имкониятлари чизиғи қандай кўринишда бўлади? (**14.2а-расмдан** фойдаланинг)
 г) **14.2а-расмда** АҚШ фақат компьютерлар ишлаб чиқаради ва уларни Францияга вино айирбошлаш орқали сотади, деб фараз қилиб, АҚШнинг савдо имкониятлари чизиғини чизинг (1 америка компьютерининг нархи 2000 бочка француз виноси нархига тенг).
 д) агар Францияда ишлаб чиқарилиши мумкин бўлган вино бочкаларининг энг кўп миқдори 2 млн. донани ташкил этса, бу мамлакат ишлаб чиқариш имкониятлари чизиғи қандай кўринишда бўлади? (**14.3а-расмдан** фойдаланинг)

е) **14.3а-расмда** Франция савдо имкониятлари чизиғини чизинг. Бунда Франция фақат вино ишлаб чиқаради ва уни АҚШга компьютерга айирбошлашда сотади, деб фараз қилинг (1 Америка компьютерининг нархи 2000 бочка француз виносига тенг)




14.2а-расм.




14.3а-расм.

Жавоб:



14.2б-расм. АҚШнинг ишлаб чиқариш ва савдо имкониятлари.



14.3б-расм. Франциянинг ишлаб чиқариш ва савдо имкониятлари.

- а) ҳа.
- б) АҚШ компьютерлар ишлаб чиқаришда мутлақ афзалликка эга. Франция вино ишлаб чиқаришда мутлақ афзалликка эга.
- в) **14.2б-расмга** қаранг. 1в чизиқ.
- г) **14.2б-расмга** қаранг. 1г чизиқ.
- д) **14.3б-расмга** қаранг. 1д чизиқ.
- е) **14.3б-расмга** қаранг. 1е чизиқ.

4. Биринчи муаммога қайтинг. Фараз қилайлик, компьютернинг нархи ўсаяпти. Энди унинг нархи 4000 бочка винога тенг. Бошқача қилиб айтганда, энди битта Америка компютери 4000 бочка француз виносига айирбошланади.

- а) **14.2а-** ва **14.3а-расмларда** мос ҳолда АҚШ ва Франция савдо имкониятларининг янги чизиқларини чизинг.
- б) олинган натижалар АҚШ даги истеъмол даражаси эндиликда аввалига нисбатан паст бўлиши мумкинлигини кўрсатадими? Аввалига қараганда юқори бўлишини? Ўз жавобингизни тушунтиринг.

в) олинган натижалар Франциядаги истеъмол даражаси энди аввалига нисбатан паст бўлиши мумкинлигини кўрсатадими? Аввалига нисбатан юқори бўлишини-чи? Ўз жавобингизни тушунтиринг.

Жавоб:

а) **14.2б-** ва **14.3б-расмларга** қаранг. 2а чизиқлари.

б) аввалгига қараганда юқори. **14.2б-расмда** савдо имкониятлари чизиғи (2а) аввалгисидан (1г) юқорида ётибди;

в) аввалгига қараганда паст. **14.3б-расмда** савдо имкониятлари чизиғи (2а) аввалгисидан (1е) юқорида ётибди.

5. **А** ва **Б** мамлакатлар ўртасида сиёсий муаммолар туфайли ўзаро савдо бўлмаган. Ниҳоят, сиёсий зиддиятлар бартараф этилди ва мамлакатлар ўзаро савдони бошлади.

А мамлакатда сигаретлар нисбатан арзон, ёғ эса нисбатан қиммат. **Б** мамлакатда ёғ нисбатан арзон, сигаретлар эса нисбатан қиммат.

Демак, агар **А** ва **Б** мамлакатлар ўртасида эркин савдо тартиби ўрнатилса, унда:

а) **А** мамлакат ишлаб чиқарилаётган сигаретларга талаб кўпаядими ёки камаядими? **А** мамлакатда сигаретлар нархи ўсадими ёки тушадими?

б) **Б** мамлакат ишлаб чиқарилаётган сигаретларга талаб кўпаядими ёки камаядими? **Б** мамлакатда сигаретлар нархи ўсадими ёки тушадими?

в) **А** мамлакатда ишлаб чиқарилаётган ёғга талаб кўпаядими ёки камаядими? **А** мамлакатда ёғ нархи ўсадими ёки тушадими?

г) **Б** мамлакатда ишлаб чиқарилаётган ёғга талаб кўпаядими ёки камаядими? **Б** мамлакатда ёғ нархи ўсадими ёки тушадими?

д) **А** мамлакатда сигаретлар ишлаб чиқариш учун фойдаланилган ресурсларга талаб кўпаядими ёки камаядими? **Б** мамлакатда ёғ ишлаб чиқариш учун фойдаланилган ресурсларга талаб кўпаядими ёки камаядими?

е) **Б** мамлакатда сигаретлар ишлаб чиқариш учун фойдаланилган ресурсларга талаб кўпаядими ёки камаядими? **А** мамлакатда ёғ ишлаб чиқариш учун фойдаланилган ресурсларга талаб кўпаядими ёки камаядими?

Жавоб:

а) кўпаяди, ўсади.

б) камаяди, тушади.

- в) камаяди, тушади.
- г) кўпаяди, ўсади.
- д) кўпаяди, ўсади.
- е) камаяди, тушади.

6. **Г** ва **Н** мамлакатларда фақат озиқ-овқат маҳсулотлари ва кийим-кечак ишлаб чиқарилади. Қуйида бу икки мамлакатнинг ишлаб чиқариш имкониятлари келтирилган (ишлаб чиқариш бирликларда ўлчанади).

Г мамлакат			Н мамлакат		
Имконият	Озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш	Кийим-кечак ишлаб чиқариш	Имконият	Озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш	Кийим-кечак ишлаб чиқариш
А	0	32	А	0	24
Б	5	24	Б	4	18
В	10	16	В	8	12
Г	15	8	Г	12	6
Д	20	0	Д	10	0

- а) **Г** мамлакатдаги озиқ-овқат маҳсулотларида ифодаланган кийим-кечакнинг муқобил қиймати қандай?
- б) **Н** мамлакатдаги озиқ-овқат маҳсулотларида ифодаланган кийим-кечакнинг муқобил қиймати қандай?
- в) агар **Г** ва **Н** мамлакатлари ўртасида эркин савдо бошланса, унда қайси мамлакат озиқ-овқат маҳсулотларини экспорт қилади? Қайси мамлакат кийим-кечакни экспорт қилади?
- г) икки мамлакат ўртасида «савдо шартлари» қандай чегараларда бўлади?

Жавоб:

- а) $\frac{5}{8}$
- б) $\frac{2}{3}$
- в) **Н** мамлакат. **Г** мамлакат.
- г) кийим-кечак бирлигининг нархи озиқ-овқат маҳсулотлари бирлиги нархининг $\frac{5}{8}$ дан $\frac{2}{3}$ гача миқдorigа тенг бўлади.

7. Фараз қилайлик, икки мамлакат, **А** ва **Б**, иккита товарни-велосипедлар ва теннис ракеткаларини ишлаб чиқаради, иккала мамлакат ҳам умумий валютани қўллайди. **14.1-жадвалда А** ва **Б** мамлакатларда иккита маҳсулотни ишлаб чиқаришга меҳнат сарфлари кўрсатилган.

14.1-жадвал

	Меҳнат сарфи (бир бирлик ишлаб чиқаришга соатларда)	
	А мамлакат	Б мамлакат
Велосипедлар	60	120
Ракеткалар	30	40

а) қайси мамлакат иккала товарни ишлаб чиқаришда мутлақ афзалликка эга?

б) ҳар бир мамлакат учун ракеткаларда ифодаланган велосипедларни ишлаб чиқаришнинг муқобил харажатларини ва велосипедларда ифодаланган ракеткаларни ишлаб чиқаришнинг муқобил харажатларини ҳисобланг.

в) қайси мамлакат велосипедлар ишлаб чиқаришда нисбий афзалликка эга.

Фараз қилайлик, халқаро савдо йўқ. Ҳар бир мамлакат ҳафтасига 40 соат банд бўлган 300 ишловчига эга. Дастлаб ҳар бир мамлакатда ишловчиларнинг ярми велосипедлар ишлаб чиқаришда, бошқа ярми эса теннис ракеткалари ишлаб чиқаришда банддир.

г) ҳар бир мамлакатдаги велосипедлар ва ракеткалар ишлаб чиқариш ҳажмларини ҳисобланг ва **14.2а-жадвални** тўлдилинг.

14.2а-жадвал

	Ишлаб чиқариш ҳажми (ҳафтасига бирлик)		
	А мамлакат	Б мамлакат	Умумий
Велосипедлар			
Ракеткалар			

Энди фараз қилайлик, халқаро савдо бошланди. Мамлакалар ихтисослашуви қуйидагича амалга оширилади: теннис ракеткалари ишлаб чиқаришда нисбий афзалликка эга мамлакат фақат ракеткаларни чиқаради; бошқа мамлакат савдо йўқлигида мавжуд бўлган ишлаб чиқариш умумий ҳажми даражасида велосипедлар ишлаб чиқаради, қолган меҳнат ресурсларини ракеткалар чиқаришга йўналтиради.

д) ҳар бир мамлакатдаги велосипедлар ва ракеткалар ишлаб чиқариш ҳажмини ҳисобланг, **14.3а-жадвални** тўлдилинг ва иккала

мамлакат халқаро савдодан қандай фойдага эга бўлиши мумкинлигини кўрсатинг.

е) алоҳида графикда ҳар бир мамлакат учун ишлаб чиқариш имкониятлари чизиқларини чизинг.

14.3а-жадвал

	Ишлаб чиқариш ҳажми (ҳафтасига бирлик)		
	А мамлакат	Б мамлакат	Умумий
Велосипедлар	-	-	-
Ракеткалар	-	-	-

ж) ишлаб чиқариш имкониятларининг ушбу график тасвири асосида халқаро айирбошлашдан олинадиган имкониятли фойда ҳақида хулоса чиқариш мумкинми? Ўз жавобингизни асосланг.

Жавоб:

а) **А** мамлакат

б) велосипед ишлаб чиқаришнинг муқобил ҳаражатлари:

- **А** мамлакатда 1 велосипед 2 ракеткага тенг.

- **Б** мамлакатда 1 велосипед 3 ракеткага тенг.

Ракеткалар ишлаб чиқаришнинг муқобил ҳаражатлари:

- **А** мамлакатда 1 ракетка $\frac{1}{2}$ велосипедга тенг.

- **Б** мамлакатда 1 ракетка $\frac{1}{3}$ велосипедга тенг.

в) **А** мамлакат, чунки у нисбатан кам муқобил ҳаражатларга эга.

г) **14.2б-жадвалга** қаранг.

14.2б-жадвал

	Ишлаб чиқариш ҳажми (ҳафтасига бирлик)		
	А мамлакат	Б мамлакат	Умумий
Велосипедлар	100	50	150
Ракеткалар	200	150	350

д) **14.3б-жадвалга** қаранг. Велосипедлар ишлаб чиқарилишининг миқдорий устунлиги ўзгарди. (масала шартига кўра), бироқ теннис ракеткаларни ишлаб чиқариш 350 дан 400 донагача кўпайди. Бу ютуқ икки мамлакат ўртасида қандай тақсимланиши, масалан, валюта курсига боғлиқ бўлиши мумкин (агар икки мамлакат турли валютадаги пулларни қўлласса).


14.3б-жадвал

	Ишлаб чиқариш ҳажми (ҳафтасига бирлик)		
	А мамлакат	Б мамлакат	Умумий
Велосипедлар	150	-	150

Ракеткалар	100	300	400
------------	-----	-----	-----


е) **14.4-расмга** қаранг. ИИЧ_А ва ИИЧ_Б – мос равишда **А** мамлакат ва **Б** мамлакатнинг ишлаб чиқариш имкониятлари чизиқ(ИИЧ)лари.

ж) ҳа, икки мамлакатнинг ИИЧлари турли оғиш бурчакларига эга, бу муқобил харажатлардаги мамлакатлараро фарқни акс эттиради.



14.4-расм. А ва Б мамлакатларнинг ИИЧлари.

8. **14.5-расмда** X мамлакатда магнитофон бозоридаги ички талаб (DD) ва ички таклиф (SS) акс эттирилган. Магнитофоннинг жаҳон бозоридаги нархи OB кесмага тенг.



14.5 расм. Тариф божининг киритилиши.

- а) Эркин савдо шароитида магнитофоннинг ички нарhini ва импорт ҳажмини аниқланг.
Тахмин қиламизки, импорт қилинаётган ҳар бир магнитофон учун давлат бож киритди, у BC кесмага тенг.
- б) Бож киритилгандан кейин магнитофоннинг ички нарhini ва импорт ҳажмини аниқланг.
- в) Магнитофонларни ички ишлаб чиқариш ҳажми қандай ўзгаради?
- г) Импорт божи киритилгандан кейин магнитофонларни сотиб олишда харидорларнинг қўшимча харажатларини графикда акс эттирилган шакл майдонини аниқланг.
- д) Қўшимча харажатларнинг қайси миқдори давлат бюджетига бож киритилгандан келган даромад тариқасида тушади ва қайси миқдори маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг қўшимча рентаси бўла олади?
- е) Импорт божи киритилгандан сўнг жамиятнинг соф йўқотишлари қандай.

Жавоб:

- а) нарх OB га тенг; импорт ҳажми FP га тенг (бу нарх даражасида ички талаб ички таклифдан ортиқ бўлади).
- б) нарх OC га тенг; импорт ҳажми JM га тенг.

- в) EG ҳажмга ўсади.
- г) ВСML.
- д) бождан тушган даромад HJMLга тенг, рента BCJFга тенг.
- е) FHJ + LMP.

ТЕСТ

1. А мамлакат 1 бирлик ресурс ишлатиб 1 тонна буғдой етиштиради ёки 4 тонна кўмир қазиб олади. Б мамлакат 1 бирлик ресурс ишлатиб 2 тонна буғдой етиштиради ёки 5 тонна кўмир қазиб олади.

- а) А мамлакат буғдой экспорт қилади, кўмирни импорт қилади;
- б) Б мамлакат буғдой экспорт қилади, кўмир импорт қилади;
- в) А мамлакат буғдойни экспорт ҳам импорт ҳам қилмайди;
- г) Б мамлакат кўмирни экспорт ҳам импорт ҳам қилмайди;
- д) ҳамма жавоблар нотўғри.

2. Агар Франция Англияга вино, Англия Францияга тўқимачилик молларини экспорт қилса, вино нархларини тўқимачилик нархларига нисбатан ўсиши қуйидагини англатади.

- а) Франция учун савдо-сотик шароитларини яхшиланишини;
- б) Франциянинг савдо имкониятлар чизиғининг бурчак қиялигининг ўзгаришини;
- в) Англиянинг савдо имкониятлар чизиғининг бурчак қиялигининг ўзгаришини;
- г) Ҳаммаси тўғри;
- д) а ва б жавоблар тўғри.

3. Импорт божи ва квотаси ўртасида фарқ шундан иборатки, фақат бож:

- а) Халқаро савдонинг камайишига олиб келади;
- б) Нархларнинг ўсишига олиб келади;
- в) Давлат бюджетига даромад келтиради;
- г) Малакатдаги турмуш даражасини пасайтиради;
- д) Ҳамма жавоблар нотўғри.

4. Нисбий афзаллик принципни биринчи бўлиб ким исботлаган:

- а) Томас Мальтус;
- б) Адам Смит;
- в) Пол Самуэльсон;
- г) Давид Риккардо;

д) Альфред Маршалл;

5. Протекционизм тарафдорлари бож, квота ва бошқа савдо чекловлари қуйидаги учун керак, деб таъкидлайдилар:

- а) Янги ёш соҳаларни хорижий рақобатдан ҳимоя қилиш;
- б) Ички бандликни ошириш;
- в) Демпингни олдини олиш;
- г) Мамлакат ҳавфсизлигини таъминлаш;
- д) Ҳамма жавоблар тўғри.

6. А ва Б мамлакатлар қуйидаги Х ва У товарларни ишлаб чиқармоқда (бирликда):

	Х товар	У товар
<u>А мамлакат</u>	12	16
<u>Б мамлакат</u>	8	8

Агар ҳар бир мамлакат нисбий афзаллик принципи асосида ихтисослашса, унда айирбошлов коэффициенти (савдо шартлари) қуйидагича бўлади:

- а) 1 бирлик Х - $1\frac{1}{3}$ бирлик У учун
- б) 1 бирлик Х - 2 бирлик У учун
- в) 1 бирлик Х - 1 бирлик У учун
- г) 1 дан $\frac{1}{3}$ бирликгача Х - 1 бирлик У учун
- д) $\frac{1}{2}$ дан $\frac{3}{4}$ бирликгача Х - 1 бирлик У учун

7. Савдо чекловларининг қайси бир шакли эркин савдо учун катта тўсиқ бўла олмайди:

- а) Импорт божи
- б) Экспортнинг ихтиёрий чекловлари
- в) импорт квотаси
- г) импорт ва экспортга лицензия
- д) ҳамма жавоблар нотўғри

8. 8-13 бўлган тестларни кетма-кетликда ечиш керак.

Қуйида келтирилган жадвалда вино ва мовут ишлаб чиқариш ҳажмларини 2 мамлакатдаги кўрсаткичи келтирилган (фақат битта ресурс - меҳнат ҳисобга олинган).

1 соатда ишлаб чиқариш	А мамлакат	Б мамлакат
Мовут (метр)	5	15
Вино (литр)	10	20

Икки мамлакатни таққослаб ва улар ўртасидаги савдо имкониятларини таҳлил этиб, А мамлакат қуйидаги имкониятга эга деб таъкидлаш ўринли бўлади:

- а) мовут ишлаб чиқаришда абсолют устунликка;
- б) вино ишлаб чиқаришда абсолют устунликка;
- в) мовут ишлаб чиқаришда нисбий устунликка;
- г) вино ишлаб чиқаришда нисбий устунликка;
- д) ҳеч қайси товар ишлаб чиқариш бўйича нисбий устунлика эга эмас.

9. Аввал икки мамлакат ўртасида ўзаро савдо бўлмаган. А - мамлакат валютаси - а, Б мамлакат валютаси - б. А ва Б мамлакатларда мовутнинг нархи мос равишда 20 а ва 60 б ни ташкил этади. Агар ҳар бир мамлакат мустақил равишда вино ва мовутни ишлаб чиқарса, унда винонинг нархи мос равишда қуйидагига тенг бўлади.

- а) 5а, 20б, б) 40а, 45б, в) 10а, 80б, г) 10а, 60б, д) 40а, 80б

10. Агар икки мамлакат ўртасида ўзаро савдо-сотик йўлга қўйилса, унда Б мамлакат қуйидагини амалга оширади деб тахмин қилиш мумкин.

- а) вино импорт қилади.
- б) вино экспорт қилади.
- в) вино ва мовут импорт қилади.
- г) вино ва мовут экспорт қилади.
- д) ҳеч нарсани экспорт ҳам, импорт ҳам қилмайди.

11. Савдо жараёнлари бошланишидан аввал ҳар бир мамлакат учун ўз нарх муносабатлари мавжуд бўлиб, у ички ишлаб чиқариш харажатларини акс эттирган. Агар А ва Б мамлакатлар ўртасида ўзаро савдо ривожланса, вино нархининг мовут нархига бўлган нисбати:

- а) А мамлакатда ўсади, Б да пасаяди;
- б) А мамлакатда пасаяди, Б мамлакатда ўсади;
- в) иккала мамлакатда ўсади;
- г) иккала мамлакатда пасаяди;
- д) ҳеч қайси мамлакатда ўзгармайди.

12. Агар икки мамлакат ўртасида барқарор савдо алоқалари ўрнатилган бўлса, мовут нархининг вино нархига нисбати тахминан қуйидагича бўлади:

- а) иккала мамлакатда - 1,2;
- б) А мамлакатда - 1,8, Б мамлакатда - 1,5;
- в) икки мамлакатда - 1,6;
- г) А мамлакатда - 2,1, Б мамлакатда - 1,3;
- д) иккала мамлакатда - 2,3.

13. Мовутнинг кундалик экспорти 500 м. ташкил этади, 12-тестда аниқланган нарх нисбатини ҳисобга олган ҳолда, кундалик вино экспорти қуйидагига тенг:

- а) А мамлакатдан 600 литр:
- б) Б мамлакатдан 600 литр:
- в) А мамлакатдан 800 литр:
- г) Б мамлакатдан 800 литр:
- д) А мамлакатдан 1150 литр:

Жавоб:

1. б; 2. г; 3. в; 4. г; 5. д; 6. г; 7. д; 8. г; 9. в; 10. а; 11. а; 12. в; 13. в.

15 БОБ. ТЎЛОВ БАЛАНСИ ВА ВАЛЮТА КУРСИ

ТЎҒРИ / НОТЎҒРИ

1. IBM корпорациясининг Англиядаги бўлими ўз даромадини АҚШга ўтказса, бу жараён Буюк Британия тўлов балансида «кредит» сифатида ўтади.	Н
2. Олтин стандарт тизими мамлакат импорти ва экспортини автомат равишда баланслашишига олиб келади, чунки, агар мамлакатда олтин захираси камайса, унда нарх даражаси ортади, агар олтин захираси кўпайса, нарх даражаси пасаяди.	Т
3. Мамлакат тўлов баланси доимо нолга тенг бўлади.	Т
4. Бреттон-Вудс валюта тизими халқаро резерв сифатида олтин ва доллардан фойдаланишни назарда тутган.	Т
5. Агар биз бошқа мамлакат резидентларига заём берсак, бу жараён бизнинг тўлов балансимизда «кредит» сифатида ўтади.	Н
6. Агар мамлакат олтиннинг нархини пасайтирса, бу унинг валютаси қадрсизланаётганини англатади.	Н
7. Мамлакат тўлов балансини мувозанатлаштириш учун ички	Т


нархларни умумий даражасини ўзгартириш мумкин.	
8. Агар американинг IBM компанияси Самарқандда завод сотиб олса, бу жараён Ўзбекистон тўлов балансида «кредит» сифатида ўтади.	Т
9. Агар итальянлар француз виноси, пишлоқ ва бошқа француз товар ва хизматларига талабни оширсалар, унда графикда француз франкига бўлган талаб эгри чизиғининг ҳамда таклиф эгри чизиғининг ўнгга силжишини кўрамиз.	Н
10. АҚШ хорижий валютасининг расмий резервларининг камайиши тўлов балансида «минус» белгиси билан акс этади: бу жараён дебет, ёки импорт операцияси кўринишида бўлади.	Н
11. Эгилувчан валюта курси тизими ички иқтисодиётни беқарорлигига, ташқи савдони ва хорижда инвестициялар ҳажмини қисқаришига олиб келиши мумкин.	Т
12. Тўлов балансининг жорий операциялар бўйича дефицити асосан соф капитал оқими ёрдамида молиялаштирилади.	Т
13. Агар долларда фунт стерлинг нархи пасайса, унда доллар фунтга нисбатан қадрини йўқотибди, деб айтадилар.	Н
14. Жаҳон иқтисодиётида 1971 йилдан бери қайд қилинган валюта курслари тизими ишлатилиб келинмоқда.	Н
15. Эркин сузувчи валюта курслари талаб ва таклифнинг тўсиқларсиз ўйинлари орқали аниқланади.	Т

Жавоб

1.Н; 2.Т; 3.Т; 4.Т; 5.Н; 6.Н; 7.Т; 8.Т; 9.Н; 10.Н; 11.Т; 12.Т; 13.Н; 14.Н; 15.Т.

МАСАЛА

1. **15.1 расмда** Америка бозорида Япония телевизорлари таклифи эгри чизиғи акс эттирилган. У икки даврдаги таклифни акс эттиради.



15.1. расм. АҚШ бозорида япон телевизорларининг таклифи эгри чизиғи.


- а) Таклиф эгри чизиғларининг бири АҚШ долларининг Япон иенасига нисбатан қадрининг пасайиб кетишидан олдинги даврга таалуқли, иккинчиси эса доллар ўз қадрини йўқотгандан кейинги даврга таалуқлидир;
Қайси эгри чизиқ биринчи даврга, қайси бири иккинчи даврга тегишли эканлигини аниқланг ва изоҳланг.
- б) АҚШ долларини пасайиб кетиши япон телевизорларининг нархига (долларда) қандай таъсир этади?
- в) Агар АҚШда япон телевизорларига талаб нарх бўйича эластик бўлса, бу вазият америкаликларнинг япон телевизорларига бўлган харажатларига (долларда) қандай таъсир қилади?
- г) Агар АҚШда япон телевизорларига талаб нарх бўйича эластик бўлмаса, бу вазият америкаликларнинг япон телевизорларига бўлган харажатларига (долларда) қандай таъсир қилади?

Жавоб:

а), б) юқоридаги таклиф эгри чизиғи доллар ўз қадрини йўқотгандан кейинги даврга таалуқли. Таклиф ҳажмини шу даражада сақлаб қолиш учун япон ишлаб чиқарувчилари долларда юқорироқ нархни белгилашлари зарур.

- в) харажатлар камаяди.
- г) харажатлар ошади.

2. **15.2 расмда** Японияда америка компьютерларига талабнинг эгри чизиғи кўрсатилган.



15.2. расм. Японияда АҚШ компьютерларига бўлган талаб эгри чизиғи.

- а) Агар япон иенаси АҚШ долларига нисбатан қадри пасайиб борса, унда Японияда 4000 долларга сотилаётган америка компьютерларининг миқдори қандай ўзгаради, камаядими ёки кўпаядими?
- б) Бу вазиятда америка компьютерларига бўлган талаб қандай ўзгаради: ошадими ёки пасаядими?
- в) Бу вазиятда японияликларнинг американинг компьютерларига қилган харажатлари (долларда) қандай ўзгаради: ўсадими ёки камаядими?

Жавоб:

- а) камаяди.
- б) пасаяди.
- в) камаяди.

3. Қуйида **A** мамлакатнинг бошқа мамлакатлар билан ташқи иқтисодий операциялар рўйхати келтирилган:

	(млн.долл.)
A мамлакат резидентлари томонидан хорижий фирмаларнинг қимматли қоғозларини сотиб олиш	50
A мамлакатга товар ва хизматлар импорти	100
A мамлакатдан товар ва хизматлар экспорти	120
A мамлакатга бошқа мамлакатлардан пул ўтказишлар	30
A мамлакат фирмаларининг қимматбаҳо қоғозларини хорижликларга сотилиши	60
A мамлакатга олтин импорти	60

A мамлакатнинг тўлов балансини тузинг.

Жавоб:

<u>Моддалар</u>	Дебет	Кредит
	млн.долл.	
Импорт	100	-
Экспорт	-	120
Қимматбаҳо қоғозларни сотиб олиш	50	-
Қимматбаҳо қоғозларни сотиш	-	60
Пул ўтказишлар	-	30
Олтин импорти	60	-
<u>Жами</u>	210	210

4. Қуйида швейцар франкига бўлган талаб картаси ва унинг таклифи ҳажми келтирилган:

Франк нархи (долларда)	Франкга бўлган талабнинг ҳажми (млн.франк)	Франк таклифининг ҳажми (млн.франк)
0,80	300	400
0,70	320	370
0,60	340	340
0,50	360	310
0,40	380	280

а) долларнинг мувозанатлашган валюта курси қандай?

- б) швейцар франкининг мувозанатлашган валюта курси қандай?
 в) валюта бозорида долларнинг қанча миқдори сотиб олинади?
 г) валюта бозорида швейцар франкининг қанча миқдори сотиб олинади?

Жавоб:

- а) доллар $1\frac{2}{3}$ франк нархида сотилади.
 б) 60 цент.
 в) $340 \text{ млн.франк} \times 60 \text{ цент} = 204 \text{ млн.долл.}$
 г) 340 млн.франк.

5. Қуйида фунт стерлингга бўлган талаб картаси келтирилган?

Фунт нархи (долларда)	2,00	2,10	2,20	2,30	2,40	2,50
Фунтга бўлган талаб ҳажми (млн.ф.ст.)	200	190	180	170	160	150

- а) Буюк Британия ҳукумати фунт стерлинг валюта курсини 1 ф.ст.=2,40 долл. қилиб белгилади ва бу курс бўйича таклиф этилаётган фунт стерлинг миқдори 180 млн.га тенг деб тахмин қилсак. Бу вазиятда Британия ҳукумати фунтни сотиши керакми ёки сотиб олиши керакми? Агар шундай бўлса қандай миқдорда?
 б) агар Британия ҳукумати фунтни долларга сотиб олиши керак бўлса, унда керакли миқдордаги долларни қаердан олиши мумкин?

Жавоб:

- а) сотиб олади; 20 млн.фунт.
 б) ўз резервларидан.
6. Қуйидаги маълумотлар ёрдамида:
 а) капитал харажати балансини ҳисобланг;
 б) жорий операциялар балансини ҳисобланг;
 в) савдо баланси ҳажмини ҳисобланг.

1. Товар экспорти	+40
2. Товар импорти	-30
3. Хизматлар экспорти	+15
4. Хизматлар импорти	-10

5. Инвестициялардан соф даромад	-5
6. Соф пул ўтказишлар	+10
7. Капитал оқиб келиши	+10
8. Капитал оқиб кетиши	-40
9. Расмий резервлар	+10

Жавоб:

- а) капитал ҳаракати баланси = -30;
- б) жорий операциялар баланси = +20;
- в) савдо баланси ҳажми = +10.

ТЕСТ

1. Агар 1 немис маркасининг доллардаги нархи 50 центдан 45 центга тушган бўлса, унда Германияда 150 маркага сотилаётган магнитофоннинг (доллардаги) нархи:

- а) 10 долларга пасаяди;
- б) 7,50 долларга камаяди;
- в) 5,00 долларга камаяди;
- г) 7,50 долларга кўпаяди;
- д) юқоридаги жавобларининг ҳаммаси нотўғри.

2. Мамлакат тўлов балансининг таркибий қисми бўлган жорий тўловлар счёти қуйидагини ўз ичига олмайди:

- а) товар экспорти;
- б) инвестициялардан соф даромад;
- в) хорижий мамлакатларга транспорт хизмати;
- г) хорижда мамлакат активидаги ўзгариш;
- д) бир томонлама трансферт тўловлари.

3. Француз франкига бўлган талаб эгри чизиғи ўнг томонга силжийди, агар:

- а) Франциядаги реал фоиз ставкалари нисбатан юқори бўлиб, инфляция даражаси эса (бошқа мамлакатларга) нисбатан паст бўлса;
- б) Франциядаги реал фоиз ставкалари нисбатан паст бўлиб, инфляция даражаси эса нисбатан юқори бўлса;
- в) Франциядаги фоиз ставкалари ҳам, инфляция даражаси ҳам нисбатан паст бўлса;

- г) Франциядаги фоиз ставкалари ҳам, инфляция даражаси ҳам нисбатан юқори бўлса;
- д) ҳамма жавоблар нотўғри.

4. Мамлакат ўз валютасини девольвация қилди деганда қуйидагини назарда тутишади:

- а) мамлакат олтин стандартидан воз кечди;
- б) валюта бирлигини ички сотиб олиши қобилияти тушиб кетди;
- в) ҳукумат олтин сотиб оладиган нархини оширди;
- г) мамлакатда савдо баланснинг дефицити мавжуд;
- д) ушбу мамлакат валютасида акс этган баъзи мамлакатлар валюталарининг нархи тушиб кетди.

5. Агар Швейцария франкининг АҚШ долларига алмашув курси 1 доллар учун 4 франкдан 3 франкка пасайган бўлса, унда франкнинг нархи:

- а) 25 центдан 33 центга кўтарилиб, доллар курси франкка нисбатан ўсди;
- б) 33 центдан 25 центга тушди, доллар курси франкка нисбатан пасайиб кетди;
- в) 25 центдан 33 центга кўтарилган, доллар франкка нисбатан деваловация қилинган;
- г) 25 центдан 33 центга кўтарилиб, доллар франкка нисбатан тушиб кетади;
- д) 33 центдан 25 центга тушди, доллар курси франкка нисбатан кўтарилди.

6. Олтин стандарт тизими амал қиляпти. А мамлакат Б мамлакатга товар экспортини сезиларли даражада кўпайтирди. Бундай ҳолатда:

- а) А мамлакатда нархлар даражаси пасаяди, Б мамлакатда ўзгариши мумкин, балки ўзгармас;
- б) А мамлакатда нархлар даражаси ўзгариши мумкин, ўзгармаслиги ҳам мумкин, Б мамлакатда эса пасаяди;
- в) А мамлакатда нархлар даражаси ўсади, Б мамлакатда эса пасаяди;
- г) А мамлакатда нархлар даражаси пасаяди, Б мамлакатда ўсади;
- д) ҳамма жавоблар нотўғри.

7. АҚШ эскпорти ва импорти ҳажмига долларнинг хорижий валютадаги (масалан, фунт стерлингдаги) нархини сезиларли пасайиши қандай таъсир кўрсатиши мумкин.

- а) экспорт ва импорт ўсади;
- б) экспорт ўсади, импорт камаяди;
- в) экспорт ва импорт камаяди;
- г) экспорт камаяди, импорт ўсади;
- д) импортга ҳам, экспортга ҳам сезиларли таъсир қилмайди.

8. Агар АҚШ ва Канада ўртасида эркин сузувчи валюта курслари режими ўрнатилган бўлса, Канада долларига талаб кўпайиб борса, унда бу шундан далолат берадики:

- а) Канада доллари таклифи пасайган ёки пасаяди;
- б) АҚШ валютасидаги Канада долларининг нархи пасайди;
- в) АҚШ долларининг таклифи пасайган;
- г) Канада валютасидаги АҚШ долларининг нархи пасайган;
- д) АҚШ доллари деволовация қилинган.

9. Агар АҚШнинг ЯММИ пасайиб борса, унда эркин сузувчи валюта курслари тизимида қуйидаги ҳол юз беради:

- а) импорт пасайиб боради, АҚШ долларининг нархи кўтарилиб боради;
- б) импорт ва АҚШ долларининг нархи пасайиб боради;
- в) импорт ва доллар нархи кўтарилиб боради;
- г) импорт ўсиб боради, АҚШ доллари нархи пасайиб боради;
- д) ҳамма жавоблар нотўғри.

10. Агар америка корпорациялари хорижликларга (долларда) катта миқдорда дивидендлар тўлаётган бўлса, бу:

- а) долларни қадри тушиб кетишига олиб келади;
- б) доллар курсини ошиб кетишига олиб келади;
- в) АҚШда мамлакатдан чиқиб кетган долларга компенсация кўринишида олтин ҳаракатда бўлади;
- г) АҚШдан чиқиб кетган долларни компенсация қилиб импорт кўпаяди;
- д) ҳамма жавоблар нотўғри.

11. Тўлов баланснинг актив сальдоси кўпаяди, агар мамлакатда:

- а) реал фоиз ставкалар пасайса;
- б) инфляция суръати ўсиб борса;
- в) иқтисодий ўсиши суръатлари кўтарилса;
- г) юқорида қайд этилган барча жараёнлар юз берса;
- д) юқорида қайд этилганларининг ҳеч қайсиси юз бермаса.

12. Испания тўлов балансининг дефицитини пасайтириш мақсадида ташқи савдо устидан назорат ўрнатишга қарор қилади. Бу қарорнинг натижаларидан бири қуйидагидир:

- а) мамлакатда инфляция даражаси пасаяди;
- б) иқтисодий ўсиш суръатлари пасаяди;
- в) Испания экспорти пасаяди;
- г) Испания импорти пасаяди;
- д) савдо баланси сальдоси пасаяди.

13. Агар қайд қилинган валюта курслари режими шароитида Япониядаги инфляция даражаси бошқа мамлакатларникига нисбатан юқори бўлса, унда:

- а) Япония экспорти ва импорти пасаяди;
- б) Япония экспорти ва импорти ўсади;
- в) Япония экспорти ўсади, импорти камаяди;
- г) Япония экспорти камаяди, импорт ўсади;
- д) Япониянинг тўлов балансининг актив сальдоси кўпаяди ёки дефицит камаяди.

Жавоб:

1. б; 2. г; 3. в; 4. в; 5. г; 6. в; 7. б; 8. г; 9. в; 10. а; 11. д; 12. г; 13. г.

АДАБИЁТЛАР

1. Микро-, макроэкономика. Практикум./ Под обх.ред. Ю.А. Огибина.- СПб.: «Литера плюс», «Санкт-Петербург оркестр», 1994.- 432 с.
2. Сборник задач по экономике: Учебное пособие/Отв.ред. Ю.Е.Власьевич. М.: Издательство БЕК, 1996.-273стр.
3. Сборник задач по экономической теории: микроэкономика и макроэкономика.- Киров, ТОО Издательство «АСА», Кировская областная типография, 1997,-264стр.
4. Сборник задач по экономической теории: микро и макроэкономика.-Киров: Кировская областная типография, 1994.- 182стр.
5. Микро- и макроэкономика: задачи, упражнения, математическое обеспечение I. II. С-Пб.: Издательство Михайлова В.А., 1997.- 447стр.
6. Макроиқтисодиёт: Амалий қўлланма Тарж. Рус тилидан: Х.С. Хўжаев, С.Х.Қосимова; Таҳририй кенгаш: Г.К.Саидова, Х.С.Хўжаев, С.Х.Қосимова.-Т.: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси», 2001.-197б.

МУНДАРИЖА

КИРИШ	4
<u>1 БОБ.</u> Курснинг предмети, мақсади ва вазифалари	
<u>2 БОБ.</u> Асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар	10
<u>3 БОБ.</u> Бозор иқтисодиёти шароитида давлатнинг иқтисодий вазифалари	27
<u>4 БОБ.</u> Макроиқтисодий таҳлил: жами талаб ва жами таклиф	42
<u>5 БОБ.</u> Макроиқтисодий беқарорлик: ишсизлик	55
<u>6 БОБ.</u> Макроиқтисодий беқарорлик: инфляция	67
<u>7 БОБ.</u> Классик ва Кейнсча бандлик назарияси	75
<u>8 БОБ.</u> Иқтисодиёт мувозанати ва уни барқарорлаштириш	83
<u>9 БОБ.</u> Иқтисодий ўсиш. Иқтисодиётнинг циклик тебраниши	100
<u>10 БОБ.</u> Истеъмол, жамғарма ва инвестиция вазифалари	113
<u>11 БОБ.</u> Товар ва хизматлар бозоридаги мувозанат	126
<u>12 БОБ.</u> Макрокўламда пул бозори. IS ва LM модели.	133
<u>13 БОБ.</u> Давлат бюджети ва солиқ сиёсати	145
<u>14 БОБ.</u> Халқаро савдо назарияси	154
<u>15 БОБ.</u> Тўлов баланси ва валюта курси	169
АДАБИЁТЛАР	